

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ДИЛНОЗА НАРИМОНОВНА

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01. – Ўзбек тили

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Маматов Абдуғафур Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор**

Жиззах– 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИ ВА УНИНГ АДАБИЙ ТИЛГА МУНОСАБАТИ	13
1.1.§ Халқ достонлари тилининг диалектал асослари тадқиқидаги ёндашувлар.....	13
1.2.§ Достонлар тилига хосланган фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари.....	35
Боб бўйича хулосалар.....	48
II БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИГА ХОСЛАНГАН ЛЕКСИК – ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ.	
2.1.§ Халқ достонлари тилида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг лингвомаданий хусусиятлари.....	49
2.2.§ Халқ достонлари тилига хосланган диалектал фразеологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили.....	66
Боб бўйича хулосалар.....	85
III БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	
3.1.§ Паремиологик бирликларнинг умумий тавсифи.....	87
3.2.§ Достонлар тилида паремиологик бирликларнинг лингвомаданий хусусияти.....	102
Боб бўйича хулосалар.....	123
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	128
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	142

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида муайян халқнинг миллий-ментал хусусиятлари ҳамда характерининг тил бирликларида воқеланишини очиб бериш асносида олам манзарасининг тилда акс этишини ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Миллий тилнинг ифода имкониятларини кўрсатиб бериш, халқ этномаданиятининг ифодаси бўлган халқ дostonларининг лингвомаданий жиҳатларини ўрганиш ҳамда уларнинг лингвомаданий хусусиятлари орқали халқнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлари юзасидан умумлашма хулосалар чиқаришга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Дунё тилшунослигида халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, эпос тилидаги лексик бирликларнинг маъно табиатини очиб бериш, улардаги тил ва маданият муносабатларини аниқлаш ва мавзуй таснифлаш масалалари тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан халқ дostonларидаги серқатлам лингвомаданий кўламнинг тарихий асослари, тавсифи ва таснифи борасидаги масалаларни структур-семантик илмий талқин этишга қаратилган салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Ҳар бир халқ маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратилаётган бугунги глобаллашув даврида тилнинг маданиятда акс этиши ва, аксинча, маданият белгиларининг тил тизимида ифодаланишини илмий жиҳатдан ёритиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида дostonлар тили қиёсий-тарихий ҳамда систем-структур йўналишда чуқур тадқиқ этилган. Эпос тилидаги сўзларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиб ўрганиш, уларнинг муайян тилга кириб келиш омилларини аниқлаш ва кўп маънолилиқ хусусиятларини белгилаш бўйича салмоқли илмий тажрибалар тўпланган. Халқ дostonлари тилини илмий тадқиқ қилиш ҳар бир миллатнинг этногенезиси, моддий ва маънавий маданияти тил билан боғлиқ тарзда ўзининг илмий-назарий асосини

топишини исботламоқда. Шунингдек, дostonлар оғзаки ижод маҳсули сифатида халқ шевалари тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Миллий юксалишнинг муҳим шартларидан бири давлат тилини ривожлантириш, бошқа тилларга чоғиштириб ўрганиш ҳамда ўзбек тилининг ўзига хос табиатини кўрсатиб бериш ҳисобланади. «Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар»¹. Бу бебаҳо меросни, айниқса, тилимизнинг ноёб хазинаси бўлган халқ дostonларининг лексик-фразеологик birlikларини лингвомаданий замонавий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш муҳимдир. Бироқ ўзбек халқ дostonлари тили лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Шу боис ўзбек халқ дostonларидаги лексик, фразеологик birlikларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида халқ дostonлари тилининг хусусиятлари, уларнинг лисоний, типологик ва бадиий-эстетик хусусиятлари кенг қўламда ўрганилаётганлиги илмий жамоатчиликка маълум. Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилидаги линвомаданий бирликлар борасида Ш.Шоабдурахмонов, С.Турсунов, З.Холмонова, Ж.Холмуротова, А.Раҳимов, Х.Тошматов, Ш.Маҳмадиев, А.Ишаев, Н.Махмудов, Х.С.Рўзимбоев, С.М.Сариев, С.Н.Йўлдошева, У.Жуманазаров, Г.Жуманазаровалар, илмий тадқиқотларида² қиёсий-тарихий ҳамда систем-

² Шаабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы “Равшан”. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Тошкент, 1949. – 19 б.; Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 б.; Холманова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. – Тошкент, 2000. – 160 б.; Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликлари ўрни. – Т.: 1971. – Б. 173-179.; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шаҳриёр” ва “Маликаи Завриё” дostonлари мисолида) Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Сариев С.М. Хоразм “Тўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари. Филол. фан. номз. ...дис., Тошкент, 2007; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 25 б.; Халиков А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2009; Жуманазарова Г. “Ширин билан шакар” дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): Филол. фан. номз. ...дис. автореф., – Тошкент, 2008. – 26 б.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фанлари д-ри дис. Тошкент, 2017. – 268 б.; Ўринбаева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ

структур йўналишда эса Д.Ўринбоева, Қ.М.Оллоёров, И.Умаров, Н.Хаджимусаева, А.Эшмуратов ва бошқаларнинг диссертацияларида тадқиқ этилган. Бироқ дostonлар тилининг луғавий қатламлари, вазилавий-семантик ва услубий хусусиятлари етарлича ўрганилмаган. Шунингдек, халқ дostonлари тили бирликларини тил ва маданиятнинг ўзаро муносабат доирасида ўрганишга эътибор қаратилмаган.

Тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шакланган лингвокультурология бўйича илк тадқиқотлар Москва фразеологик мактаби тилшунослари В.Н.Телия, Ю.С.Степанов, А.Д.Арутёнова, В.В.Воробьёв, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, В.А.Масловлар томонидан олиб борилган изланишлар³ билан боғлиқ равишда пайдо бўлган. Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил қилади. В.Н.Телия бу ҳақида шундай ёзади: «Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир»⁴.

Лингвокультурология ўзбек тилшунослигида янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунга қарамасдан, ўзбек тилшунослари бу борада ҳам анчагина тадқиқотларни юзага келтиришди. Жумладан, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, С.Каримов, Н.Турниёзов, З.Жумаева⁵ ва бошқаларнинг ишлари эътиборга лойиқ. Шунингдек, бу соҳада Т.М.Олимжонова, Х.С.Расулов, Ш.Р.Усмонова, Ш.С.Холматов, М.Т.Эшонкулова, А.А.Носиров,

муаммолари: филол.фан. д-ри (DSc) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Самарқанд, 2018, – 46 б.; Умаров И. “Малика айёр” дostonи лексикаси филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Фарғона, 2020, – 46 б. ва бошқалар.

³ Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. - Москва, Школа. «Языки русской культуры».1996.С.-286; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие.-Москва, Наука.2010.-С.21.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений.-Москва, Изд. Центр «Академия».2001.С.-208.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. Монография - Москва, Флинта.2012.С.-301.; Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография.- М.:Изд.РУДН.2008.-С.240.

⁴Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты.- Москва. Школа «Языки русской культуры»,1996. С.-222.

⁵ Жуманазаров У., Жуманазарова Г. Халқ дostonлари тилидаги лингвомаданий бирликлар. Монография. – Тошкент, 2019. –Б. 277; Жумаева З.Ш. Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи. Филол.фан.фалсафа док (PhD) дис. ...автореф. –Жиззах, 2021. –Б. 58.

Ш.Имяминов, Ш.Н.Зиёева, Б.А.Мустафоева, И.Умаровлар илмий тадқиқот ишларини амалга оширишмоқда. Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида шаклланиб бораётган лингвокультурология инсон маданиятини шакллантирувчи ва тил билан чамбарчас боғлиқ муҳим ҳодиса сифатида қаралмоқда. Чунки «тилнинг объектив хусусиятига боғлиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон тил эгаси сифатида асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади»³.

Тадқиқотда халқимизнинг азалий маданий-эстетик қарашлари, одоб-ахлоқ, турмуш тарзи ва рамзлар ҳақидаги тасаввурларини инобатга олган ҳолда, тил бирликлари этник, семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилинади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган .

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ дostonлари тилида қўлланилган ўхшатишлар, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, фразеологик ва паремиологик бирликларнинг хусусиятларини лингвомаданий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилшунослигидаги халқ дostonлари тилининг диалектал асослари тадқиқидаги ёндашувларни ўрганиш ҳамда фразеологик ва паремиологик бирликларни лингвокультурологик ментал тадқиқ этишда уларнинг миллий-маданий семантикасининг тил миқёсидаги моҳиятини белгилаш;

³ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012 № 5. –Б-6-7.

Ўзбек адабий тили билан халқ тили орасидаги муносабатни ўрганишда халқ дostonларининг ўрнини ҳамда дostonлар тилига хосланган маданий бирликларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш;

дostonлардаги сўзларнинг шакл ва мазмун муносабатига кўра турларининг лингвомаданий хусусиятларини мазкур асарлардан келтирилган мисоллар қиёси орқали очиб бериш;

фразеологизмларнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этишда уларнинг халқ дostonлари тили миллийлиги ва жозибadorлигини оширишдаги ўрнига аҳамият қаратиш;

миллатнинг лисоний бойлиги, тафаккури, ранг-баранглиги, ўзига хослиги манзарасини очиб беришга хизмат қиладиган, шу билан бирга умуминсоний ва миллий қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган паремиологик бирликларнинг этномаданий хусусиятларини кўриб чиқиш ва тилшунослик анъаналари асосида тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ бахшилари куйлаган дostonлар, жумладан, «Холдорхон», «Алпомиш», «Кунтуғмиш» дostonлари тилига оид паремеологик бирликлар, яъни мақол, матал, афоризм ҳамда фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек халқ дostonларидаги лексик-семантик, фразеологик, паремиологик бирликларнинг лингвокультурологияси ва уни семантик-прагматик таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, семантик, систем-структур, қиёсий-тарихий компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Алпомиш”, “Холдорхон”, “Рустамхон” дostonларида *қулун, дўнан, бия, аргумоқ, жийрон, шапақ* каби йилқичиликка оид, *жаҳаз, хатаб, абжўш, саба, кўнак, овсар, лўк* каби туячиликка оид, *даҳмарда, қағаноқ, тўқсари*

каби молчилик ва қўйчиликка оид маданий бирликларнинг кўпроқ ҳамда асосан ўз маъносида қўлланилганлиги аниқланган;

достон матнидаги “жўн ўтирмақ”, “ника қиймоқ”, “бешкирти қилмоқ”, “боши бўш” каби қатор фразеологик бирликларнинг “тўқирлини туман тутди”, “қуннинг бурниминан” каби анъана, расм-русумларга оид диний ва миллий тафаккур даражасини белгилаб берувчи функционал-семантик ва лингвокультурологик табиати очиб берилган;

достонлар тилида қадимда ишлатилган, ҳозирги кунда эса истеъмолдан чиқиб кетган *арна* (арик), *кўнак*, *сава* (қимиз солинадиган идиш), *чийир* (из), *анди* (бўш, ландовур), *кўкан* (молларни боғлашда ишлатиладиган махсус арқон), *туз* (байроқ), *табор* (болта), *закот*, *хирож* каби сўз ва терминларнинг лингвомаданий хусусиятлари аниқланган;

достонлардаги “*яши етсин муродга, ёмон қолсин уятга*”, “*гавҳарни не билсин, ушлаган сопол*”, “*тушни кўрсанг, яшиликка йўрагин*” сингари паремиологик бирликлар халқимизнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, маънавияти билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

достонлар тилининг ўрганилишидаги етакчи тамойиллар, лексик-семантик, фразеологик, паремиологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили билан боғлиқ илмий қарашлар бирламчи манбаларга асосланиб ёритилган;

тадқиқот натижалари асосида аниқланган бир гуруҳ сўз ва ибораларнинг изоҳ-тавсифи изоҳли луғат, она тили таълимида, оғзаки сўзлаш нутқида ўқувчи-талабаларнинг филологик билим ва малакаларини оширишдаги амалий аҳамияти аниқланган;

диссертациянинг умумлашма хулосалари ўзбек тили этнофраземаларнинг фразеологик назариясини бойитиши ва фразеологик бирликларни ҳудудий ёки умумий этнофраземик аспектда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган;

достон тилига оид фразеологик бирликлар мисолида тадқиқот натижалари соҳага доир муҳим илмий-назарий маълумот бериши билан бирга тил ва маданият масалаларини ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, антропоцентрик тилшунослик каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, лексик-семантик, фразеологик, паремиологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлилларида ўзбек халқ достонлари ва нуфузли луғатлардаги маълумотларга таянилганлиги, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама ва таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосалар амалиётга жорий этилди. Олинган натижалар умумжаҳон лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, иш олдига қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилгани, мавзу жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда келтирилган материаллар фразеология, этнолингвистика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи ёндош соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда асос манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тилшунослигида лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқ бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш, олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида «Фразеология», «Лексикология», «Этнолингвистика», «Лингвокультурология» бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ достонлари тилининг лингвокультурологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Алпомиш”, “Холдорхон”, “Рустамхон” достонларида қулун, дўнан, бия, арғумоқ, жийрон, шапақ каби йилқичиликка оид, жаҳаз, хатаб, абжўш, саба, кўнак, овсар, лўк каби туячиликка оид, даҳмарда, қазаноқ, тўқсари каби молчилик ва қўйчиликка оид маданий бирликларнинг кўпроқ ҳамда асосан ўз маъносида қўлланилганлиги ҳақидаги хулосаларидан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу-Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Бухоро давлат университети 2022 йил 17 майдаги 455-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг достонлар тилида учрайдиган лексик бирликлар ҳақидаги маълумотлар билан назарий жиҳатдан бойишига эришилган;

достон матнидаги “жўн ўтирмоқ”, “ника қиймоқ”, “бешкирти қилмоқ”, “боши бўш” каби қатор фразеологик бирликларнинг “тўқирлини туман тутди”, “куннинг бурниминан” каби анъана, расм-русумларга оид диний ва миллий тафаккур даражасини белгилаб берувчи функционал-семантик ва лингвокультурологик табиати ҳақидаги хулосалардан MUZ-2015-0725140051 “Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Жиззах давлат педагогика институтининг 2022 йил 11 апрелдаги 04-363-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги сўз ясалиш ва фразеологик шаклланишларнинг таҳлили ва изоҳлари мукаммаллашишига хизмат қилган;

достонлар тилида қадимда ишлатилган, ҳозирги кунда эса истеъмолдан чиқиб кетган *арна* (арик), *кўнак*, *сава* (қимиз солинадиган идиш), *чийир* (из), *анди* (бўш, ландовур), *кўкан* (молларни боғлашда ишлатиладиган махсус арқон), *туғ* (байроқ), *табор* (болта), *закот*, *хирож* каби сўз ва

терминларнинг лингвомаданий хусусиятлари ҳақидаги хулосаларидан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу-Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Бухоро давлат университети 2022 йил 17 майдаги 455-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий қисмининг илмий-назарий фикрлар билан бойитилишига эришилган;

достонлардаги *“яхши етсин муродга, ёмон қолсин уятга”*, *“гавҳарни не билсин, ушлаган сопол”*, *“тушни кўрсанг, яхшиликка йўрагин”* сингари паремиологик бирликлар халқимизнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, маънавияти билан чамбарчас боғлиқлиги тўғрисидаги хулосалардан “Сарчашма” телекўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 4 апрелдаги 10-12/241-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги, илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 17 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 3 та, хорижий журналларда 5 та ва илмий тўпламларда 9 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 130 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИ ВА УНИНГ АДАБИЙ ТИЛГА МУНОСАБАТИ

1.1. § Халқ достонлари тилининг диалектал асослари тадқиқидаги ёндашувлар

Ўзбек тилшунослиги фан сифатида ўтган асрнинг 20-30 йилларидан шаклланган бўлса-да, шу қисқа давр ичида у ўзининг энг юқори босқичига кўтарилиб чиқди. Ҳар қандай фикрни ифода эта оладиган юксак даражадаги ҳозирги ўзбек адабий тили вужудга келди ва ривожланди. Унинг луғат таркиби бойиди, грамматик қурилиши силлиқлашди, стилистик имкониятлари кенгайди. Ўзбек адабий тилининг қисқа давр ичида бунчалик муваффақиятларга эришувида эски ўзбек адабий тилининг анъаналари, ташқи таъсир ва ички имкониятларнинг (халқ тили, халқ оғзаки ижоди асарлари тили, халқ шевалари) таъсири катта бўлди ва бу қонуний жараён ҳамон давом этмоқда.

Ўзбек адабий тили тараққиётининг ҳозирги босқичида уни ривожлантиришнинг бири ташқи таъсир бўлса, иккинчиси унинг ички резервларидан ҳисобланган халқ тили ва унинг диалектларидир⁶.

Адабий тил ва халқ тили ўртасида алоқа ва ўзаро таъсир, халқ тилини асосий база сифатида тушуниб, уни адабий тилга боғлаб ўрганиш масаласида айрим ишлар қилинган. Чунки халқ тилини, халқ оғзаки ижоди асарлари тилини ўрганиш халқ тарихи ва тил тарихининг айрим томонларини ойдинлаштиришда, адабий тилнинг имкониятлари ҳамда келажагини белгилашда катта ёрдам беради.

Халқ тилининг асосий кўринишларидан бири оғзаки ижод намуналари тилини фонетик, лексик-грамматик ва стилистик томондан тадқиқ қилиш, ўзбек адабий тили билан фольклор асарлари тилининг ўзаро муносабатини ўрганиш тилшунослигимизнинг муҳим масалаларидан бири десак хато

⁶ Бу ҳақда қаранг: П.Қодиров. Халқ тили ва реалистик проза, –Тошкент, 1973, 158-бет. Х.Дониёров, Йўлдошев. Адабий тил ва бадиий стил. –Тошкент, 1988, 16-бет.

қилмаймиз. Айниқса, бой ва узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилшунослар учун қимматли материаллар беради. Чунки оғзаки ижод намуналари яратилиш тарихи, стили нуқтаи назаридан жуда узоқ даврга тақалади.⁷ Достонлар тилида халқнинг бутун орзу-истаклари билан бирга, тилдаги барча ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса, халқ достонлари барча ўзбек шеваларига баробар хизмат қилган диалектлараро умумий бир тил кўринишида яратилган. Шу сабабли фольклор тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг диалектал асосларини ўрганиш тилшуносликда муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ўзбек тилшунослигида халқ оғзаки асарлари тилининг у ёки бу томонларига бағишланган тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, бу соҳа бўйича бир қанча номзодлик⁸ ва докторлик⁹ диссертациялари химоя қилинган. Шунингдек, Ҳ.Олимжон, А.Ишаев, Р.Расулов, М.Ражабобоев, Р.Икромов, Р.Анорбобоеваларнинг илмий мақолалари диққатга сазовордир¹⁰. Профессор Х.Абдурахмоновнинг фольклор тилига бағишланган монографияси¹¹ эса бу соҳадаги дастлабки йирик тадқиқотдир.

⁷ Х.Дониёров. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. –Тошкент: Фан, 1979.-133 б.

⁸ Ш.Шоабдурахмонов. “Равшан” достонининг бадиий тили ҳақида, ҚД, –Тошкент, 1949; Х.Абдурахмонов. Ўзбек халқ мақолларининг синтактик хусусиятлари, ҚД, –Тошкент, 1964; Р.Расулов. Синтаксический связь между словами в дастане “Алпамыш”, АКД, –Ташкент, 1975; Б.Мамедов. Бабур и народное поэтическое творчество, АКД, –Ташкент, 1982; И.Мирзаев. Изучение узбекского устного народного творчество на уроках родного языка в начальных классах узбекских школ., АКД, –Ташкент, 1973; М.Садриддинова. Лексика узбекских пословиц и поговорок. АКД, –Тошкент, 1984.; Ж.Байзаков. Лексические особенности казахского героического эпоса «Алпамыш», АКД, –Алмата, 1967; С.Турсунов «Алпамыш» достонининг лексик хусусиятлари, ҚД, –Тошкент, 1990. Г.Жуманазарова. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Тошкент, 2012. ва бошқалар.

⁹ Х.Абдурахмонов. Халқ оғзаки асарлари тилининг синтактик хусусиятлари, АДД, – Тошкент: Фан, 1978.-6 166.

¹⁰ Х.Зариф. “Ўзбек халқ ижоди” кўп томлигига кирадиган асарларни нашрга тайёрлаш принциплари. – “Исломо шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни”. –Тошкент: Фан, 1978; Ҳ.Олимжон. Мардлик муҳаббат ва дўстлик достони. Мукамал асарлар тўплами, 5-том, –Тошкент: Фан, 1982; А.Ишаев. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари. – “Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни”, тадқиқотлар, 2-китоб, – Тошкент: Фан, 1971; А.Ишаев. Халқ достонлари тилига оид этюдлар. – “Исломо шоир ва унинг халқ поэтикасидаги тутган ўрни”, –Тошкент: Фан, 1978; Р.Расулов. “Алпамыш” достонидида уюшган гапларнинг қўлланишига доир, юқоридаги асар; Р.Икромов. Ўзбек халқ достонларидаги нумератив сўзлар, ТДПИ илмий асарлари, 208-том, –Тошкент, 1979; Р.Анорбобоева. Ўзбек халқ кўшиқларида қайтариқ ва лексик-грамматик параллелтзимлар ҳақида баъзи мулоҳазалар, ДТПИ илмий асарлари - “Тилшуносликнинг айрим масалалари”, 106-том ва бошқалар.

¹¹ Х.Абдурахмонов. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар – Тошкент, 1971.

Бизнингча, халқ оғзаки асарлари тили, айниқса, халқ достонлари тилини монографик планда ўрганиш вақти келди.

Ваҳоланки, бошқа халқлар тилшунослигида, айниқса, рус тилшунослигида фольклор тилига бағишланган ишлар таҳсинга сазовордир. Рус тилшунослигида мавзу доирасидаги тадқиқотларни А.Т.Хроленко, А.В.Десницкая, Г.Н.Кондратьева, И.А.Осовецкий, Р.И.Ройзензон, В.Е.Гусев ва бошқалар ўз илмий ишларида алоҳида кўриб чиқишган¹².

Биз ушбу ишимизда “Алпомиш”, “Холдорхон”, “Кунтуғмиш” достонлар тилини лингвомаданий жиҳатдан, жумладан, лексик, фразеологик хусусиятлари ва уларнинг стилистик имкониятларини тадқиқ қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Достонлар тили бўйича ўтказилган айрим кузатишларимиз бу ишни бошлашга туртки бўлди ва бизнинг олдимизга катор муаммоларни қўйди. Бу муаммолар, албатта, ўз ечимини топиши керак.

Халқ достонлари тилида ўрганилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолардан бири халқ достонлари тилининг диалектал асосларини аниқлашдан иборатдир. Чунки бу масалада турли хил қарашлар мавжуд. В.В.Решетов халқ достонлари тилида қипчоқ диалектининг асосий хусусиятлари мавжуд деган фикрни илгари сурган бўлса, тилшунос Х.Дониёров фикрича, “қипчоқ диалекти вакиллари ҳам, халқ достонлари ижодчилари ҳам бир қабила (қипчоқ қабилалари) вакиллари дир”¹³. Бизнинг фикримизча, эпик достонлар тилида диалектлараро умумий тил билан бирга қипчоқ диалектининг хусусиятлари ҳам акс этган. Халқ достонларининг яратилишида қипчоқ лаҳжаси, шунингдек, ўзбек тили бошқа лаҳжаларининг қанчалик хизмати бор ёки йўқлигини аниқлаш тилшунослигимизнинг айрим томонларига аниқлик киритиши мумкин.

¹² А.Т.Хроленко. Лексика русской народной поэзии. –Курск, 1979; А.Т.Хроленко. Что такое лингво-фольклористика? –Москва: Русская речь, 1974.

¹³ Қаранг: Решетов В.В. Ўзбек шеваларининг ўрганилиши. “Ўзбек диалектологиясидан материаллар”, 1-китоб, Тошкент, 1957; Х.Дониёров. қипчоқ диалектлари лексикаси, Тошкент, 1979.

Халқ достонлари тилининг яна бир муҳим томонларидан бири унинг таркибида на адабий тилда, на баъзи шеваларда учрамайдиган тил материаллари мавжудлигидир. Бу фольклор тилининг ўзига хос традицион қатлами ҳисобланиб, у алоҳида текширишларни талаб қилади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги унинг яна тараққий этишига замин яратмоқда. Бу эса янги сўзлар ва янги атамаларни талаб қилади. Халқ достонлари тили таркибидаги ушбу қатлам эса бу масаланинг ечилишида катта ҳисса қўшиши мумкин. Чунки халқ тили ўзининг таъсирчан, мазмунли сўз ва иборалари билан адабий тилни ҳамиша бойитиб келган. Халқ тили ва унинг кўринишлари мавжуд экан, бу жараён давом этаверади.

Халқ достонлари халқнинг ўзига хос тарихи ва турмуш тарзи, удумлари ва қадриятлари, муомала ва мулоқот жараёнларини ифода этади ва шу маънода ҳамма вақт лингвомаданий хусусиятга эга бўлади ҳамда лингвомаданий тадқиқ этилиши давом этади. Шунингдек, халқ достонлари тили билан умумхалқ тили ўртасида ўхшашлик, умумийлик, мавжуд сўзлардаги сиқиклик ҳамда талаффузнинг фарқланиши кузатилади. Маълумки, умумхалқ тилидаги иборалар асрлар оша сайқаллашиб, қисқа иборалар йирик кўламли фикрларни ифодалайди. Достонда ибораларнинг ўринли қўлланилиши унинг умумхалқ тили асосида, шунингдек, шева вакиллари ҳаёт тарзи асосида яратилганлиги ушбу ибораларнинг ҳақиқий туркий (ўзбек) тил маҳсули эканлиги эътиборга олинса, адабий тил халқ жонли-сўзлашув тили ва диалектларидан озиқланиб туради, “ўзининг лексик-стилистик имкониятини шулар ҳисобига кенгайтириб боради”¹⁴. Таъкидлаш лозимки, бундай мулоҳазалар ўзбек лингвофольклористикасида илмий назарийлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Достонлар тилида қадимда тилимизда ишлатилган, ҳозирги кунда эса истеъмолдан чиқиб кетган сўз ва атамаларни кўплаб учратамиз. Бундай сўзларни тўплаш ва тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тил тарихи

¹⁴Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б. 11 6

хамда халқ тарихининг айрим томонларини тўлдириши мумкин. Уларнинг баъзиларини адабий тилга атама сифатида қайтадан қабул қилиш ҳам мумкин. Чунки бу фаол лексика сифатида кўрсатилган. Масалан: *арна* (арик), *кўнак*, *сава* (қимиз солинадиган идиш), *чийир* (из), *анди* (бўш, ландовур), *кўкан* (молларни боғлашда ишлатиладиган махсус арқон), *туғ* (байроқ), *табор* (болта), *закот*, *хирож* ва бошқалар.

Шунингдек, дostonлар тилида қадимги ота-боболаримиз урф-одатларига тегишли бўлган этнографик сўз ва атамаларни, қадимги уруғ-қабилалар номларини кўплаб учратамиз. Булар ҳам алоҳида текширишни талаб қилади.

Халқ дostonлари тилининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар тилида чорвачиликка оид, яйлов ва тоғ рельефига оид сўз ва атамалар кўплаб учрайди. Буларнинг сабаби шундаки, халқ дostonларининг ижодкорлари ва айтувчилари бўлган бахшилар, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Шу сабабли ҳам уларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган сўзлар ижодида ҳам акс этгандир. Масалан, биз кўпинча эпик дostonларда қаҳрамонни сафарга жўнатаётганда отни эгарлаётган ҳолатни тасвирлаётган ўринларни кўплаб учратамиз. Масалан: *эгар*, *терлик*, *чирги*, *беллик*, *жаҳалдирик*, *карсон*, *узанги*, *давур*, *айил*, *пуштан*, *абзал*, *қуюшқан*, *умилдирик*, *юган* ва бошқалар.

Шунингдек, дostonлар тилида турли фонетик вариантдаги, турли шеваларга оид қариндошлик атамалари ҳам фаол ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, *чеча*, *енга* (янга, келин ойи), *ул* (ўғил), *эна* (она), *ота* (ота), *домат* (куёв), *езна ёки жезда* (почча), *қайин она*, *сингил*, *овсин*, *тоға* ва бошқалар.

Юқорида айтганимиздек, дostonлар тилининг асосини қипчоқ лаҳжаси ташкил қилади. Шу сабабли ҳам дostonлар тилида қипчоқ лаҳжасига оид фонетик, лексик-грамматик хусусиятлар кўплаб учрайди. Масалан: *арза* (ариза), *дим* (жуда), *тоза* (роса) *ода* (тамом), *бача* (бола), *шуйтин* (шундай қилиб), *бетингман* (бетинг билан), *қип* (қилиб) ва бошқалар. Буларни ҳозирги

адабий тилдаги сўзлар билан қиёслаб ўрганиш ўзбек диалектологияси учун ҳам, адабий тилимиз учун ҳам қимматли материаллар бериши мумкин.

Халқ оғзаки ижоди асарларининг стилистик хусусиятлари ҳам ўзига хос кўринишларга эга. Масалан, фольклор тилида қўлланилган диалектизмлар билан ёзма бадиий адабиётдаги диалектизмларнинг мақсад ва вазифалари бир хил эмас. Чунки ёзма бадиий адабиётда қўлланилган диалектга оид сўз ва атамалар асар тилида маълум бир вазифани, яъни персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, характер яратиш, маҳаллий колорит белгиларини беришда хизмат қилади. Халқ оғзаки ижоди асарлари тилида эса, аксинча, улар қахрамонлар нутқини фарқлашда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, шунингдек, қўлланилиши ҳам чегараланган эмас. Чунки юқорида айтганимиздек, халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг асосини маълум бир диалект ҳосил қилган. Шунингдек, дostonни куйловчи бахшилар ҳам қипчоқ лаҳжаси вакиллари дир.

Халқ оғзаки ижоди асарлари адабий тилдан ўзининг стилистикаси, шунингдек, афоризм ва фразеологизмларнинг фаол ишлатилиши билан ҳам фарқланади. Чунки афоризмларни ҳам, фразеологизмларни ҳам халқ яратади ва ,энг аввало ,уларни ўз ижодида қўллайди. Фольклор тилида уларнинг ранг-баранг кўринишлари ифодаланган.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, халқ оғзаки ижоди асарларида ўзбек халқининг орзу-истаклари, тарихи, урф-одатлари билан бирга ўзбек тилининг бой тарихи ўз ифодасини топган. Уни ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш тилшунослигимизнинг муҳим масалаларидан бири, деб ҳисобласак хато қилмаган бўлар эдик. Шундай экан, халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг барча кўринишларини алоҳида-алоҳида текшириш объекти қилиб олиш мақсадга мувофиқ дир.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганар эканмиз уларда халқимиз азали, урф-одатлари, маданияти ва яшаш тарзи ҳақидаги ўлмас маълумотлар мавжудлигининг гувоҳи бўлиб борамиз.

“Тилнинг объектив хусусиятига боғлиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон тил эгаси сифатида асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади”¹⁵.

Халқ дostonлари ўша давр кишилиқ жамияти фаолияти ҳақида ҳаққоний далилларни тақдим эта олади. Жумладан, халқ дostonлари тилида кўчманчи чорвадорларнинг ҳаёти, уларнинг урф-одатлари ҳар томонлама ўз аксини топган. Аждодларимиз қадим замонлардан яқин вақтларгача кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланиб, уни ҳар томонлама ривожлантириб келганлар. Шунинг учун тарихий ривожланиши жараёнининг узок даврлардан бери шу соҳага оид атамалар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Тилшуносликда бир хил касб билан боғлиқ кишиларга хос лексика касбга оид сўзлар деб юритилади. Касбга оид сўзлар чегараланган ҳолда (касб эгалари томонидан) ишлатилиб, умумий лексикадан катта ўрин эгалламайди. Шу сабабли ўзбек тилидаги касбга оид сўзлар ўзбек олимларини анчадан буён қизиқтириб келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда соҳа атамаларига бағишланган қатор луғатлар чоп этилган бўлса-да, касбга оид атамаларининг қўлланишида айрим чалкашлиқлар ҳам учрамоқда.

Ҳар бир даврнинг изи сақланиб қолган касб-кор лексикаси ўзбек халқ оғзаки ижодида етарли даражада мавжуд дея оламиз. Уларнинг бир қисми эскириб, халқ шева ва лаҳжаларида учрамайди. Бир қисми эса ўзбек тили ва унинг шеваларида ўзига хос эквивалентга эгаллигини кўриш мумкин. Шуниси қизиқки, халқ дostonларида касбга оид атамалар жуда бисёр бўлиб, уларни тўплаш, ўрганиш, тартибга солиш ўзига хос амалий ва назарий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотчи олим Ҳоди Зарипов ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг луғат бойлиги ҳақида тўхталиб: “Фольклор асарларининг илмий ва бадиий қиймати уларнинг луғат бойлиги билан ҳам белгиланади. Умуман, халқ

¹⁵ Маҳмудов Н. – Тилнинг муқаммал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012 № 5. –Б-6-7.

тилидаги ҳар бир сўз ва таъбир фольклор асарларида ўзининг муносиб ўрнини топган. Бу бой лексика адабий тилимизни бойитиш учун асосий манбалардан ҳисобланганидек, ўзбек тили ва тарихини, шевалар тараққиёти йўлларини ўрганиш учун ҳам муҳимдир”¹⁶

Маълумки, халқ дostonлари тили даврлар оша кўп ўзгаришларга учраб силлиқланган бўлса ҳам, бироқ уларда ўтган даврлар руҳини ўзига сингдирган сўзлар ҳам анчагина. Олим ўз изланиш тажрибаларидан келиб чиқиб, шундай сўзлар устида тўхталиб, қуйидагиларни баён қилади: “Фольклор асарларининг лексикаси, умуман ,ҳозирги шеваларда истеъмолда бўлган сўзлар бўлиши билан бирга, улар орасида архаик бўлганлари, маъносини ўша шева вакилларининг ўзлари ҳам билмаганлари учраб туради”¹⁷ ,–деб ёзади. Масалан: “Алпомиш” дostonида “*тўқирлини туман тутди*” ибораси учрайди. Бу иборанинг асл маъноси куйловчига ҳам маълум эмас. Бунга сабаб дostonлар авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга оғзаки равишда, дўмбира, қўбиз, тор каби халқ чолғу асбоблари оҳанги жўрлигида мерос қолдириб келинганлигидадир. Маълумки, ҳар бир фольклор асарининг лексикаси бир тарафдан ижодкорнинг истеъдодига, унинг куйлаш услубига боғлиқ. Ўзбек фольклор асарларининг бадий тўқимасидаги қатламларида учрайдиган ҳар хил лексик-маданий бирликлари, қадимги ўзбек сўзлари ҳозирги даврга келиб илмий-техник ривожланиш натижасида нофаол қатламга ўтиб қолмоқда. Шунинг учун уларнинг ўрганилиши тез ечимини топадиган масалалардан биридир, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирда ҳам лаҳжа ва шеваларда ишлатиладиган халқ атамалари кескин ўзгаргани йўқ. Лекин бадий тилни ўзбек лаҳжалари материаллари билан тўлдирётган, юз йиллар давомида унинг лексик фондини бойитиб келаётган манбалардан асосийлари ўзбек халқ дostonлари ва ўзбек халқ шеваларидир.

¹⁶ Х.Т.Зарипов. Лексикага эътибор бериш // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Тошкент: Фан, 1978 й, 133-136-бетлар

¹⁷ Х.Т.Зарипов. Ўша асар. 140-143-бетлар.

Ҳаётимиздаги доимий ишлатилаётган, ҳар хил меҳнат фаолиятимизга қарашли халқ лаҳжалари аста-секин бадий тилимизга ўтади¹⁸.

Таниқли адиб ва тилимиз жонқуяри Пиримқул Қодиров “Тил ва эл” асарида халқ тили ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтади: “Тилнинг бутун қудрати унинг халқ тилида ва меҳнат жараёнида яратилиб, бойиб бориши билан боғлиқдир. Одамлар бир ишни кўплашиб қилганларида бир-бирлари билан сўзлар воситасида алоқа қилишга эҳтиёж сезадилар. Бир авлод ўзининг иш тажрибасини иккинчи авлодга сўзлар воситаси билан тушунтиради. Шу тарзда юзлаб, минглаб йиллар олдин яратилган тил бойликлари авлоддан-авлодга ўтиб, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиб боради. Тил меҳнат жараёнида яратилганлиги туфайли унинг бош манбаи ва асосий илдизлари, бинобарин, асосий бойликлари ҳам меҳнатқаш халқда бўлади”.¹⁹ Ушбу фикрларни инобатга олиб, халқ тилининг шаклланишида, унинг лексик фондининг тараққиётида халқ дostonлари ва шеваларининг ўрни катта деган хулосани келтириб ўтишимиз мумкин. Ўзбек халқ дostonлари тилининг лексикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда халқимизнинг касб-кори, яшаш тарзига оид лексик маданий бирликлар кўплаб учрашини кўраимиз. Маълумки, ота-боболаримиз қадимда кўчманчи ҳолатида яшаб, асосан, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Шу сабабли дostonлар тилида касб-корга, уй-рўзғор буюмларига хос кўплаб маданий бирликлар ўз ифодасини топган.

Таниқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон “Алпомиш” дostonини ўрганиб чиқиб: “Бунда ўзбек тилининг барча бойликлари кўрсатилган”, – деган хулосага келади. Халқ дostonларининг бадий тилида учрайдиган йилқичилик, чорвачилик, деҳқончилик, уй-рўзғор буюмларига оид бирликлар мавжуд. Биз шуларни инобатга олган ҳолда, ушбу бўлимда халқ дostonлари

¹⁸ А.Ишаев. дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари. (Эргаш шоир ва унинг дostonчилидаги ўрни. – Тошкент: Фан, 1971, 173-180 бетлар).

¹⁹ Пиримқул Қодиров. Тил ва эл. –Тошкент: Маънавият, 2010, 245-бет

тилида қўлланилган лексик маданий бирликлар юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Биз ўрганаётган, Фозил Йўлдош ўғли томонидан қўйланган “Алпомиш”, “Рустамхон” ва Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан қўйланган “Холдорхон”, “Кунтуғмиш” дostonларида чорвачиликка оид кўплаб лексик маданий бирликлар мавжуд. Бунда чорванинг ёши, зоти, ташқи кўриниши, ҳаракатлари ва уларга қаровчи шахсларга оид атамалар қўлланилган.

Дostonлар лексик таркиби, албатта, унинг мазмуни билан ҳам боғлиқ. Халқ дostonлари тилида бошқа бирликларга нисбатан чорвачиликка оид лексик маданий бирликларнинг кўпроқ қўлланганлигини кўраимиз.

Ота-боболаримиз қадимда, асосан, чорвачилик соҳаси билан кўпроқ шуғулланиб келишган. Яйловдан-яйловга ўтиш, доимо чорва билан шуғулланиш уларни шу муҳитга мослаштирган ва шу соҳа бўйича кўплаб атамаларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бу ҳолат қирли, адирли ҳудудларимизда ҳамон мавжуд. Айниқса, ушшоқ моллар (қўйчилик) соҳасида кўплаб атамалар мавжудлигини кўраимиз. Булар уларнинг жинсига, ёшига, рангига оид атамалардир.

Йилқичилик ҳам чорвачиликнинг бир тармоғи сифатида ўзбек халқининг узоқ даврлардан буён шуғулланиб келаётган касбларидан ҳисобланади. Тарихий тараққиёт жараёнида йилқичилик билан шуғулланиб келган халқ тилида бу соҳага оид кўплаб атамалар пайдо бўлган ёки бошқа халқлар билан бўлган муомалада бу халқлар тилидан ушбу соҳага оид атамалар ўзлашган. Ҳозирги кунда ҳам йилқичилик ва чорвачилик атамалари халқ тили ва шеваларида уларнинг ранги, туси, тузилиши, чопқирлиги ва бошқа хусусиятларига кўра номланишлар мавжуд. Буларни ўрганиш ва луғатларимизга киритиш ўринли бўлар эди. Бу соҳага оид тўпланган материаллар йилқичилик атамалари юзасидан алоҳида текширишлар олиб бориш мумкинлигини кўрсатади. Бундай атамаларни тўплаш ва ўрганишда халқ дostonлари энг бой ва мукамал манба ҳисобланади.

Халқ достонларида йилқичиликка оид сўзлар алоҳида ўринга эга. Достонларнинг қайси қисмида от ҳақида гап кетмасин, уларнинг ранги, туси, ҳаракатлари, эгасига содиқлиги, чидамлилиги каби хислатлари ҳақида гапирилади.

Ўзбек тилида йилқичилик атамалари Т.Хўжамбердиев²⁰ томонидан ўрганилган бўлса, уларнинг тартибланиши ва бир хиллигини С.Усмонов²¹ тадқиқ қилган.

“Алпомиш”, “Рустамхон” ва “Холдорхон” достонларида ҳам йилқичиликка оид атамалар анчагина. Бу достонларда отларнинг ёшига, зотига, ташқи қиёфасига, ҳаракатлари ҳамда жисмоний камчиликларига қараб ном берилган ва ишлатилган. Биз ушбу ҳолатни қуйидагича таснифлашга ҳаракат қилдик:

1. Отларнинг ёшига қараб бериладиган номлар.

Қулун – бир ёшга тўлмаган тойча (тойчоқ).²² –*Ахмоқ қалмоқ энди қимиз бўлами, Қалмоқ, эшит энди сўйлаган тилни. Эгам осон қилгай бунда мушкулни, Билсанг отам қўйворган қулунни.* (“Алпомиш”, 46-бет). *Рустам пайдо бўлган куни бу бия ҳам бир эркак қулун туққан эди,* (“Рустамхон”, 356-бет). *Юрган йўли чўл энди, Қайда Чамбилбел энди, Шундай қаттиқ қичовда Асл тулпор билинди. Кишинатиб минган ботирлар, Хоназот тулпор қулунди.* (“Холдорхон”, 53-бет).

Дўнан – уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя. (иккига тўлиб, учга ўтган қўй ёки эчки).²³ –*Алп Кўкалдош шундай бурилиб қаради, Чу, дейди дўнонга қамчи уради, Яшиндай бўп учиб кетиб боради.* (“Алпомиш”, 142-бет).

От – беш ёшли от (якка туёқлиларга хос сут эмизувчи йирик иш –улов ҳайвони). –*Бул отдан акажон кўнглинг тўлади.* (77-бет) *Тўрт юз олтмиш*

²⁰ Т.Хўжамбердиев. Животновотческая лексика узбекского языка. АҚД. –Ташкент, 1975.

²¹ Усмонов С. Гиппологическая лексика в узбекском языке. АҚД. –Ташкент, 1988

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент; Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008, 5 жилд. 374-бет

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент; Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 1- жилд. 675-бет

отдан ўзди жонивор, Чопиб ҳориб қолаётир тулпорлар, Ҳақнинг яшинидай оқиб жонивор, Қолган отдан алп Қоражон хабардор. (“Алпомиш”, 299-бет). Мининг отим қушдан зиёд, туёқлари тошдан зиёд. Минган ерга газот ният, миндим армоним қолмади. (“Холдорхон”, 432-бет). Отимни хоритди тоғларнинг тоши, Дарвозани очинг бобо Қўрбоши. (“Рустамхон”, 371-бет). Демак, дostonлар тилида “от” лексемали маданий бирликлар жуда кўп ўринларда фаол қўлланилганлиги билан характерли.

2. Отларнинг жинсига қараб бериладиган номлар:

Бия – байтал – урғочи от.²⁴ –Алпомишнинг бир тарлон бияси бор эди. Бир ялонгоч қулун тузди, бу тулпор деб Бойбўрига олиб келиб берган эди. (“Алпомиш”, 67-бет). Хуройимнинг бир бияси бор эди. (“Рустамхон”, 356-бет).

3. Отларнинг зотига қараб бериладиган номлар:

Арабий от – арабларга мансуб от. – Бедов боради ангишлаб, остидаги арабий отлар. Йўлда борар яшин ташлаб. (“Алпомиш”, 63-бет). –Шунда Султонхон қаради: Қараса, бир йигит: арабий отли, адрас тўнли, ажаб сиёсатли; олдида иккита този, йўлбарсдай йўл тортиб келаяпти. (“Рустамхон”, 377-бет). Остинга миндирай араби отти, Энам десанг, сўнгра қилгин газотти. Энам, деб югуриб юрмоқ уятдир.

Бедов от – учқур, югурик от²⁵: –Бедов минган от-абзалин шайлади, Чўпонлар қур – ҳайтлаб қўйни ҳайдади (“Алпомиш”, 27-бет). Бедов минган сагрисини тошириб, Мазгилга етказар қирдан ошириб, Бедов минсанг сагрисини силатиб, Арна бериб олтой боқсанг туллатиб. (“Рустамхон”, 374-бет). Гоҳ ул қувиб, гоҳ қочиб, Ботир улар қон сочиб, Не бир тулпор бедовлар Юрур огзини очиб. (“Холдорхон”, 226-бет).

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 1- жилд. 288-бет

²⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 1 жилд. 206-бет

Тулпор – наслдор, чопқир, учқур от.²⁶ –*Юрагини олдирмай, Тулпор отни елдирмай, Сипоҳийлик қип турур. Икки оёқ ҳам билдирмай.* (“Холдорхон”, 227-бет). *Йўлиқса, душманнинг бағрини эзгин, Тўғри келса, оғир сафларни бузгин, Йўлиққанда душман қалъасин бузгин. Асл тулпор бўлган боламнинг оти.* (“Рустамхон”, 335-бет).

Арғумоқ – (От) зотли чопқир от.²⁷ –*Ана энди Аҳмад Сардор димоғи чоғ бўлиб, соқоли оқ бўлиб, мингани арғумоқ бўлиб, ушлагани байроқ бўлиб; ўн минг оломон қаватида йўлга тушиб, Чамбилбели қайдасан, деб бораётир.* (“Холдорхон”. 47-бет).

4. Отларнинг рангига қараб бериладиган номлар.

Ҳозирги замон ўзбек тилида от рангларининг энг нозик турлари аниқ атамаларга эга бўлиб, уларнинг асосий қисмини қадимги замонлардаёқ вужудга келган умумий фондга мансуб бўлган номлар ташкил этади. Қадимги туркий номларнинг бир қисми ҳозирги тилимизда қўлланилмайди. (*Тиг, саман, жийрон, арсал, хачинг* ва бошқалар). Уларнинг айримлари баъзи шеваларда жуда кам ишлатилади. Хилма-хил ёзма ёдгорликлар тилида қайд этилган номларнинг аксарияти ҳозирга қадар деярли ўзгаришсиз етиб келган.

Атамаларнинг асосий қисми тарихан отларнинг муайян рангини ифода этувчи махсус сўзлардир (*ола, бўз, бурул, жийрон// қўнгир, тўриқ, чабдор, чавқар* ва бошқалар). От рангининг номлари орасида махсус сўзлардан ташқари иккиламчи ҳосил бўлган атамалар ҳам юзага келган: 1) ранг номларига оид сўзлар: *малла, қора, оқ, кўк* ва бошқалар; 2) отларнинг бир хил ранглилигини кучайтириш учун “тим” кучайтирувчиси қўлланилади: *тим қора, тим кўк*; 3) танасининг бирор қисми ранг жиҳатидан фарқланадиган от рангларининг номлари орасида оддий атамалар: *қашқа*, шевада *табал*, от танасининг бирор қисмининг ранги номини ўз ичига оладиган атамаологик бирикмалар: *оқ ёл // оқ ёлли* кабилар.

²⁶ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008, 4 жилд. 186-бет

²⁷ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 1 жилд. 103-бет

Шу ўринда фикрларимизни далилловчи мисолларни келтириб ўтамиз:

Жийрон – қизғиш малла от.²⁸ –*Ултонтознинг жийрон оти Улоқди олиб жўнаб берди.* (“Алпомиш”, 335-бет). *Қияда қилтилатди, Ўр келса, ўмганлатди, Арна келса, ирғитди, Шуйтиб Рустам йўл тортди. Чўлларни тўзон тутди, Остида жийрон оти. Кўндир Рустам Файрати.* (“Рустамхон”, 376-бет).

Тўриқ от – қора қизил тўқ жийрон от.²⁹ –Қолмадики Қалмоқнинг тоқати, Бораётган Қалмоқ шоҳнинг тўриқ оти, Шундай бўлар тўриқ отнинг тоқати. (“Алпомиш”, 146-бет).

Чавкар от – кўк от, ола була от, қора холли, хол-хол от.³⁰ –*Ўзи шундай келган экан чавкар от* (“Алпомиш”, 47-бет).

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, халқ достонлари тилида йилқичилик атамаларининг хилма-хил кўринишлари учрайди. Уларни ўрганиш, айримларини адабий тил луғат фондига киритиш орқали тилимиз луғат таркибининг ошишига ҳисса қўшиши мумкин. Чунки ҳозирда мавжуд халқ шеваларида, айниқса, чорвачилик ва йилқичилик билан шуғулланувчи худудларда ушбу лексик маданий бирликларнинг хилма-хил номланишини кўрамиз. Айримлари шева қонуниятларига асосан ўзгаришларга учраган. Масалан, *жийрон, тўриқ, чавкар (кўк)* лексемалари умумтуркий лексемалари қаторига киради. Отларнинг рангларини текшириб ўрганувчи олимлар уларни ҳар хил қилиб синфлаштиради. Масалан, Дображанский (1972) биологик нуқтаи назардан отларнинг рангини икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга жийрон; қолганларини иккинчи гуруҳга киритади. Дображанскийнинг бу нуқтаи назарини тўғри дейиш мумкин. Т.Хўжамбердиев (1975 йил)³¹ диахроник аспектига қараб уларни тўлиқ,

²⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 1 жилд. 85-бет

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4 жилд. 245-бет

³⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4 жилд. 444-бет

³¹ Т.Хужамбердиев. Животновотческая лексика узбекского языка. АКД. –Ташкент, 1975.

тўликсиз ва қисман қилиб киритади, Д.Бозорова эса шу нуқтаи назардан дostonнинг материалларига суяниб биринчи ва иккинчи гуруҳга бўлади.³²

Шу қарашлардан келиб чиқиб, биз ҳам отларнинг дostonлар тилида учраган номларини иккига ажратишни маъқул деб топдик: **1) отларнинг тарихий номлари:** *Тўриқ-жуйрон:* – *Тўриқ от одати шундай бўлади, Қизиб келиб энди қаерда бўлса, Турган ерда олақароқ бўлади. Бунинг одатини Қоражон билади.* (“Алпомиш”, 87-бет). *Чибор//чипор:* – *Чиборингдан Кўкдўнонни кам дема, Тилинг тортгин, ахмоқ сўзни лоф дема. Шу отлар бири бўп Чибор боради, – Чу, – дейди Қоражон қамчи уради. Бир кеча, бир кундуз чопиб боради.* (“Алпомиш”, 143-бет). **2) отларнинг рангига боғлиқ номлари:** *Кўк* – кўк от: *Кўкдўнан; Фиркўкдай:* –*Яқин ерда қалмоқларни кўради, Кейинига Қоражон етиб боради, Қалмоқлар ҳам Қоражонни кўради, Бир нечаси бунга савол қилади. – Отингнинг жиловин тортгин Қоражон, Илгарида бориб қолди Кўкдўнан.* (“Алпомиш”, 136-бет). *Остингда ўйнайди Фиркўкдай тулпор Қалқонинг карк – белингда ханжар. Сog бориб, саломат келгин фарзандим, Олло ёринг бўлсин Оллоҳу акбар!* (“Холдорхон”, 10-бет).

Саман – оч малла ,сомон рангли от.³³ – Саман отдан ўзди энди Бойчибор Самандан ўтдида тоқат қолмади. Кўкалдошнинг Кўкдўнанин кўрмади. (“Алпомиш”, 142-бет).

5. Отларнинг ташқи сифатларига қараб бериладиган номлар:

Шапақ от – куёшга қарши юра олмайдиган от, чунки унинг киприклари калта бўлади.³⁴ – *Шапақнинг олдини Чибор уради. От бошини кунга тўзри қилади, Кўзлари чоғилиб кейин қолади. Шапақ отдан Чибор ўтиб жўнади, Шапақнинг одати шундай бўлади. Дубур эшитмаса кейин қолади.* (“Алпомиш”, 131 бет).

³² Бозорова Д. Ўзбек тилида от рангларини ифодаловчи атамалар // Ўзбек атамаологияси ва унинг таракқиёт перспективалари. –Тошкент, Фан, 1986, 55-56-бетлар

³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2007, 3-жилд. 434-бет

³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4-жилд. 545-бет

Оқтуёқ – тўғри, бўш, мўрт от: – Қалмоқ шоҳнинг оти саман балодир. Бораётир йўл талашиб баробар, Оқтуёқ келганда бундай саманлар Оҳ уриб тўкади кўздан ёшини (“Алпомиш”, 41-бет).

Келтирилган мисолларда жанговар отларга хос яхши сифатлари кўрсатилган.

6. Отларнинг ҳаракат ва тезлигига қараб бериладиган номлар.

Қадимда одамлар отларнинг чопқирлиги ва сакраши каби сифатларини кадрлаганлар. Пойгада, кўпкарида иштирок этувчилар отларни югуриш ва сакраш қобилиятларига қараб танлаганлар. Халқ достонларида берилишича, тулпорсиз ҳеч қайси паҳлавон енгиб чиқмайди. Халқ достонларида “Тулпор” сўзининг ўрнига бир қанча сўзлар ишлатилади. Табиийки, бу уларнинг турли сифатлари билан бир-бирларидан фарқ қилишини кўрсатади: а) чопқир отлар – *тулпор, жуўрук, югрук, учқур, аргумоқ*; б) ўрта меъёрда югурувчи отлар – *чопқир, чопазон*; в) ёмон югурувчи от – *йўрга, йўртоқи*.

Бу семантик тенглама отбоқарларда ва фольклор асарларида учрайди, лекин ўзбек тили луғатида ҳаммаси ҳам ўз ифодасини топмаган: –*Учқур эдинг қанотингдан қайрилдинг, Югрук (жуўрук) бўлсанг туёгингдан тойрилдинг.* (24-бет).

Халқ достонлари тилида туячиликка оид маданий бирликлар

Туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар ҳам қадим замонлардан буён туядан оғир юк, уй-рўзғор буюмларини ташишда транспорт сифатида фойдаланишган, унинг сути ичилиб, гўшти истеъмол қилинган. Табиийки, улар туяларни авайлаб боққанлар, асраганлар. Шундай экан, бу халқларда туячиликка оид сўзлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Қадимданок туяларнинг ёши, жинси ва ҳар хил белгиларини аниқлаб, уларни турли хил номлар билан юритганлар. Улар ҳам ўзбек тилининг лексик фондини бойитишда катта манба ҳисобланади. Халқ достонларида бу соҳага оид атамалар жуда кўп учрайди.

Жаҳаз – туя эгарининг умумий номи, *хатаб* – туя эгарининг олд қисми, *абжўш* – хафтжўшт – етти хил мадан қоришмасидан тайёрланган каттик метал: –*Жаҳаз* *абжўшдан*, *хатаби кумуш*, *Безаб қўйган нори-норчан кимники*. (“Алпомиш”, 306-бет).

Сава айн. саба – меш, саноч, (теридан ясалган, қимиз солинадиган идиш).³⁵ Унда қимиз сақланади.

Кўнак (диал) – Қимиз солиб қўйиш учун теридан ясалган идиш.³⁶ *Қимиз дори деган неча такканлар, Чайиб беринг сава минан кўнакни*. (“Алпомиш”, 47-бет).

Жумур – баъзи дoston ёки эртак қаҳрамонлари ўзини танитмаслик мақсадида кал бўлиб кўриниш учун қўй қорнининг тескари томонидан ясаб олган қалпоқ,³⁷ учли найзасимон кигиз қалпоқ. – *Асли кал эмасди шундай бўлади, Жумур қоплаб сурати кал бўлади*. (“Алпомиш”, 296-бет).

Овсар (нўхта) – туянинг бошига кийдириб қўядиган махсус бошвоқ. – *Нар-мойанг юрипти Чилбир дашида, Минг беш юз тиллалик овсар бошида*. (“Алпомиш”, 26-бет).

Нор – бир ўрқачли эркак туя. – *Чечанлар эплайди гапнинг эпини, Шул замонда олтмиш норини чўктириб, Орта берди Барчин сулув сепини*. (“Алпомиш”, 26-бет). –*Эр Бердиёр қатордаги нор эди, Қанча десанг у ҳам шунча бор эди. Номоздигар – кун ўтирар вақтинда, Бердиёрга бир жазоил дориди*. (“Холдорхон”, 63-бет).

Лўк – боши кичикрок, бўйи узун бир ўрқачли катта туя, етакчи туя. – *Қаторга тиркалган лўк билан норча, Устига кийгани қирмизи парча*. (“Алпомиш”, 26-бет). –Қаторда юк торган норча-лўклар, Нортуяга ортган оғир юклари. Ўрдага бошқаринг меҳмон келибди.

Ҳала – туяни қайтариш учун ишлатиладиган сўз. – *Ҳала, деб туяга шундай қаради*. (“Алпомиш”, 80-бет).

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2007, 3-жилд. 408-бет

³⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2-жилд. 457-бет

³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2-жилд. 113-бет

Қофилабоши – карвонбоши. – *Қофилабошининг эсига келади.*
 (“Алпомиш”, 197-бет).

Айри инган туя – Қўш ўркачли туя. – Бодам бикач: Бир айри инган туяни миниб, бу сўзларни айтиб, қизларни ўланга хабар қилиб юрур... (“Алпомиш”, 396-бет).

Халқ дostonларидаги туячиликка хос атамаларнинг асосий қисми умумтуркий лексик қатламларга, айримлари эса форс-тожик тили (лексикаси)га мансуб сўзлардир.

Молчиликка ва қўйчиликка хос сўзлар

Чорвадорлар касбига оид сўзлар ўзбек халқининг меҳнат фаолиятида энг кўп тарқалган турларидан бири қўйбоқарлар ва молбоқарларга оид атамалардир. Уларда қўйнинг юмшоқ жуни ва ширин гўшти, молнинг териси, сути кабиларнинг маъноси англашилади. Қўйбоқарларга ва молбоқарларга оид атамалар ўзбек тилида Буранов³⁸ ва Уруновлар³⁹ томонидан ўрганилган. Халқ дostonларидаги бу соҳага оид сўзлар кўпроқ кўчманчи молбоқарлар меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Шулардан кўп учрайдигани қўйчиликка хос атамалардир:

Даҳмарда – қўй-мол боқувчи хизматкор⁴⁰, чўпон (диал) молбоқар: – *Мени тақдир шул кулфатга элтади. Мол боққанни даҳмарда деб атайди.*
 (“Алпомиш”, 306-бет).

Қаганоқ (айн. қақанок) – қўй ёки эчкининг сутидан қилинган оғиз (пишлоқ).⁴¹ – *Ассалому алайкум чўлда чўпонлар, Устига кийгани эски чопонлар. Қаганаққа тўйиб ётган гуппанлар. Шул орага бир элибой келдимми?*
 (“Алпомиш”, 90-бет).

³⁸ Буранов М. Атамы животноводства в узбекских говорах Каракалпакии // Автореферат диссертация кандидат филол.наук. –Тошкент, 1972, 31 стр.

³⁹ Урунов Т. Узбекская овцеводческая атамалогия (на материале Кашкадарьинской области) АКД, – Самарканд, 1964, 19 стр.

⁴⁰ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 1-жилд. 582-бет

⁴¹ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 5-жилд. 270-бет

Тўқсари – ёввойи кўчқорнинг каттаси: – *Душманларнинг додин берган, Олатовни мазгил тутган, Тўқсарини бирдан ютган, Қалмоқ юртини бўзлатган, Алп Қоражон дўстинг ўзим* (“Алпомиш”, 242-бет).

Кўйбоқарлар кўйларни ёшига ва жинсига қараб ажратадилар:

А) ёшига қараб: кўзичоқ – янги туғилган, бир ёшгача бўлган кўйнинг боласи – кўзи: – *Эшитсин сен Тавка айтган сўзини, Мангротибсан қанча кўю кўзини. – Тоғларда маърашар кўй билан кўзи, Доди бедод, қилар Хуройим ўзи. Ширбоз* – сут эмиб ўсаётган, олти ойгача бўлган кўзичоқ,⁴² тўқли – бир ярим ёшга етмаган, қочирилмаган урғочи кўзи,⁴³ чори – тўрт ёшли кўй, панжи – беш ёшли кўй. – *Қозонда кайнаган ширбоз гўшт эмас Тўрда ўтирган қиздинг боши бўш эмас.* (“Алпомиш”, 38-бет). (Кўй номларини англлатувчи чори, панжи сўзлари истеъмолда мавжуд бўлса-да, ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмаган).

Б) жинсига қараб: Кўй – гўшт, жун, сут, мўйна олиш учун боқиладиган жуфт туёқли уй ҳайвони. – *Бедов минган от абзалин шайлади, Чўпонлар қур-ҳайтлаб кўйни ҳайдади.* (“Алпомиш”, 275-бет). Кўчқор – эркак кўй, совлиқ – урғочи кўй, улоқ – эчки боласи: – *Бойсарига боринглар, Бойсари ўз розичилиги билан бир ... улоқни закот деб менга берсин, закот ўрнига ўтарди, Бойсари бахил бўлиб, бахилликка чиқиб кетмасин.* (“Алпомиш”, 10-бет). Эчки – қувур шохлилар оиласига мансуб, кавш қайтарувчи жуфт туёқли сут эмизувчи ҳайвон:⁴⁴ – *Эт олиб жонивор сўнгра семирар, Кўйда бордир ўзидайин эчкилар.* (“Алпомиш”, 11-бет). Сўқим – сўйиш учун семиртирилган қорамол.⁴⁵ – *Таътилимга қирқта сўқим емасам, Бундай бўлса лозим экан келмасам* (“Холдорхон”, 15-бет).

⁴² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2008, 4-жилд. 578-бет

⁴³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2008, 4-жилд. 253-бет

⁴⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2008, 5-жилд. 63-бет

⁴⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2007, 3-жилд. 621-бет

Чорвачиликка оид умумий сўзлар.

Отбоқарлар – *йилқичи, йилқибон, сайис* деб ишлатилган: – *Йилқибон молларини бир уюри палон тўқайда юрипти, икки уюри палон тўқайда юрипти, –дер эди* (“Алпомиш”, 16-бет). *...Ҳаммаси чўпонларга, йилқичиларга, ҳамма даҳмардаларига туячиларига “кўчамиз”, – деб одам буюрди.* (“Алпомиш”, 17-бет). – *Бойбўрининг Қултой деган йилқичи қули бор эди.* (“Алпомиш”, 67-бет). – *Билсанг Қултой йилқибоқар-хизматкор Кўп дахлабди, аҳволдан беҳабар.* (Алпомиш,74-бет). –*Куйганимдан гапни гапга улайин, То ўлганча сайисинг бўп юрайин.* (“Алпомиш”, 69-бет).

“Чопар” маъносидаги сўзни *пойгачи, чопогончи, чопар* сўзлари орқали ифодалайди: –*Пойгачилар ҳар кунига от совутиб, ёлгон пойга қўйиб келади. – От белига чопар минди. Барчиннинг арзасин олди, Ҳамма дуо қилиб қолди. Арзачилар йўлга кирди.* (“Алпомиш”, 62-63-бетлар). – *Бораётган Қўнгирот элининг бекзоди Хабарчи қип чопогончи жўнатди. Яқин қолган бекнинг Бойсин элати.* (“Алпомиш”, 181-бет).

Ҳайвонларнинг сақланадиган жойлари ҳам ҳар хил ном билан аталади.

Ўра-қўра – моллар сақланадиган жой, қўтон – қўйлар сақланадиган жой, табла – отхона, қўшхона – чорвадорларнинг, чўпонларнинг мавсумий вақтинчалик яшаш жойлари: *Ўра-ўра, бир ўра, икки ўра, ўн ўра деб санагани шул эди. Барчиной бир тўриқ йўрға отни табладан олиб келиб, отнинг жиловидан энаси ушлаб олиб келди* (“Алпомиш”, 17-18-бетлар). *Алпомиш чўпонларнинг қушхонасида ухлаб ётди* (“Алпомиш”, 92-бет). *Қўтонида қўй-қўзининг изи бор.* (“Алпомиш”, 90-бет).

Умуман, халқ достонлари, жумладан, “Алпомиш”, “Рустамхон”, “Холдорхон” каби достонлар тилида касб-корга оид сўзлар, унинг ғоявий мазмуни, сюжети, эпик воқелик билан узвий боғлиқ. Достонларда учрайдиган касб-корга оид сўзлар қабилалар фаолиятидан олинган. Буларнинг ичида “Алпомиш” достони тилида касб-корга оид сўзлар кўплаб учрайди ва улар алоҳида тематик гуруҳни ташкил қилиб, ўзбек тилининг

лексикаси ҳисобланади. Ушбу сўзлар ўзбек тили фондини бойитишга хизмат қилади.

Хуллас, халқ достонларидаги касбга оид сўзлар ўзбек тилининг лексикасини ривожлантириб, янги атамалар билан бойитишда катта манба бўлиб қолади.

Чорвачилик лексикасининг функционал услубий хусусиятлари

Халқ достонларида, жумладан, “Алпомиш”, “Холдорхон”, “Рустамхон” достонларида чорвачиликка хос лексика кўпроқ ўз, яъни реал маъносида қўлланилган.

Масалан, “Алпомиш” достонида: –Неча бир жойларга талонлар тушди, *Молнинг олди Қалмоқ юртга етишди. (23-бет). Эгар, абзал, анжом олиб келасан, Кўтарилиб бунда ҳалок бўласан. Йўл бўлсин, жон болам, қайда борасан? (20-бет).*

Биринчи мисолдаги *мол*, иккинчи мисолдаги *эгар, абзал* сўзлари реал маънони билдириб, *мол* (мол, ҳайвон), *эгар-абзал* –от анжоми маъносида қўлланилган. “Рустамхон” достонида эса: *Ҳайрон колди бу тулпорнинг ишига. Бориб қолди аждаҳорнинг қошига. (415-бет). Майдон бўлса, бедов отлар чопилар, Чопиб келса, банот жуллар ёпилар.* Юқоридаги мисолларда келтирилган *тулпор, бедов* сўзлари отнинг тури сифатида ўз маъносида қўлланилган.

Ўхшатишга асосланган кўчма маънодаги сўзлар:

Энам деб хафа бўп Рустамдай қўчқор, Йўлда бўшаб юрма назари тулпор. (“Алпомиш”, 28-бет). Ака, айтган сўзим оғир олмагин, Нармода ишини бунда қилмагин (“Алпомиш”, 12-бет). Ўхшатишлар ҳақида гап кетар экан, миллий куч-қудрат эгалари ўхшатиш эталони сифатида Алпомишни келтирсак, муболаға бўлмайди. Ўзбек халқи тилида “бақувват, паҳлавон, гавдали, жуда ҳам кучли, баҳодир” маъносида *Алпомишдай* ўхшатиши қўлланилади. *Ўхшатишлар* ҳар бир халқнинг иқлими, фауна ва флораси, жойлашган ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан, миф, эртак, достон ва

бадий асар қахрамонлари воситасидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Ҳар бир лингвомаданиятда шу халқнинг менталитетини, унинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи турғун *ўхшатишлар* мавжуд бўлади.

Чорвачилик лексикасининг кўчма маънода ишлатилиши

Халқ дostonларидаги барча атамалар фақат асл маъносида эмас, кўчма маънода ҳам ишлатилади:

Эркалaш, суйиш маъносида: *Ҳеч роҳат йўқ, қолмагандир қувватим, Кўринди кўзима ёлғиз фарзандим, Бу – кўзи, кўчқорим менинг роҳатим* (“Рустамхон”, 389-бет). *Оти Рустам, ўзи нор калла, кўчқор, Менинг унинг ишиқида бўлдим қаландар* (“Рустамхон”, 438-бет). *Олис юртга, кўзим, бормоқ бўлдингми, Хабар бер, жон болам, қайда борасан? Хафа қилиб кетма мендай отангни, Хабар бергин, кўзим қайда борасан.* (“Алпомиш”, 68-бет).

Хуллас, ўзбек халқ дostonлари тилидаги чорвачиликка оид маданий бирликларнинг семантик ва функционал нуқтаи назардан ўрганилиши кўйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Ўзбек халқ дostonлари лексикаси ўзбек адабий тилининг умумий сўз хазинасини, қолаверса, ўзбек атамашунослигининг ривожини учун, ички манба сифатида, атамаларнинг муқобиллашувига керак.

2. Чорвачилик лексикаси ўзбек халқ дostonларининг бадий тилида муҳим тасвирий восита тарзида хизмат қилади.

3. Ўзбек халқ дostonларида учрайдиган чорвачиликка оид сўзлар кўп жилдли ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тузилишида кўмак бўлиб хизмат қилади.

4. Халқ дostonларида учрайдиган чорвачилик лексикасини ҳали янада чуқур ва атрофлича алоҳида илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

1.2. § Достонлар тилига хосланган фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари

Муайян жамиятда шаклланган тил тараққий этишда давом этади. Бу жараёнда ўз яратувчиси бўлган халқнинг ўзига хос барча миллий хусусиятларини акс эттириб боради. Натижада, тиллар бир-биридан нафақат тузилишига кўра, балки миллий-ижтимоий жиҳатдан ҳам фарқланади. Бу фарқлар эса тил бирликларида яққол намоён бўлади. Муайян тил вакили айтиши дамда муайян маданият вакили ҳамдир. Ҳар қандай маданият тилда ўз ифодасига эга бўлади ва улар фразеологизмларда ҳам ўз ифодасини топмай иложи йўқ. Бугунги кунда лингвокультурология ушбу масалаларни чуқур ўрганувчи, миллий тилда ва тил жараёнларида намоён бўладиган моддий ва маънавий маданиятни ўрганувчи ижтимоий соҳа ҳисобланади. Шунинг учун, у маданиятнинг яратилиши, ривожланиши, сақланиши ва намоён бўлиши каби тушунчаларини ўзида қамраб олади.

Лингвокультурология – маданиятнинг миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, таомил, рамзларини ўрганувчи соҳа. Бу концептлар маданият кўринишлари бўлиб, улар тилда маиший таомил муомаласи шаклида мустақамланиб бораверади. В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология, аввало, жонли коммуникатив жараёнларни ва уларда кўлланиладиган тил ифодаларининг синхрон ҳаракатидаги халқ менталитети билан алоқасини тадқиқ қилади. Лингвокультурология тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди ва ушбу термин (лот. *lingua* “тил”, *cultus* “ҳурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган⁴⁶.

Лингвокультурологияни тавсифлар экан, Н.Ф.Алефиренко бу соҳа ҳақида қуйидаги изоҳларни келтиради:

⁴⁶Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1996. –С.286.

лингвокультурология тилшунослик ва маданиятшунослик билан чамбарчас боғланган бўлиб, у синтезловчи хусусиятга эга;

лингвокультурологиянинг асосий эътибори тилда изоҳланадиган маданий далилларга қаратилади;

лингвокультурология тилшунослик фанлари таркибига киради, шунинг учун унинг тадқиқот натижаларидан она тили ва чет тилларини ўқитиш жараёнида амалий фойдаланиш мумкин;

лингвокультурология тадқиқотларининг асосий йўналишлари:
а) лисоний шахс; б) тил маданий қадриятларининг семиотик таваллабути тизими ҳисобланади⁴⁷. Тилшунос бу фаразларнинг барчасини маданий қадриятлар омилини белгиловчи тизим деб билиб, мисоллар орқали далиллайди.

Лингвокультурологиянинг асосчиларидан бири В.А.Маслова эса соҳанинг ривожланишини уч даврга ажратади:

1. Фаннинг шаклланишига асос бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши; 2. Лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот соҳаси сифатида шаклланиши; 3. Лингвокультурологиянинг фундаментал, мустақил фан сифатида вужудга келиши⁴⁸.

XXI асрнинг бошларига келиб лингвокультурология жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишдан бирига айланиб улгурди. Лингвомаданиятшунослик объекти саналган фразеологизм икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган барқарор бирикмалардир⁴⁹ ва улар ўз ичига иборалар, мақол-маталлар, ҳикматли сўзларни қамраб олади.

⁴⁷Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. – Москва: Флинта.Наука, 2010. –С.21.

⁴⁸Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва: Изд.Центр «Академия», 2001. –С.208.

⁴⁹Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.103.

Маълумки, инсоният турмуш тарзи тараққиёти кийим-кечак билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Айнан кийим инсонни ҳайвондан ажратувчи муҳим ташқи аломатлардан бири ҳисобланади. Анъанавий миллий кийимларнинг шаклланишига назар ташлар эканмиз, асрлар мобайнида унинг қатор муҳим функциялари таркиб топганини кўришимиз мумкин. Ўзбек халқи кийиниш маданияти нуқтаи назаридан ҳам дунёдаги халқларнинг олдинги сафларида туради. Бир неча минг йиллар илгари ота-боболаримиз эгнига яқтак, оёққа маҳси-ковуш, этик, бошга шабпўш, дўппи, телпак, устга чопон, тўн кийиб, белга белбоғ, қарс боғлашган⁵⁰.

Илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақаладиган кўп қиррали ўзбек эпоси халқимиз маънавий маданияти тараққиётида фахрли ўрин тутди. Халқ билан боғлиқ бўлган, яъни халқ ҳаёти, унинг турмуш интилишлари, у билан боғлиқ бўлган нарса ва ҳодисалар, уларнинг ўзига хос тили, сўзлашув услуби тасвирланган асарлар халқ ўртасида узоқ яшайди. Бундай асарлар тили образли, бой материалларга эгадир. “Умуминсоний маданият, – деб ёзади С.А.Арутюнов, – инсон зоти учун, умуман, Ернинг табиий планетар шароитига ҳамда ушбу планетар муҳитни ўзлаштиришнинг кенгайишидан келиб чиқадиган ижтимоий оқибатларга мослашиш воситаси сифатида келади”⁵¹. Умуминсоний маданият ёки маданиятдаги умуминсонийлик Ерда, табиий планетар шароитда инсон учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг ушбу муҳитга мослашишини таъминлаш воситасидир. Бу фикр Инсон ва Ер муносабатларини ифода этади, инсон томонидан яратилган бойлик, орттирилган тажриба, тарихий анъаналар умумпланетар характеридаги воқеликлардир. Бу характер билан умуминсоний маданият миллий маданиятдан фарқ қилади. Миллий маданият айрим миллатга, этносга тааллуқли ижтимоий-тарихий воқелик ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқлар нисбийдир. Диалектик боғлиқлик ва ҳамкорлик улар

⁵⁰Жумаева З.Ш.Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи. Филол.фан.фалсафа док.(PhD)дис...автореф. Жиззах.,2021.-- Б.12.

⁵¹Арутюнов.С.А.Народы и культуры: развитие взаимодействие . –Москва: Наука, 1989. –С.133.

мавжудлигининг ривожланиб бориши шарт ҳисобланади. Мана шундай бойликларимиздан бири халқ достонлари ва уларнинг тилидир. Биз ушбу бўлимда “Холдорхон” ва “Алпомиш” достонларида қўлланилган кийим-кечак номлари, уларнинг достон тилидаги кўринишларини таҳлилга тортишни лозим топдик. Уларни қуйидагича тартиблаш мумкин:

1. Кийим-кечакларнинг умумий номлари;
2. Бош кийим номлари;
3. Ёзги ва қишки кийим номлари;
4. Оёқ кийим номлари;
5. Кийимларнинг қисмлари номлари;
6. Тақинчоқлар номлари;
7. Жангда кийиладиган махсус кийимлар номлари.

1. Кийим-кечакларнинг умумий номлари. Биз ўрганаётган достон тилида кийим-кечаклар хилма-хил умумий номлар билан аталганлигини кўрамиз. Фикримизнинг далили сифатида достон тилидан олинган қуйидаги мисолларга эътибор қаратсак:

Либос: ... икки пари эркак либосини кийди, қирқ йигитнинг хотинларига ҳам эркак либосини кийгизди (“Холдорхон” 33-бет) . *Либос* – арабча кийим, уст-бош маъносида келган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланади. Шуниси эътиборлики, *либос* сўзи мазкур достон тилида кийим-кечак маъносида эмас, балки уй-рўзғор буюмларининг умумий номи сифатида ҳам қўлланилган. Масалан: *Қрим мамлакати неча минг меҳмонхоналарни либос билан аро берди* (“Холдорхон” 36-бет). *Либос* сўзининг достон тилида икки хил маънода қўлланиши шоирнинг сўз бойлиги ва сўз қўллаш маҳоратининг юқорилигидан далолат беради.

Сарпо: Гўрўғлибек катта сарполар кийдириб, ҳафтадан сўнг “хуш келдинг” деб жўнатди. Луғатларда *сарпо* (ф-т) – тўй ва бошқа расмий маросимларда маълум тегишли кишиларга тақдим этиладиган бош-оёқ кийим

ёки тўн, дўппи, қийиқча (белбоғча).⁵²ни билдиради. Бундан ташқари, достон тилида яна *тоза сарпой, қимматбаҳо сарпо* каби бирикмали ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Шунингдек, *сарпо, ола сарпо, тоза сарпо, қимматбаҳо сарпо* бирикмаларининг қўлланиши достоннинг бадиийлигини, эмоционаллигини оширади ва қайтариққа йўл қўймайди. Бу эса шоир тили бойлигининг исботидир.

Кийим: – *Минган отин ўйнатиб, қизил кийим жайнатиб, кўрганларнинг юрагин, Аҳмад Сардор қайнатиб* (“Холдорхон” 50-бет).

Кийим – баданни ва тана аъзоларини ёпиш учун кийиладиган, асосан, мато ва теридан тайёрланадиган нарсаларнинг умумий номи.⁵³ Лекин ушбу достонда “кийим” сўзи бошқа вазифани бажарувчи атама маъносида ҳам қўлланилганини кўрамыз. Масалан: – *Гўрўглибек келган меҳмонларни яхши чодирларга тушириб покиза кийимларнинг устига ўтқазди* (“Холдорхон” 331-бет). Бу жумлада “кийим” сўзи *тўшанчи, тўшаладиган нарса* ўрнида қўлланилмоқда. Достон тилида қўлланилган кийим-кечак номлари деярли ҳозирги ўзбек адабий тилидан кескин фарқ қилмайди.

2. Бош кийим номлари. Биз ўрганаётган достонлар тилида бош кийим номлари характерли ўринни эгаллайди. Характерли томони шундаки, уларнинг аксарият қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди. Чунки улар эскирган ёки айрим шеваларгагина хосдир. Достон тилидан олинган мисолларга эътибор қаратсак:

Лачак: – *Агар мен шундан Қримга бормасам, хотиннинг лачаги бўлсин бошима* (“Холдорхон” 33-бет).

Лачак – кекса хотинлар бошига ўрайдиган оқ дока ёки сурпдан тайёрланган бош ўрови.⁵⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилмайди, эскирган сўз, айрим қишлоқ шеваларидагина учрайди. Бадиий адабиётларда қаҳрамон ёки персонажлар нутқини яратишда қўлланилади. Ушбу сўз мумтоз

⁵² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2007, 3-жилд. 453-бет

⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2-жилд. 364-бет

⁵⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2 жилд. 490-бет

адабиёт тилида фаол қўлланган: *Тун узра ойдину ойдинда субҳ эркинму, ваё сочингда бурунчак уза лачакму экин?*(А.Навоий, “Хазойинул-маоний”.475-бет).

Жиза (ф-т). Бош кийимга тақиладиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми (асосан, қиз тўйида куёвнинг, хатна тўйида эса тўйболанинг бош кийимига тақилади.⁵⁵ Ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетган, шеваларда ҳам учрамайди: *–Ўн минг ботир қошида, тилла жиза бошида* (49-бет)

Тоғж: Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, зийнатли бош кийим, форс-тожик тилидан олинган, ҳозирда шеваларда ва адабий тилда учрамайди.⁵⁶ *Фақат тарихий асарларда, манбаларда учрайди: Жаҳон мулкида мустақил подшоҳ, анга топшируб шоҳлар тоғжу қулоҳ* (А.Навоий “Садди Искандарий”, 255-бет).

3. Ёзги ва қишки кийим номлари. “Холдорхон” достони тилида бош кийимнинг умумий номланиши билан бир қаторда ёзги ва қишки кийим номлари ҳам ўз ифодасини топган. Улар қуйидагилардан иборат:

Силовсин тўн: ...юртин йигдириб, очни тўйдириб, қирқ йигитга силовсин тўн кийдириб Гўрўглибек ўтди (“Холдорхон” 5-бет). Силовсин – мушуксимонлар оиласига мансуб, тумшуғи узун, кўзи жуда ўткир йиртқич ҳайвон, кам учрайди, териси қимматбаҳо, силовсин тўн – тўнга шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси қўйиб тикилади. Мазкур дostonда тўннинг бошқача турлари ҳам тилга олинади:

Кировкадан совут тўн,

Кумуш бўлар тарлон қушнинг чегаси,

Кировкадан совут тўннинг ёқаси (“Холдорхон” 107-бет).

⁵⁵ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2 жилд. 96-бет

⁵⁶ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4 жилд. 132-бет

Кировка – кўпинча совут остидан кийиладиган, каттиқ нарсдан ёки металдан ишланган нимча. Эскирган, шеваларда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам учрамайдиган, дostonлар тилига хос тарихий сўз.

Карк тери: Остида ўйнайди Гиркўкдай ҳайвон.

Эгнида карк тери, белида исфиҳон (“Холдорхон” 30-бет).

Ушбу мисолда карк тери (ф-т.) бирикмаси каркидоннинг терисидан ишланган, тайёрланган кийим тури маъносини ифодалаган, этимологик жиҳатдан эскирган, шева ва диалектларга ҳам хос эмас.

Тўн – олди очик, узун миллий кийим,⁵⁷ **чопон** – устки, узун ўзбек миллий кийими.⁵⁸ Халқ дostonлари тилида қарийб иккаласи ҳам бир хил тушунчада қўлланилган. Бу ҳолат ҳозирги сўзлашув нутқида ҳам шу ном ва маъноларда қўлланилмоқда. “Тўн” сўзи туркий тилларда ниҳоятда кенг тарқалган кийим номи бўлиб, ушбу сўзнинг турли хил кийим номларини англагани унинг хомашёга кўра номланганини В.В.Радлов тахмин қилган ва *тўн* сўзининг дастлаб “тери” маъносини англаганини таҳлилларга тортган⁵⁹. Шу ўринда ушбу сўзни лингвокультурологик таҳлил қилиб кўрсак. Ўзбек маданиятида *чопон* (тўн) кийим устидан кийиладиган, ичига пахта солиб қавилган узун миллий кийим [ЎТИЛ.V.507] бўлиб, алоҳида қийматга эга. Чунки ўзбекларнинг кўпгина урф-одат ва маросимларида, хусусан, ўғил чақалоққа бағишлаб ўтказиладиган бешик тўйи маросимида, кўпинча хонадоннинг катта ёшли вакиллари томонидан чақалоққа зарбоф чопонча кийдириб қўйилади. Тўй маросимларида келиннинг хонадони томонидан юбориладиган сарполарда тўн юборилади. Мотам маросимларида азали хонадоннинг эркак аъзолари *чопон* (тўн) киядилар. Бундан шу нарса аниқ бўладики, ўзбек маданиятида *чопон* (тўн) инсон туғилганидан сўнг ҳаётининг барча онларида унга ҳамроҳлик қилади. Ўзбекларда *чопон* (тўн)нинг ёзда иссиқдан асраши ва қишда совуқдан ҳимоялашдаги энг қулай

⁵⁷ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4 жилд. 238-бет

⁵⁸ Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4 жилд. 506-бет

⁵⁹Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб, 1905. –С. 1360-1361.

устки кийим эканлиги ҳам маданиятда бу кийимнинг ўрнини қатъийлаштиради⁶⁰.

Аёллар учун тикилган чопон ҳам ўзбек маданиятида ўз ўрнига эга. Одатда аёллар чопони ўзбек миллий матолари – *атлас* (бир томони ялтироқ, гулдор, маҳаллий ипак газлама)⁶¹, *адрас* матоларидан тикилади. Наврўз байрамларида, тўй-маросимларда кийилиши билан бирга, ҳозирги кунга келиб, кундалик кийимга ҳам айланиб улгурган. Миллийлик халқ маданиятининг негизини ташкил этади. Миллийликни ўзига жо этмаган халқнинг маданияти ривожланмайди.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, халқимиз дostonлар тилида ёзги ва қишки кийим номларидан ўринли фойдалана олган. Эскирган, аммо эски ўзбек тили учун характерли сўзлар моҳирона танлаб ишлатилган.

4. Оёқ кийим номлари. Дoston тилида оёқ кийим номлари нисбатан камчиликни ташкил қилади. Лекин бу дostonнинг бадийлигига таъсир қилмайди. Лексикаси бой эмас деган фикрни келтириб чиқармайди, балки бу сўз мулкидан эҳтиёжга қараб фойдаланишдир. Дoston тилида фақат битта *чориқ* сўзи қўлланилган.

Чориқ –...*белини маҳкам бўғиб, чориқларининг ипини маҳкам-маҳкам тортиб, чаққон бўлиб, ўзини жуда чоғлай берди* (“Холдорхон” 247-бет). *Чориқ* – қаттиқ хом теридан тикилган, асосан, тоғлик туман халқларида расм бўлган оёқ кийим.⁶² Ҳозирги ўзбек тилида учрамайди, эскирган сўз.

5. Кийимларнинг қисмлари номлари. Дoston тилида кийимларнинг номланиши билан бир қаторда кийимлар қисмининг номлари ҳам мавжуд. Демак, Эргаш шоир халқ ҳаётини, турмуш тарзини синчиклаб кузатган, кузатишлар, изланишлар самараси эса эл назарига тушган дoston тилида ўз ифодасини топган.

⁶⁰Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар тадқиқи. –Тошкент: Наврўз, 2018. –Б.45.

⁶¹WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts

⁶²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 4-жилд. 510-бет

Ёқа – *Афзар занги, ўйнаб-ўйнаб Кулбарнинг, Узатилиб ёқасидан умлоди* (“Холдорхон” 151-бет).

Ёқа ҳозирги тилимизда “кийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми ва унга бириктириб тикилган мато” тушунчасида келмоқда. Адабий тил нормасида ҳам шундай маънода қўлланади. Кенг истеъмолда.⁶³

Унгур – *Ўнгуруни қайтарди, жуда эпчил бўлди* (“Холдорхон” 247-бет).

Унгур кийимнинг пастки, тугаш қисмини англатади. Ҳозирда қипчок шеваларида кўп учрайди.

Этак – *Ҳасан кулбар жойидан турди, белини бугди, этакни қайтарди, қўлини пўстиннинг енгидан чиқарди* (“Холдорхон” 88-бет). Ушбу парчадаги *енг*, *этак* сўзлари кийим қисмлари номини атамоқда. *Енг* – кийимнинг қўлга кийиладиган қисми, адабий тил меъёрида, кенг истеъмол доирасида.⁶⁴ *Этак* – кийимнинг пастки осилиб тушиб турадиган кенг қисми, яъни унгури (*унгур* сўзига синоним).

6. Тақинчоқ номлари. Достонда тақинчоқ номлари ҳам мавжуд бўлиб, улар достон тили лексикасида катта аҳамиятга эгадир. Масалан: –*Мунавни нега юбординг. Мунчоқ таққан муштипарни* (“Холдорхон” 148-бет).

Мунчоқ – шиша ва тошдан ясаладиган, асосан зийнат учун ипга тузиб, бўйнига тақиладиган думалоқ ёки бошқа шаклдаги аёллар зайнати.⁶⁵ Достон тилида *мунчоқ* сўзи воқеликни тўлароқ ёритиш учун, яъни жанг майдонига чиққан одамнинг кучсизлиги ва рақибига тенг эмаслигини ифодалаш учун келтирилади.

7. Жангда кийиладиган кийим-кечак номлари .Достон тилида жанг пайтида кийиладиган кийим-кечак номлари кўп учрамайди.

Совут – танани найза, ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган, пўлат симдан тўқилган кийим.⁶⁶ – *Пўлат совутлар устида, От чопиб баланд*

⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2-жилд. 54-бет

⁶⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2008, 5-жилд. 59-бет

⁶⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2006, 2-жилд. 642-бет

⁶⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2007, 3-жилд. 540-бет

настида (“Холдорхон” 38-бет). Достонни ўқиш жараёнида *оқ совут, пўлат совут, тилла совут* каби кўринишлари ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлди. *Совут* сўзи ҳозирда эскирган сўз ҳисобланади, жумладан, шеваларда ҳам учрамайди. Фақат тарихий асарларда сақланиб қолган. Яна бир мисол: – *Туркман элнинг оғаси, Совут тўннинг ёқаси* (“Холдорхон” 41-бет). *Совут тўн* ҳам худди юқорида айтганимиздек, ўзини ҳимоя қилиш учун пўлат симдан тўқилган, жанг майдони учун мўлжалланган кийим.

Туркий халқлар халқ оғзаки ижоди, жумладан, ўзбек халқ достонларида отларнинг буюмларига бағишланган эпизодлар кўп учрайди. Масалан, отларни эгарлаш ҳолати алоҳида кўрсатилади. “Отларни эгарлаш кўп ўзбек достонларида типик эпизод каби, у эпоснинг ичига кириб, унда ҳар бир оқиннинг усул ва бадиий маҳоратини кўрамиз”, –деб ёзади Х.Зарифов⁶⁷.

Достонлар таҳлилида қуйидаги атамаларни учратдик:

Терлик – эгар ёки тўқим устидан қўйиладиган қалин материал парча, **чирги** – терлик, ёпиқ от абзали, **беллик** – жазликнинг устига қўйиладиган от абзали, **жаҳалдирик** – эгар қаптоли устига қўйиладиган бир жуфт юмшоқ от абзали, **узанги** – эгарнинг икки томонига осиб қўйиладиган, отга миниш ва эгарда оёқларни тираб туриш учун хизмат қиладиган от абзали, **эгар** – от, улов устига қўйилиб, миниб ўтириш учун хизмат қиладиган абзал, **пуштан** – эгарнинг от қорнидан айлангириб ўтказиб боғлаб қўйиладиган тасма (қоринбоғ), **қуюшқон** – эгар силжимаслиги учун отнинг думи остидан айлангириб эгарга бириктирадиган абзал, қайиш (тасма), **айил** – эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлангириб боғланадиган (тўқали қайиш, жунли боғлагич) абзал, **ўмилдирик** – икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчисини отнинг ўмрови орқали ўтказиб айилга бириктириб қўйиладиган безакли қайиш тасма (эгарни орқага сурилиб кетишдан сақлайди), **юган** – отни бошқариш учун унинг бошига солинадиган сувлиғи ва тизгини бўлган қайиш тасмалардан ясалган абзал:

⁶⁷ Х.Т.Зарипов. –От асбоблари // Пўлкан шоир. Тошкент, 1976, 74 бет.

“Алпомиш” достонидан олинган қуйидаги парчага эътибор қаратадиган бўлсак, унда от ва унинг абзалларига оид ўндан ортиқ маданий бирликларнинг қўлланганлигини кўрамыз. Бундай ҳолатларни фақат “Алпомиш” достонида эмас, балки “Холдорхон”, “Равшан”, “Кунтуғмиш” ва бошқа достонларда ҳам учратиш мумкин:

Бисмилло деб солди отнинг устига,

Кимхоби майиндан бўлган терликни.

Шул замонда солди отнинг устига

Зарлигу зарбобдан бўлган чиргини,

Чиргини устидан солди жаҳалдириқни.

Бисмилло деб солди отнинг устига,

Тилло карсан, қоши олтин эгарни,

Иккови ҳам тиллодандир узанги,

Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Бисмилло деб солди отнинг устига,

Чочига зумратдан зарли давурди.

Ой қалдирғоч тортди онинг белидан,

Сирти ипак, ичи майин айилди.

Бисмилло деб тортди отнинг белидан,

Ўн саккиз қуббали чигатой пуштан.

Абзалининг бари ола қайишдан

Сағрисига ташлаб карки қуюшқон.

Ҳар қуббаси келган катта таркашдан

Отлантормоқ бўлди шундайин бекди.

Гарданига ташлаб ўмилдириқни

От бошига солди катта юганни (“Алпомиш”, 79-бет).

–Бедовга тортганман олтин тўқимди.

Ошхўр қилиб олиб келдим тоғамди, –Бу сўзни эшитиб Султонхон думоғи чоғ бўлиб отланиб, Хуройимга қараб, муртини бураб узангига оёғини тираб бир сўз деб турган экан (“Алпомиш” 36-бет).

Миллий фразеологизмлар маълум бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, ўзига хос удумлари каби хислатларни ёритувчи ва халқлар ҳаётини, дунёқараш ва турмуш тарзини, этик ва эстетик меъёрларини ифодаловчи халқ фразеологизмлари орасидаги миллий қатламдир. А.Насиров бу қатламга мансуб материалнинг миллий ўзига хослигини қуйидаги жиҳатларда ёрқинроқ намоён бўлишини эслатади: а) бевосита шу халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини акс эттиришда; б) ўрганилаётган халқларга хос характер хислатларнинг ишонарли ифодаланишида; в) миллатга оид топонимика, флора ва фаунанинг иштирок этишида; г) миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларнинг мавжудлигида; д) шу халқларнинг адабий-бадий тилида⁶⁸. Г.Зиманас “Миллат ҳаётидаги ўзига хос ҳолатларни миллий ҳолатлардан фарқлаш лозим”, – дейди. “Миллий ҳолат тушунчаси – кенгроқ, у миллатнинг бутун ҳаётини, унинг барча томонларини, ўзига хос ҳолатлар эса ушбу миллатга мос бўлган (ёки, асосан, мос бўлган) хусусиятларни акс эттиради. Масалан, миллий маданият тушунчаси у ёки бу миллат маданиятидаги барча ҳолатларни, ўзига хослик эса – бошқа миллатлар маданиятида бўлмаган ёки деярли бўлмаган жиҳатларни қамраб олади”⁶⁹.

Бу мулоҳазага қўшилган яна бир тадқиқотчи олим В.З.Панфиловнинг тилларнинг типологик таснифи ва ҳар бир тилнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш тўғрисидаги мулоҳазаси айнан тўлиқ тегишли: “...у ёки бу тилнинг ўзига хос жиҳатлари ёки барча тиллар учун умумий бўлган ва фақат айрим тиллар гуруҳларига оид бўлган белгилар кенг типологик таққослашлар

⁶⁸Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус провербал фразеологизмларида миллий-маданий хусусиятлар. Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар. –Тошкент, 2013.–Б.68.

⁶⁹Зиманас Г. “Интернациональное и национальное в жизни народов”. –Москва, 1965.№6. –С.52-60.

Ўтказилиши негизидагина маълум бўлади. Бундан ташқари, у ёки бу муайян тилнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш типологик тадқиқотларнинг бошланғич эмас, якуний босқичи бўлиши кераклиги ва у ёки бу тилнинг маълум турга тегишли эканлигини фақат бу муайян тил учун ўзига хос бўлган белгиларга кўра аниқланиши мумкин эмаслиги тушунарлидир”, деган фикри ҳақиқатга яқиндир.

Кийимлар миллийлик рамзи ҳисобланади. Ўзбек халқи азалдан ҳар бир либосга менталитет белгиси сифатида қарашган. Кийим ранги, тузилиши, тикилиш шакли, мавсумийлиги, кундалик ёки байрамлар учун танлангани, унга ўрнатилган безаклар, тасма ёки нақшларнинг барчаси либос эгаси ҳақида маълумот берган. Халқимиз анъанавий кийимлари ва улар билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган урф-одатларда исломгача бўлган диний-этиқодий қарашлар, жумладан, фетишизм, анимизм, магия, тотемизм каби этиқодий қарашлар кейинчалик исломий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз. Ўтмишдаги ижтимоий тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик ҳукм сурган замонларда бевосита моддий бойликлар яратган меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўла олмаганларки, бу ҳолатлар дostonларда ҳам ўз аксини топган.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилини структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатлардан ўрганиш юзасидан муайян ютуқларга эришилди. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилини лингвомаданиятшунослик, когнитив ва прагмалингвистик жиҳатдан ўрганишга этибор кучайиб, бу соҳадаги тадқиқотлар сони кенгайиб бормоқда.

2. Халқ дostonлари тили шу миллатнинг урф-одати, яшаш тарзи ҳамда қадриятларини акс эттиради. Шу сабабли бундай бирликларни халқаро, миллий ва маҳаллий нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин.

3. Ўзбек халқ дostonлари лексикаси ўзбек адабий тилининг умумий сўз хазинасини, қолаверса, ўзбек атамашунослигининг ривожини учун, ички манба сифатида, ўзбек халқ дostonларининг бадиий тилида муҳим тасвирий восита тарзида хизмат қилади.

4. Ўзбек халқ дostonларида учрайдиган чорвачиликка оид сўзлар кўп томли ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тузилишида, халқ дostonларида учрайдиган чорвачилик лексикаси ҳали янада чуқур ва атрофлича алоҳида илмий тадқиқот мавзуси бўлиши лозим.

5. Халқ дostonлари тили ўзбек халқининг лингвомаданиятда муайян маросимлар ва анъаналарни юзага келишига, ўзбек халқининг тарихи билан боғлиқ жараёнларни акс эттиради. Ўзбек маданиятида у миллий маросимларнинг ўзига хос атрибути ҳисобланади.

II БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИГА ХОСЛАНГАН ЛЕКСИК ВА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. § Халқ достонлари тилида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларининг лингвомаданий хусусиятлари

Шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган ҳар бир асар қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, у адабий тил қонун-қоидалари ва нормаларига амал қилади, албатта. Қўлланиши чегараланган лексика (диалектизм, историзм, архаизм, касб-хунар лексикаси ва бошқалар) эса асар тилида маълум услуб талабига кўра кўпроқ персонаж нутқида қўлланади.

Фольклор асарлари тилининг эса ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Чунки оғзаки ижод тили адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилмайди. Балки у оғзаки нутқ қоидаларига, сўзлашув ва умумхалқ тилига жуда яқин туради. Шу сабабли ҳам халқ оғзаки ижоди асарлари тилини лингвистик жиҳатдан ўрганиш ҳозирги ўзбек адабий тили, тил тарихи, ўзбек диалектологияси фанлари учун ҳам қимматли материаллар бериши ва адабий тилнинг лексик-грамматик томондан бойишига ҳисса қўшиши мумкин. Биз ушбу фаслда “Холдорхон” достони тилининг айрим лексик-маданий бирликлар хусусиятларини таҳлилга тортишни мақсад қилиб олдик. Бунда, асосан, достон тилида қўлланилган синоним, омоним ва антоним сўзларнинг ўзига хос қўлланиш услубияти, уларнинг лексик-семантик кўринишларини ёритишга жазм қилдик. Ўзбек тилшунослигида синонимия, омонимия ва антонимия ҳодисаси кўп томонлама ўрганилган, албатта. Лекин халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, халқ достонлари тилига хос ушбу лингвистик ҳодисалар кенг планда ўрганилмаган.

Достонлар тилида синонимия ҳодисаси

Шакли ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил, айрим маъно оттенкалари билан фарқланувчи сўзлар синонимлар дейилади. Масалан, *юз, афт, чехра, бет, турқ, жамол*. Бу сўзлар шакли ҳар хил, лекин турли хил маъно оттенкаларига эгадирлар. Бир умумий маъноси билан ўзаро

боғланувчи сўзлар гуруҳи синонимия ёки синонимик қатор дейилади. Синонимик қатор икки ёки ундан ортиқ сўзлардан тузилади. Масалан: *айланмоқ-кезмоқ-сайр этмоқ: виждон-номус*.

Синонимлар маъносининг бир хиллиги ўзаро фарқли хусусиятларга эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, тилда бир маънони ифодалаш учун бир неча сўзнинг мавжудлиги синонимларнинг бир-бирига ҳар жиҳатдан тўла мос келмаслигини, улардан ҳар бири ўзига хос белги-хусусиятларга эгаллигини кўрсатади. Синонимларнинг фикрни аниқ, мақсадга мувофиқ ифодалаш учун хизмат қилиши кўрсатиб ўтилди. Ҳудди мана шу омил синонимларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Уларнинг пайдо бўлиш йўллари эса турлича:

1. Умумхалқ тилидаги асосан бир тасаввурни ифодаловчи турли сўзлар орасида маъно жиҳатидан бир хиллик, ўхшашлик, яқинлик туғилиши натижасида: *яхши* ва *ёқимли*; *дўст*, *ёр*, *қадрдон* ва *ўртоқ*; *фикрдош* ва *маслакдош*;

2. Умумхалқ тилидаги маълум маънога эга бўлган сўзлар устига айрим маҳаллий диалектлардан шу сўзларга маъно томондан яқин бир хил сўзлар келиб қўшилиши натижасида: *катта* ва *улкан*, *ака* ва *ога*, *товуш* ва *сас*; *ука* ва *ини* каби.

3. Турли халқларнинг тилларидан сўз олиш натижасида: *пешона* ва *манглай*; *кифт* ва *елка*; *мурт* ва *мўйлаб*; *куч* ва *қувват*; *айш* ва *роҳат*; *буюк-улуғ*, *катта*; *муносабат* ва *алоқа*, *буйруқ-фармойиш* ва *фармон*; *тема* ва *мавзу*; Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, Н.Расулов, Х.Дониёровларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги⁷⁰ да эса қуйидаги фикрлар келтирилган:

Синонимлар икки асосий ҳодиса натижасида пайдо бўлиши мумкин:

1. Тилда янги сўз пайдо бўлиши натижасида,

⁷⁰ Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, Н.Расулов, Х.Дониёров. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. – Тошкент, 1980, 117-118-б.

2. Тилда мавжуд бўлган сўзларнинг янги маъно касб этиши натижасида.

Тилда янги сўзлар икки асосий йўл билан:

1. Сўз ўзлаштириш орқали;

2. Тилда бор сўзлар асосида сўз яшаш орқали ҳосил бўлади.

Қуйидаги синонимлар ўзга тилдан сўз ўзлаштириш натижасида юзага келган: *Севги* (ўзбекча), *муҳаббат* (арабча); *куч* (ўзбекча), *қудрат* (арабча); *буйруқ* (ўзбекча), *амр* (арабча); *от* (ўзбекча), *исм* (арабча) ва бошқалар.

Тилда бор сўзлар асосида яратилган сўзлар бошқа сўзлар билан синонимик муносабат ҳосил этиши, янги синонимик қатор юзага келтириши мумкин. Масалан: *вазифа – топшириқ; хотира – ёдгор – эсталик; фарқ – айирма; маош – мояна – ойлик* каби. Биз шу ўринда юқоридаги фикларга қўшимча сифатида сўзларнинг янги маъно касб этиши, маъно тараққиёти ҳам синонимлар пайдо бўлишига олиб келувчи асосий факторлардан, деб ҳисоблаймиз. Масалан: **ўрин** сўзи иккита сўз билан синонимик қатор ташкил этса: *ўрин – жой; ўрин – лавозим; ўрамоқ* синоними уч синонимик қаторда иштирок этади: *ўрамоқ – чирамоқ; ўрамоқ – қопламоқ; қурамоқ – чўлғамоқ – босмоқ; тутмоқ – чалмоқ – қамрамоқ; уришмоқ – курашмоқ.*

Ўрин ва *ўрамоқ* сўзларининг бирдан ортиқ синонимик қаторда иштирок этиши улар маъносининг тараққиёти натижасидир. Бир маъноли сўз эса фақат бир синонимик қаторда қатнашиши мумкин.⁷¹

Биз таҳлилга тортган дostonларда синоним сўзларнинг ранг-баранг намуналарини учратамиз. Синонимларнинг хусусияти, моҳияти жиҳатидан адабий тилдагига мос келса-да, лекин дostonдаги синоним сўзларнинг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Дostonда қўлланилган синоним сўзлар соддалиги, ифодалилиги, образлилиги билан фарқ қилиб, улар маълум бир услубий вазифаларни бажаришга хизмат қилган. Масалан: –*Ҳаммани олиб жўнаганимизни мабодо ёв эшитса? Ҳаммадан ёмон, қаттиқ душман*

⁷¹ Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиев, Н.Расулов, Х.Дониёров. “Ҳозирги ўзбек адабий тили”. – Тошкент, 1980, 123-б.

баччагар Райҳон у ҳам бир бало (“Холдорхон”, 101-бет). Бу мисолда *ёв* – *душман* сўзлари ўзаро синоним бўлиб, уни эмоционал-экспрессив бўёк нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, *душман* нейтрал, *ёв* эмоционал бўёқдор сўз. Синонимик қатордаги сўзлар услубга (стил) фарқли муносабатда бўлади. Бу мисолда *ёв* сўзи ҳам поэтик услубга, ҳам сўзлашув услубига хосдир. Агар шу сўзларнинг синонимик қаторини келтирадиган бўлсак: *душман, ёв, ганим*. Бу синонимик қатордаги *душман* сўзи нейтрал, умумистеъмолдаги сўз бўлиб, қолганлари ўзига хос қандайдир белги-хусусиятига эгадир.

Гўрўглибек бардош бериб,

Сабр қилар ҳар кимга (“Холдорхон”, 112-бет)

Бу мисолда *бардош* ва *сабр* сўзлари ўзаро синоним бўлиб, буларнинг шакли ҳар хил, лекин бирлаштирувчи маъноси бир хил. Масалан: *бардош, сабр, тоқат, қаноат, чидам, турум* булар шу сўзларнинг синонимик қатори бўлади. Булар бир хил маънони, яъни “сабр, чидам” маъносини англатади. Лекин уларни алоҳида қўллаганда ўзига хос маъно ифода этади. Юқоридаги мисолда синонимлар худди шундай хусусиятга эга. Бу синонимик қатордаги *сабр* сўзи доминанга сўздир. *Жуда ботир ҳақ беради, Урушда бил мард туради* (“Холдорхон”, 126 бет) *Мирза Аскар полвон эди, Бир юракли арслон эди.* (“Холдорхон”, 169 бет) *Бошчи бўл Така-Ёвмитга Гўрўгли полвон жўнади. Ҳазо деб бари йўл тортиб, Кўринг ботирлар жўнади* (“Холдорхон”, 136 бет).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, дostonда *ботир, мард* маъносини билдирувчи ва ана шу сўзларнинг синонимик қаторини ташкил этувчи *полвон, баҳодир* сўзлари дostonнинг кўпгина жойларида усталик билан ишлатилган. Уларнинг маъноси умумлашган характерга эга. Бу мисоллардан *ботир, мард, полвон, баҳодир* синонимик сўзларига *арслон* сўзи ҳам синоним сифатида қўлланилган.

Дoston тилида учрайдиган синонимлар тузилиш жиҳатидан ҳам турличадир:

1. Айрим-айрим ҳолда ишлатиладиган, яъни якка сўзлар воситаси билан ифодаланиладиган синонимлар. Бундай сўзлар содда синонимлар гуруҳига киради. Масалан: *жасур, ботир; гайратли, ҳаракатчан, тиришқоқ* каби.

2. Сўзларнинг бирикуви билан юзага келган бирикмали синонимлар: *эрта билан, қуёшдай ганимат* каби. Масалан: Фуқаронинг айби йўқ, биздан ўлганнинг адади йўқ. Унинг устига сиз *уриша берасиз, койий берасиз* (“Холдорхон”, 141-бет).

Бу мисолда *уриша берасиз, койий берасиз* синонимлари бирикмали, маъно жиҳатидан жуда яқин ва бирлашиб кетган синонимлардир. Бу хил синонимлар, одатда, бир-биридан ажратилмаган ҳолда, яъни қўш шаклда ишлатилади. Улар жуфт синонимлар гуруҳига киради. Масалан: *эл-юрт, эл-халқ, соғ-саломат, бола-чақа, ор-номус* ва бошқалар. Бундай жуфт синонимлар дostonда жуда кўплаб келтирилган ва ўз ўрнида моҳирлик билан ишлатилган:

Қўлида қиличи, ботир-баҳодир.

Икки ёқни сермаб юрур қон сочиб (“Холдорхон”, 121 бет).

Ёппа айтдим Така-Ёвмит элини,

Холдорхоннинг катта-улкан тўйи бор (“Холдорхон”, 243 бет)

“Холдорхон” дostonида ишлатилган синонимларнинг кўпчилиги умумхалқ тилидаги маълум маънога эга бўлган сўзлар устига айрим маҳаллий шевалардан ана шу сўзларга маъно жиҳатидан яқин ёки бир хил сўзларни келтириш билан ёки адабий тилдаги сўзларга, яъни бадий усулдан шу сўзларнинг маъносини билдирувчи оддий усулга хос бўлган сўзларни келтириш билан ҳосил қилинган. Дoston тилида учраган қуйидаги синонимларга эътибор беринг: *Қайтайин*, қоларман, *нетайин*, ноилож. Қилмасин Худойим ҳеч кимга муҳтож (“Холдорхон”, 211-бет).

Бу мисолдаги дастлабки “қайтайин” диалектал, сўзлашув ва “нетайин” поэтик сўзлари адабий тилга хос эмас. Улар ўзаро синонимликни ҳосил қилиб, адабий тилдаги “нима қилай” деган маънони билдиради. Синонимик

қатордаги “нетайин” сўзи поэтик тилга ҳам хос бўлиб, классик ғазалларда ва ҳозирда яратилаётган жанр ва ғазалларда учраши мумкин. Масалан,

Қиринглар ўзри соп бўлсин,

Таърифларинг бир гап бўлсин.

Аямаси, аямаси Туркманлар бартараф бўлсин. (“Холдорхон”, 216 бет)

*Қандай офат ёронлар, Қўшин адо бўлди деб Соп бўлдику шунча одам
Энди нима қолди деб (“Холдорхон”, 178 бет)*

Юқорида келтирилган мисоллар *соп*, *бартараф*, *адо* сўзлари ўзаро синоним бўлиб келмоқда. Бу синоним сўзларнинг адабий вариантларини ҳам қўшиб, синонимик қаторни ҳосил қиладиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат: *соп бўлди*, *бартараф бўлмоқ*, *тамом бўлмоқ*, *тугатмоқ*. Шу томондан “Холдорхон” достони тили ҳам бой имкониятларга эга бўлиб, ундаги синоним қаторлар адабий тилдаги айни шундай маънони ифодалайдиган синонимик қаторлардан анча бойдир. Масалан: *тамом бўлди*, *тугади*, *тугаб битди* (адабий тилда), *адо бўлди*, *соп бўлди* (достон тилида) каби синонимларнинг барчаси достонда мавжуд. Адабий тилда эса ҳаммасини учратмаймиз.

–Танҳо, ёлғиз бир одамдан ҳаммамиз қочиб келдик (“Холдорхон”, 194 бет).

Бу мисолда *танҳо*, *ёлғиз* сўзи ўзаро синоним бўлиб, *ёлғиз* сўзи экспрессив бўёқ нуқтаи назаридан нейтрал, *танҳо* эмоционал бўёқлидир. Бу синонимдаги *танҳо* сўзи услубга нисбатан олганда кўпроқ бадий услубга хосдир.

Келолмасанг майдонимга қўрқоқлар,

Шундай сабаб ҳаммангизни ўрайман,

Барингизга ёлғиз ўзим бўламан.

Бошингизга не кунларни соламан (“Холдорхон”, 104-бет).

Бу келтирилган мисолда *хаммангиз, барингиз* сўзлари ўзаро синоним бўлиб келаяпти. *Хаммангиз, барингиз* сўзлари олмош сўзлардан ташкил топган (*хамма, бари* сўзларига бир хил восита (-*нгиз*) қўшиш орқали).

Хаммангиз, барингиз жамловчи олмошлари от характериға ўтаяпти:

Юрган йўли чўл бўлиб,

Чўлан оши мўл бўлиб,

Кўшиниман кўп бўлиб,

Ёзилмайин тўп бўлиб (“Холдорхон”, 353-бет).

Ана элчи димоғи чоғ бўлиб, жуда хушвақт, хуррам бўлиб, тирик қутилганиға муфт қутилдим, деб Холдорхон подшонинг олдиға борди. (“Холдорхон”, 198 бет). Бу келтирилган мисолда *димоғи чоғ, хушвақт, хуррам* сўзлари синоним бўлиб келмоқда. Эмоционал-экспрессив бўёқ нуқтаи назаридан *димоғи чоғ* экспрессив бўёқдор сўз бўлиб, у сўзлашув нуткиға хосдир.

Достон тилида учрайдиган синонимик қаторларнинг асосий қисмидаги сўзлар оддий сўзлашув услубиға, айрим диалект ва шеваларға, бадий услубға оид сўзлардир. Бундай ҳолат кўпчилик халқ оғзаки ижоди асарларига хос бўлиб, жумладан, “Холдорхон” достонида бунга гувоҳ бўламиз. Масалан:

Бердиёрнинг йигитлари суст бўлди,

Аввал баланд эди, энди наст бўлди (“Холдорхон”, 83-бет)

Бу мисолда *суст, наст* сўзлари синоним бўлиб келган.

Бир арза юбордим туркман элиға,

Қулоқ солинг Холдорхоннинг тилиға. (“Холдорхон”, 7- бет)

Энди адо бўлди айтган каломим,

Арзамдан сўнг Гўрўглиға саломим (“Холдорхон”, 8 -бет)

Шунда Гўрўглибек Авазхон ўглиға қараб: Сени душман элиға юбораётирман, Омон-эсон, соғ-саломат келгайсан, – деб бир сўз деди: (“Холдорхон”, 10-бет) Келтирилган мисолда *тили, калом, сўз* сўзлари ўзаро

синоним бўлиб, буларнинг умумлаштирувчи маъноси *гап*, *сўз* деган маънони англатади.

Бу синонимик қатордаги *тил* ва *сўз* сўзлари адабий тилга хос сўзлардир. Достонда келтирилган “Қулоқ солинг Холдорхоннинг тилига” мисрадаги *тилига* сўздан кишилар орасида алоқа воситаси бўлган тил эмас, гапирилаётган гап, нутқ тушунилади. *Калом* сўзи поэтик услубга хос бўлиб, бу сўз эскирганлик белгисига ҳам эга. “Холдорхон” достони тилида синоним сўзлар қўлланилишининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, унда бир жумланинг ичида синоним сўзлар кетма-кет келтирилади. Бу нарса шу фикрга алоҳида стилистик вазифа юклайди, маънони кучайтиришга хизмат қилади. Масалан:

Сени душман элига юбораётирман, Омон-эсон, соғ бориб, саломат келгайсан, – деб бир сўз деди (“Холдорхон”, 10-бет).

Юқорида келтирилган мисолда яна *омон-эсон*, *соғ*, *саломат* синоними мавжуд. Бу синонимлар достонда кетма-кет қўйилган, яъни битта гапнинг ичида. Бундай ҳолатни достонда жуда кўплаб ўринларда учратдик. Масалан:

*Ана энди масъум аёл бечоралар ҳар қайсиси шу оқшоми билан томири борми, тувгани борми, қирқ йигитнинг хотинлари – ҳар қайсиси ўзининг борадиган ерларига бориб ҳеч кимга билдирмай яшириниб, беркинди. Бунда яширинди, беркинди сўзлари синоним бўлиб, гапнинг охириги қисмида кетма-кет бир хил маънони такрорлаб келаяпти. *Яширинди* – бу умумистеъмолдаги сўз бўлиб, яъни адабий тилда ҳам, сўзлашув тилида ҳам кўп ишлатилади. *Беркинди* сўзи эса оддий сўзлашув услубига хосдир. Бу сўзни кўпчилик тушунса-да, баъзилар учун тушунарсиз бўлиши мумкин. Чунки у адабий тилда ҳам, бадий асарларда ҳам кам ишлатилади. Достонда бундай синонимларнинг кетма-кет қўлланилиши, яъни бир маънони англатадиган сўзларнинг такрорланиб келиши асар мазмунини янада оширишга, ўша*

жумланинг, шеър мисраларининг мазмунини янада оширишга, маъносини кучайтиришга хизмат қилган.

Достонлар тилида антонимия ҳодисаси

Ҳар хил компоненти ўзича алоҳида-алоҳида маъно англатадиган, қарама-қарши маъноли сўзлар антонимлар дейилади. Аниқланадики, антоним бўлиши учун иккита критерия керак. Биринчидан, маъно қарама-қаршилиги, иккинчидан, ҳар бир компонентдаги муайян сўзларнинг мана шундай муносабатда бўлиши антонимия деб аталади. Масалан: *яхши-ёмон*. – *Яхшидан от, ёмондан дод қолади*.

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро муносабати маъносидаги зидликка асосланар экан, кўп маъноли сўз ҳар бир маъноси билан айрим-айрим сўзларга антоним бўлиб келиши мумкин. Масалан: *қаттиқ* сўзининг бир маъноси билан *юмишқ* сўзига, яна бир маъноси *сахий* сўзига ҳам антоним бўлиб келиши мумкин. – *Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак, Юмишқ ердан юмалаб чиққан бойчечак*. (Қўшиқдан) – *Ундан бирон нарса сўраш керак эмас, ўлгудай қаттиқ одам*. (ЎТИЛ.5.264-б)

Антонимик муносабат фақат бир сўз туркуми ичида бўлади. Бу дегани антонимнинг бир компоненти от бўлса, иккинчи компоненти ҳам от бўлади. Бир компоненти сифат бўлса, иккинчи компоненти ҳам сифат бўлади. Масалан: *Қиш-ёз, яхши-ёмон*.

Қарама-қарши (зид) жуфтига эгалик ҳодисаси кўпроқ нарса-ҳодисаларнинг белгисида кузатилади. Шунинг учун ҳам антонимия ҳодисаси, асосан, белги билдирувчи сўз (сифат ва равишларда) учрайди. От ва феъл туркумидаги санокли даражадаги антонимлар ҳам белгиларидаги зидлик асосида юзага келади. Масалан: *кун-тун* (ёруғ ва қоронғулик), *олд-орқа* (макондаги қарама-қарши томон белгиси).

Энди “Холдорхон” достонида ишлатилган сўзларга эътибор қаратсак:

Достонда антоним сўзлар жуда кўп ўринда ишлатилган бўлиб, улар ўзига хос хусусиятга эга. Қуйида бу достонда ишлатилган антонимларни таҳлил қилиб беришга ҳаракат қиламиз.

Эр Ҳизирнинг дашида, Кундуз юриб, кеч қўниб (“Холдорхон”, 49-бет)

Бу мисолда *кеч* ва *кундуз* сўзлари антоним бўлиб, пайт, вақтни англатапти. Бири иккинчисига инкор қилиш кучига кўра, *кеч* ва *кундузда* бир-бирини инкор қилиш кучли. Достонда *кеч* ва *кундуз* сўзларининг турли хил вариантлари қўлланилган. Масалан:

Ўн йигитман Аскар аркда турасан, Оқшом, кундуз эҳтиёт бўлиб юрасан (“Холдорхон”, 30-бет). Бу мисолда *оқшом* ва *кундуз* сўзлари ўзаро антоним бўлиб келаяпти *Иккита зўр олишади майдонда, Дам олмасдан, ҳа деб кеча-кундузи* (“Холдорхон”, 152-бет). Достондаги бу мисолда *кеча-кундузи* сўзи антонимдир.

Антонимлар ишлатилишига кўра турлича бўлади: баъзи антонимлар ўзларининг асл маъноларидан кўчган маънода қўлланилади ва кўпинча жуфт ҳолатда ишлатилади, асосан, бир хил тушунча ва бир хил тасаввурни ифодалайди. Шунга кўра бир сўз каби ҳис этилади. Юқорида келтирилган *кеча-кундуз* антоним сўзлари бунга мисол бўла олади.

Кеч бўлди, кўпкариси. Қизув борган сайин бўлди. Кундуз бўлди, кўпкариси. Оқшом базм-ўйин бўлди (“Холдорхон”, 374-бет). Бу мисолда *кеч, оқшом* сўзлари *кундуз* сўзи билан алоҳида антонимик муносабатда бўла олган: *кеч* ва *кундуз*; *оқшом* ва *кундуз*.

Достон тилида учрайдиган антонимлар тузилиши жиҳатидан ҳам турлича бўлади:

1. Баъзи антонимлар ўзаклар орқали ифодаланади: *ёш-қари, янги-эски*.
2. Антоним турли сўз ясовчи аффикслар билан биргаликда ишлатилади: *хурсандчилик-хафачилик, катталик-кичиклик* каби. Баъзи ҳолларда антонимларнинг бири ўзак негизидан бўлгани ҳолда иккинчиси ясама шаклда қўлланилади. Масалан:

*Гўрўғлининг шу Аҳмад,
Яхшилигини билмаган,
Ёмонликдан қолмаган,
Яхши тилни олмаган.*

Яхши-ёмон антоним сўзларнинг биринчи компоненти *яхши-ёмон* ўзак ҳолда, иккинчи компоненти ясама *яхшилиқ-ёмонлик* шаклда қўлланган.

3. Антонимлар баъзи сўзлар орқали, яъни жуфт ҳолдаги синонимлар воситаси билан ифодаланади. Масалан: *тўй-томоша* ва *қайғу-кулфат*; *газаб* ва *нафрат* ҳамда *муҳаббат* ва *ҳурмат*. Бундай бирикмали антонимлар дostonда жуда кам учрайди.

*Қирқ одам ичкари, ўн минг ташқари,
Ҳой-ҳой солиб берди Аҳмад қайсари* (“Холдорхон”, 57-бет).

Бу мисолда *ичкари-ташқари* сўзлари антоним бўлиб, ўрин-жойни билдираяпти.

Ол-ол юрди, ол юрди. Озгина эмас, мўл юрди (“Холдорхон”, 356-бет). Келтирилган мисолда *озгина* ва *мўл* сўзлари антоним сифатида миқдор ва ўлчовни билдириб, иш-ҳаракатнинг сон жиҳатидан хусусиятини ифодалаган. Бунда *оз* кучсиз маънода, *мўл* кучли маънода қўлланилган. Бундай антонимлар равишдан тузилган: *мўл* – ўзак, *озгина* – негиз. Яна бир мисол: – *Кечгача отишди ўзин билдирмай. Одамнинг озин-кўпин билдирмай* (“Холдорхон”, 68-бет). Бу мисолда *озин-кўпин* сўзлари антонимлардир. Бу ўринда сўз ўзагига тушум келишигининг қадимий формаси **–(и)н** қўшилган, яъни у ясама антоним эмас. Бу ерда *озин-кўпин* жуфт ҳолда ишлатилган бўлиб, бир хил тушунча, бир хил тасаввурни ифодалаяпти, яъни “камлик” маъносида ишлатилаяпти. Буларда қарама-қарши маъноси кучсиз бўлиб, қарийб битта тушунчани (“камлик”) ифодаламоқда.

Сенинг ширин сўзинг ёдима тушган, Қон йиғлатар кўпи-озим, хуш энди (“Холдорхон”, 337-бет).

Бу мисолдаги *қўпи-озим* сўзлари антоним бўлиб, бу ҳам жуфт ҳолда келган. У ўзининг асл маъносидан кўчган маънода қўлланилган. Бу антонимлар жуфт ҳолда бир хил тушунчани ифодалаб “ёлғизим” маъносида қўлланилган. Кўриниб турибдики, “Холдорхон” достонида *озгина* ва *мўл* антонимларининг турли шакллари турли ўринларда моҳирлик билан қўлланилган. Масалан, *Номард, қаллоб, фирибгар, найранкор экансан, мард бу ишларни қилмайди.* (“Холдорхон”, 103-бет) Бу мисолимизда *номард* ва *мард* сўзлари антоним бўлиб, кишиларнинг ўзаро муносабатини ифодалаяпти. Бу антонимлар от сўз туркумидан ташкил топган. Яна бир мисол: *Қулоқ солинг турли-туман номага. Ўлим ҳақ буйруғи шоҳу-гадога.* (“Холдорхон”, 8-бет)

Бунда *шоҳ* ва *гадо* сўзлари антоним сўзлардир, бу кишиларнинг айрим ижтимоий гуруҳ ва синфий табақалар тўғрисидаги тушунчаларни ифодалайди. *Шоҳ-гадо* сўзлари ўзаро -*ю* юкламаси ёрдами билан боғланган ва у бир хил тушунчани билдириб келаяпти, яъни “барча” маъносини. *Шоҳ* сўзи ҳам, *гадо* сўзи ҳам эскирган сўз бўлиб, булар ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди. *Ёмон бўлиб дўст-душманни кулдирма, Менинг элда йўқлигимни билдирма* (“Холдорхон”, 42-бет)

Бу мисолда *дўст-душман* сўзлари антонимдир. *Дўст-душман* антоним сўзлари ҳам кишиларнинг ўзаро муносабати ва айрим ижтимоий гуруҳ, тўғрисидаги тушунчаларни ифодалаган. Бу антоним сўзлар ҳам от сўз туркумидан ташкил топган, бир ўзакдан тузилган, инкор қилиш даражаси кучли.

Гапни айирмоқлик дононинг иши,

Нодонга индамай турмоқ жазоси. (“Холдорхон”, 437-бет)

Ушбу мисолда *доно* ва *нодон* сўзлари антоним бўлиб, от сўз туркумидан тузилган.

Олган шод бўлди, қолгани хафа,

Олмаганлар уриб отларни чапа. (337-бет)

Бу мисолда *шод* ва *хафа* сўзлари антоним бўлиб, ҳис-туйғуни билдираяпти. Бунда *шод* бадийий услубга хос сўздир. Адабий тилда, умумхалқ сўзлашув тилида кўпроқ ишлатиладиган бу сўзга синоним эса *хурсанд* сўзидир.

Антонимик муносабатга киришган *подшо* ва *фуқаро* сўзлари эскирганлик белгисига эга. Уларни алоҳида қарайдиган бўлсак, *подшо* сўзи тарихий сўз бўлиб, ҳозирги кунда истеъмолда йўқ, яъни историзмдир. “Подшо” сўзининг антоними бўлиб келаётган “фуқаро” маълум даврда кам қўлланилиб, қарийб архаиклашиб қолган эди. Лекин ҳозирги кунда, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг ушбу сўз янги маъно касб этди ва фаол сўзга айланди. Масалан, *Ўзбекистон фуқароси, Қишлоқ фуқаролар йиғини, фуқаролик паспорти* ва бошқалар. Демак, шу кунгача тилимизда фаол қўлланиб келган “граждан” ўзлашма сўзи (рус тилида) истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнини “фуқаро” сўзи тўлиқ эгаллади.

Шу қиз доим ота деб юради. Вакил ота ҳам доим қизим деб бориш-келиш қилиб юради. (“Холдорхон”, 77-бет) Бу мисолда *бориш-келиш* сўзлари антонимик муносабатдаги сўзлар бўлиб, *бориш-келиш* антоним сўзларига ясовчи *–иш* аффиксини қўшиш орқали ясалган, феъл сўз туркумига оид, иш-ҳаракатни билдираяпти.

Сен майдонни менга бергин фарзандим. Авазхон, кўзимнинг оқу-қораси. (“Холдорхон”, 303-бет) Бу мисолимизда *оқ-қора* сўзлари антоним бўлиб, рангни ифодаламоқда. Алоҳида олинганда эса у кўчган маънода, яъни *фарзанд* маъносида келаяпти.

Фуқароси, умароси (келяпти) қолмасин,

Қолмасин шул: айтдим йиғитларини,

Оламон, отчопар сира қолмасин.

Така Ёвмит элни – ёшу-қарини. (“Холдорхон”, 256-бет)

Бу мисолдаги *ёшу-қари* антонимик муносабатдаги сўзлар бўлиб, ёш жиҳатидан катта-кичикликка мансубликни билдириб келяпти. Бир-бирини инкор қилиш даражаси кучли. Сифат сўз туркуми орқали бириккан.

Тўғрини суюди, эгрига душман. Золимларга хунхор эди Гўрўглибек. (“Холдорхон”, 350-бет). Бунда *тўғри-эгри* сўзлари антоним бўлиб, кесим ва предметнинг хусусиятини билдираяпти. От сўз туркумидан ташкил топган, ўзак сўздан иборат.

Бизлар шуйтиб боссак улоқни оламиз,

Биз ҳаром демаймиз, ҳалол қиламиз. (“Холдорхон”, 377-бет)

Думалоқ айт ҳалол бўлдими, ҳаром бўлдими,

Сенинг эсинг бор-ку, ҳалолми, ҳаромми менинг,

Шу солганим, дарров айт. (“Холдорхон”, 113-бет)

Бу мисолларда *ҳалол* ва *ҳаром* сўзлари ҳам антоним бўлиб келган.

Юқорида биз антонимия ҳодисасини мисоллар орқали кўриб чиқдик. Таҳлилга тортилган мисолларимиздан шу нарса кўриниб турибдики, дoston тилидаги антонимлар ўзига хос турли хил хусусиятларга эга экан. Унда фақат адабий тилимиздаги сўзларнинг антонимик муносабатда бўлишини эмас, балки адабий тилдаги сўзлар билан оддий сўзлашув тилидаги сўзларнинг, эскирган сўзларнинг ўзаро антонимлигини, ҳар иккала компоненти ҳам оддий сўзлашув тилига хос бўлган антонимларни учратамиз.

Шунингдек, дoston тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда мавжуд бир сўзнинг бир неча хил қарама-қарши маънолари ишлатилган. Бу нарса эса халқ тилининг ранг-баранг кўринишлари дoston тилида ўз ифодасини топганлигидан далолат беради. Бу ранг-баранглик, ўз навбатида, дoston тилининг соддалигини, бойлигини, таъсирчанлигини ва халқчиллигини таъминлаган. Халқ дostonларининг асрлар мобайнида оғиздан-оғизга ўтиб келишининг асосий сабаби ҳам ана шундадир.

Достонлар тилида омонимия ҳодисаси

Синоним ва антонимлар каби омонимлар масаласи ҳам ўзбек тилшунослигида кенг ўрганилиб келинган ва келинмоқда. Айтилиши ва ёзилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар⁷² дейилиши ҳаммамизга маълум.

Омонимларни юзага келтирувчи факторлар, ҳодисалар бир неча турга бўлиниб, достонлар тилида ҳам бир қадар ўрганилганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Аслида ҳар хил талаффузли, фонетик структураси фарқли бўлган сўзларнинг бир хил талаффуз этиладиган бўлиб қолиши натижасида омонимлар юзага келади. Масалан: **От** (уй ҳайвони) ва **от** (исм), **ўт** (ўт-ўлан) ва **ўт** (олов) омонимларининг “о” ва “ў” унлилари аслида фарқли талаффуз этилади.

2. Сўзларнинг семантик тараққиёти омонимларни вужудга келтириши мумкин. Бу кўп маъноли сўзларнинг маънолари ўртасидаги боғланишнинг йўқолиши натижасида бўлади. Масалан:

Чун пари-ю, ҳурдир отинг бегим,

Суръат ичра девдир отинг бегим.

Ҳар ҳаданганим, улус андин қочар,

Нотавон жоним сари отинг бегим.

Шеърнинг биринчи ва иккинчи қисмдаги мисраларидаги **от** сўзи турдош от категориясига мансуб бўлиб, биринчи мисрада *исм, ном* маъносида, иккинчи мисрада *ҳайвоннинг бир тури* маъносида келтирилган. Сўнги мисрада эса **от** буйруқ феълининг тингловчи бирлик формасини билдиради ва у ҳурмат маъносида ишлатилган. *Куя* – ҳашоратнинг номи, *куя* – қозоннинг куяси; *сир* – давлат сирини, менинг сирим, *сир* – ойнанинг сирини каби.

⁷² М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978, 26-бет.

Маълумки, полисемантик сўз неча маънога эга бўлишидан/ қатъи назар бу маънолар ўртасида боғланиш борлиги сезилиб туради. Шу сабабли маълум бир сўз ҳар қанча кўп маъноли бўлса-да, битта лексик бирлик (сўз) бўлади. Агар полисемантик сўз маънолари ўртасидаги боғланиш йўқолса, янги сўз ҳосил бўлади. Бунда сўзнинг шакли (фонетик), структураси ўзгармай қолиши туфайли омоним юзага келади. Масалан: **дам** (нафас), **дам** (хордик), **дам** (босқон) омонимлари худди шундай усулда юзага келади.

3. Омонимга олиб келувчи асосий ҳодисалардан бири бирдан ортик сўзнинг талаффуз жиҳатдан тасодифан мос келиб қолишидир. Бу ҳол, асосан, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида содир бўлади. Бунда ўзлашма сўз билан ўз тилдаги сўз ёки турли тиллардан ўзлашган сўзлар ўзаро талаффузи жиҳатидан бир хил бўлиб қолади: Масалан: тожикча **боғ** (дарактлардан ҳосил қилинган майдон) ва ўзбекча **боғ** (боғлайдиган нарса, боғлашдан ҳосил қилинадиган тугун) каби.

Омонимлар фикрни ихчам, аниқ ва таъсирчан баён қилишда прозада, поэзияда, туюқларда, аския жанрида катта роль ўйнайди. Масалан,

Бўйинг сарву санобардек, белинг қил,

Вафо қилган кишиларга вафо қил.

Биринчи мисрадаги *қил* – ингичка маъносида, иккинчи мисрадаги *қил* – буйруқ феъли шаклида келган.

Юқорида таъкидланганидек, омонимлар бир хил талаффуз қилиш натижасида юзага келади. Булар, асосан, халқ тилида, сўзлашув нутқида шаклланади. Халқ достонлари ҳам омма томонидан яратилиб, даврдан-даврга, оғиздан-оғизга ўтиши натижасида шаклланиб келган. Халқ достонларининг шу давргача етиб келиши оғиздан-оғизга кўплаб омоним сўзларнинг етиб келишига ҳам сабабчи бўлган. Қуйида биз халқ достонлари тилида қўлланилган омонимларни (“Холдорхон” достони мисолида) таҳлилга тортамыз: *Бу сафар ҳам Ғиркўк жўнади-кетди, Оғзини очиб ёлғиз яловга етди. От етмайин, ёлғиз бориб Ғиркўк от. Уч сафар ҳам тоза ҳалол қиб*

ўтди. (“Холдорхон”, 22-бет.) Ул қувса, бул қочади, Қочиб йўлни очади, Тоза ўтган ботири Қувиб келиб санчади. (“Холдорхон”, 226-бет.) Тўйга айтибди бизни синаб билмоққа, Тоза билса, устимизга келмоққа. (“Холдорхон”, 35-бет.) Икковинг нодонсан, гофил билмаганлар, Тоза гулсиз офтоб тегиб сўлманглар.

Келтирилган мисолларнинг биринчисидаги **тоза** сўзи пок, ҳалол маъносида, иккинчи тўртликдаги **тоза** – билмоқ, яхшилаб синамоқ маъносида, тўртинчи тўртликдаги **тоза** сўзи ўзининг асл маъносида қўлланган. Бу ерда қўлланган **тоза** омоними вужудга келиши нуқтаи назаридан, аслида ҳар хил талаффуздир, фонетик структураси фарқли бўлган сўзларнинг бир хил талаффуз этилиши натижасида юзага келган. “Тоза ўтган ботири” ҳамда “тоза билса устимизга келмоққа” мисолларидаги **тоза** сўзи оддий сўзлашув тилига хос сўзлар бўлиб, тузилишига кўра содда омонимлардир.

Достонлар тилига хос паронимлар ҳақида сўз кетганда, шуни эслаш жоизки, улар фонетик структураси бошқа-бошқа, талаффузи ўхшаш, яқин бўлиб қоладиган сўзлардир. Масалан: *факт-накт, афзал-абзал, амр ва амир* ва бошқалар. Паронимия сўзларни адабий нормада талаффуз этмаслик, адабий талаффуз нормасини, шунингдек, сўзнинг фонетик структурасини тўғри билмаслик натижасида содир бўлади. Лекин достонда келтирилган *соп* сўзи иккала мисолда ҳам бир хил ёзилган. Аслида иккинчи мисолдаги “соп” сўзи “соф” бўлиб ёзилиши керак, лекин достонда бу сўзнинг оғзаки шаклдаги ҳолати ёзилган. Достон тилининг характерли томони ҳам шундадир. Маълумки, қадимдан ўзбек тилидаги “ф” жарангли товуши оғзаки нутқда ҳамма вақт “п” бўлиб талаффуз этилади.

Бек Сардорнинг оғзи-боши қон бўлиб, От деди элига кўп пўрхун бўлиб. (“Холдорхон”, 68-бет) *От боради ариллаб, Отган ўқдай париллаб.* (“Холдорхон”, 82-бет) *Шулар билан уришмоқ орзусида, Оти Қайсар қўрқмай борганда таҳсин.* (“Холдорхон”, 299-бет)

Биз юқорида “Холдорхон” достонида қўлланилган пароним ва омонимларни кўриб чиқдик. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, дoston тилида омоним, пароним сўзлар синоним ва антоним сўзларга нисбатан кам қўлланилган. Юқоридаги келтирилган таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, синоним ва антонимларда бўлгани каби омонимларнинг таркиб топишида, уларнинг ўзига хос хусусиятларида халқ оғзаки ижоди тилининг, диалект ва шеваларнинг таъсири сезилиб турибди. Бизнингча, дostonдаги кўпгина омонимлар оддий сўзлашув тилидаги сўзларнинг адабий тилдаги сўз билан шаклдошлигидан келиб чиққан.

2.2.§ Халқ дostonлари тилига хосланган фразеологик

бирликларнинг лингвомаданий таҳлили

Ўзбек халқ оғзаки ижоди, қолаверса, унинг салоҳиятли бахшилари ҳисобланмиш Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан, Ислom шоир Назар ўғилларисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Уларнинг буюк хизмати шундаки, асрлар давомида яратилган ўзбек халқининг бой эпик меросини бизга етказиб бердилар. Ўзбек халқ бахшилари ичида иккитаси – Эргаш шоир ва Фозил шоир ўз ижодий репертуарининг сони ва салмоғи, бадий пишиқлиги, услубининг ўзига хослиги билан бошқалардан фарқланиб турадилар.

Халқ бахшилари дoston воқеаларини ниҳоятда қизиқарли, ҳаяжонли қилиб тасвирлаш учун тил элементларидан унинг бадий тили безаги учун мақсадга мувофиқ фойдаланганлар. Одатда, юксак гоя фольклор асарларида ҳам юксак бадийлик орқали намоён бўлади. Халқ оғзаки ижодининг улуғворлиги ҳам мана шу юксак бадийликдадир. Бу эса гўзал, ширали, жозибадор бадий тил орқали ифодаланади. Ўзбек халқ дostonларида учрайдиган фразеологик бирликлар ўз семантик-стилистик табиатига кўра ранг-баранг бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга.

Иборалар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул ва номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодаларидир.⁷³ Фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Сўз маъносида бўлмаган, учрамаган компонентлар фразеологизмлар маъносида мавжуд бўлади.⁷⁴ Фразеологизмлар тилни, унинг мазмунини янада бойитувчи маънавий хазина бўлиб, улар лингвомаданий объект сифатида миллат маданиятини ўзида жамловчи тил бирлиги ҳисобланади.

Фразеологизмлар тузилишига кўра сўз бирикмаси ёки гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик бўлиб⁷⁵, воқеликни образли тасвирлаш, уни китобхон кўз ўнгида аниқ ва тўла гавдалантиришда ўрни бекиёс. Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни илмий-амалий тадқиқ қилиш бўйича изланиш олиб борган олимлардан бири А.Маматовнинг фикрича, иборалар тилнинг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, турғун сўз бирикмаларни ўз ичига олади.⁷⁶

Тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбаи саналади. Фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқ ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади.

Биз мазкур бўлимда уларнинг айрим лексик-семантик, тематик ва услубий хусусиятларини тавсифлашга ҳамда ўзбек халқ дostonлари тили

⁷³ Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. –Тошкент: Фан, 2006. –Б.53.

⁷⁴ Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Тошкент, 2009. –Б.17.

⁷⁵ Ҳожиёв.А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Фан, 2002. –Б.124.

⁷⁶ Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. –Тошкент, 2000 й, –Б.47.

учун услубий хосланган стилистик клише, стилистик фигуралар сингари дostonлар бадий тилида ўзига хос вазифасини бажарувчи фразеологик бирликлар ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, ҳар қандай фраза тилимизда тайёр ҳолда учраши билан бошқа тил бирикмаларидан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарк қилади. Демак, сўзларга хос хусусиятлар фразаларга, шунингдек, барча типдаги фразеологик бирликлар табиатига ҳам хосдир. Шунинг учун ҳам улар ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисаси ҳисобланади. Мана шу каби хусусиятларни ўрганиш ҳам ўзбек фразеологиясида ўз тарихига эга. Ўзбек фразеологиясининг ўрганилишида Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Кўчқортоев, Худойберди Дониёров, Анвар Шомақсудов, Эргаш Умаров, Абдумурод Маматов, Бекмурод Йўлдошев, Абдуғафур Маматов каби бир қатор олимларимизнинг тадқиқотлари ўзгача аҳамият касб этади. Фразеология тилшунослигимизнинг мустақил соҳаси сифатида сўнгги йилларда анча яхши натижаларга эришди. Улар, асосан, ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг таркибий, семантик, грамматик ва услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритганлар.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларнинг ўрганилиши XIX аср охири XX аср бошларига тўғри келади. Ўша даврларда фразеологик бирликлар, аввало, лексикографик объект сифатида ўрганилган эди. Унда асосий эътибор фразеологик бирликларнинг маъносини тушунтириш ва уларнинг этимологиясини аниқлаш ва изоҳлашдангина иборат эди. Фикримизнинг исботи учун А.Старчевскийнинг 1878 йилда нашр этилган 13 минг ўзбекча сўз ва иборалардан ташкил топган “Спутник русского человека в Средней Азии”, шунингдек, 1880 йилда чоп этилган Ш.Ишаевнинг “Краткий русского-сартовский и сартовский-русский словарь” луғатини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек фразеологияси тарихида салмоқли ўринга эга бўлган ишлардан бири З.А.Алексеевнинг 1884 йилда чиққан “Фразы на сартовском языке”

луғатидир. Унда фразеологик бирликлар тематик гуруҳларга ажратиб ўрганилган, шунинг билан бирга уларнинг қўлланиш доираси, семантик табиатини очишга асосий эътибор қаратилган.

Том маънода ўзбек фразеологиясининг жонкуярларидан бири, таниқли турколог Д.Поливановнинг 1926 йил чоп этилган, ўзида 4,5 минг сўз ва ибораларни камраб олган “Русского узбекский словарь”ини мисол қилиб кўрсатса арзийди. Бу луғат ҳам, асосан, сўзлашувга оид ФБ⁷⁷лар билан бироз аввалгиларидан сон ва сифат жиҳатдан фарқ қилган.

Ўзбек фразеологиясида алоҳида ўрин тутадиган К.Юдахиннинг 1927 йилда чоп этилган “Узбекско–русский словарь” ўзида 9 мингдан ортиқ сўз ва ибораларни жамлаган, унда асосий эътибор адабий тил нормасига қаратилганлиги билан фарқ қилади.

Ўзбек фразеологиясининг назарий асослари кейинчалик ўрганила бошланди. Сўнгги йилларда ўзбек фразеологияси масалаларига бағишланган қатор монографиялар, диссертациялар, юзлаб илмий мақолалар ёзилдики, уларда фразеологизмларнинг турли томонлари ўрганила бошланди. Хусусан, фразеологик бирликларнинг грамматик хусусиятлари, уларнинг семантик табиати, сўз таркиби, фразеологик ибораларнинг вариантлиги; турли структурали (даражали) фразеологик бирликлар таснифи; ўзбек фраземалари (иборалари)нинг ўзга хорижий тилларга ўгирилиши, фразеологик бирликларда омонимия, синонимия, антонимия, полисемиянинг мавжудлиги масаласи каби қатор жиҳатлари яхши ўрганилди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, ҳали ҳам ўзбек фразеологиясининг баъзи бир томонлари етарлича ўрганилган эмас. Чунки фразеологик бирликларнинг предмети ва объекти, фразеологизмларнинг мезони ва қўлланиш чегаралари, фразеологиянинг сўзга бўлган муносабати, унинг доимо кўчма маъно касб этиши, экспрессивлиги, эмоционаллиги ва образлилиги, уларни қиёсий чоғиштириш, уларнинг таркибида ўзга тилларга хос фразаларнинг табиатини

⁷⁷ ФБ – фразеологик бирликлар

очиш, ўзбек тили фразеологик фондининг бойишида, кенгайишида ёзувчи, шоирларимизнинг фразеологик новаторлиги, айниқса, кенг жабҳа ҳисобланган фольклор асарлари – достон, эртақлар тилидаги ранг-баранг фразеологик иборалар табиатини очиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Халқ оғзаки ижодиёти, достонлар, турли-туман афсона ва ривоятлар фразеологизмларни шакллантиради, уларга сайқал беради, уларни халқ мулкига айлантиради. Бинобарин, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш” каби улкан достонларда ўзбек халқининг кўҳна ва ҳамиша навқирон тили ўзининг бутун имкониятлари ва гўзаллиги билан “жилваланган”.

“Алпомиш” достонидаги бетакрор, ғоятда нозик ибораларни кўриб лол қоласиз. Ана шундай иборалардан бири “гап етакламоқ”дир. *“Юришимиз маломат сўз бўлмасин”*. Мазкур иборанинг ҳозирги тилимиздаги муқобили бўлмиш “гап(ни) кўтариб юрмоқ” иборасида гапнинг бевосита ҳаракати йўқ, у гўё оддий бир нарса, уни фақат кўтариб юрадилар, холос. “Гапни етаклаб юрмоқ” ибораси шунинг учун ўткир ва ўзғирки, унда гапнинг ўзи бевосита юради, фаол ҳаракатга қодир, фақат уни чиркин мақсадларга юрадилар, бечора гап етовдаги молдай изнини нўхтачига тамоман тутқазиб кетаверади, нўхтачанинг муддаоси эса гапнинг маъною мантиқ мувозанатини бутунлай бошқа бурчакка буриб юборишдан иборат. “Гап” ва “етакламоқ” сўзларидан таркиб топган бу ибора ана шундай маъно нозикликлари, закий ишоралар билан тўйиниб, бетакрор бир ифода сифатида шеърга, бадиий мазмунга кўрк берган”⁷⁸.

Ўзбек фразеологиясининг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари Ш.Раҳматуллаевнинг бир қатор йирик ишлари билан узвий боғлиқ. Хусусан, Ш.Раҳматуллаевнинг 1966 йилда чоп этилган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” монографиясида фразеологик бирликларда полисемия, омонимия, вариация, антонимия, омонимия формалари каби масалалар

⁷⁸ Маҳмудов Н. Тил. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 30.

хусусида фикр юритилган бўлса, “Нутқимиз кўрки” (1970) асарида фразеологик ибораларнинг сўзга, эркин сўз бирикмасига, улар ўртасидаги синтактик алоқалар масаласи доирасида фикр-мулоҳазалари ўз назарий тавсифини топган. Аниқроқ қилиб айтганда, Ш.Раҳматуллаевнинг ушбу монографиясида фразеологик бирликларнинг аналитик формаларига муносабати ёритилади ҳамда уларнинг афоризмлар ва мақол тарзидаги фразеологизмлардан фарқ қилувчи меъёр ва мезонлари ҳақида сўз юритилган.

Ўзбек тилшунослигида бадиий асарлар тилидаги фразеологик бирликлар ҳам бирмунча яхши ишланган бўлиб, айниқса, “Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги” (И.Қўчқортоев, 1965), “Ҳамид Олимжон асарлари тилида фразеологизмлар” (Я.Пинхасов, 1953), “Ойдин прозасида фразеологизмлар” (Х.Қаҳҳорова, 1985) мавзуларида алоҳида илмий тадқиқотлар яратилди. Булардан ташқари, “Муштум” сатирик журналида (20 йиллар мисолида) фразеологизмлар” табиатини (А.Абдуназаров, 1968), ўзбек фразеологизмларнинг лексик-семантик, тематик гуруҳларга ажратиб ўрганишда А.Исаевнинг “Ўзбек тилида соматик (кўз) фразеологизмлар” (1976) каби тадқиқот ишлари ҳам диахроник, ҳам синхроник планда амалга оширилди.

Ўзбек фразеологиясида семантик-стилистик планда амалга оширилган ишлардан бири Абдуғафур Маматовнинг “Ўзбек тилида эмоционал баҳоловчи фразеологизмларнинг семантик-стилистик хусусиятлари” (1988) тадқиқотидир. Сўнгги йилларда Абдумурод Маматов, Суюн Каримов, Бекмурод Йўлдошев ва Эргаш Умаровларнинг ўзбек фразеологияси бўйича муҳим тадқиқотлари, монографиялари яратилиб, улар иборашунослик соҳасида эришилган катта ютуқларимиздандир. Уларда фразеологик норма, новаторлик, фразеологизмларнинг функционал-услубий хусусиятлари атрофлича, кенг лингвистик фактларга асосланган ҳолда ҳам назарий ва амалий хулосаларга асос қилинган фикрлар тўпланган.

Хўш, фразеологик бирликлар табиати борасида сўз кетганда дунё иборашунослигида ФБнинг асосий белги-хусусиятлари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

1. Фразеологик бутунлик (бирлик);
2. ФБ кўчма маънога эга бўлиши;
3. Образлилик.

Ўзбек халқ дostonлари тилида учрайдиган ФБлар табиати ўзбек адабий тилида учровчи ФБлардекми ёки улар ўзига хос хусусиятга эгами? Бу ҳақдаги илк фикрлар ўзбек лингвофольклористикасининг вакили Салоҳиддин Турсуновнинг “Алпомиш” дostonининг лексик хусусиятлари” мавзусидаги (1990) номзодлик диссертациясида тилга олинган, холос. Бизнинг кузатишларимиз натижаси эса бир неча ўзбек халқ дostonлари тилида ёхуд бир бахши қуйлаган бир неча дostonлардагина учрайдиган, дostonлар тилига хосланган ФБлар табиати ва функцияси хусусида тўхталишдан иборат. Бу ҳақда шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек халқ дostonлари тилида учрайдиган фразеологик бирликлар сирасини, аввало, икки катта типга ажратиб ўрганамиз.

Биринчи навбатда “фольклор фразеологизмлари” ва “фольклор асарлари тилигагина хосланган фразеологик бирликлар” атамаларини бир-биридан фарқлашимиз ва “фольклор фразеологизмлари” деганда ҳар бир фольклор асарида учрайдиган турғун иборалар сираси тушунилиши, “фольклор асарларига хос фразеологик бирликлар” деганда эса асрий анъанамизга кўра ўзбек фольклорининг у ёки бу жанрига хос фразеологик бирликлар тушунилиши лозим. Бизнингча, фольклор асарларидаги, қолаверса, ўзбек халқ дostonлари тилидаги ФБларни ўзаро фарқлашда ана шу мезон бош ўлчов бирлиги саналиши лозим. Бундай дифференциация, ўз навбатида, сўзга чечан ўзбек халқ бахшиларининг бадиҳагўйлик маҳоратини, қисман бўлса-да, новаторлигини баҳолашга ёрдам бериши, табиий.

Ўзбек халқ дostonчилигида истeъмол доираси чeгараланмаган фразeологизмларнинг тематик тавсифини қуйидагича келтириш мумкин.

Ўзбек тили системасидаги фразeологик бирликларнинг нутқда тайёр ҳолда ишлатилиши тилнинг социал ҳодисаси сифатида инсон фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган вазифаларга мослашганлиги билан изоҳланади. Сўзларнинг қўлланиш доираси ва хусусиятлари тил воситаларининг нутқ турларига кўра ажратилишини, бу ҳол эса адабий тилнинг бир қанча услублари жамлигидан иборат эканлигини кўрсатади.

Тил воситаларининг маълум бир функционал услубга кўра хосланиши хусусияти фақат лексикада эмас, балки тилнинг бошқа сатҳлари каби фразeологияда ҳам кузатилади. Функционал услуб (стиль) дейилганда, биз ўз таркибий қисмларидаги элементларнинг нисбатан турғунлиги билан фарқланувчи мураккаб нутқий системани англаймиз. Сўз ёки ибораларни услубий жиҳатдан таснифлаш уларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятлари билан чамбарчас боғланиб кетади.

Фразeологик бирликлар ҳам луғавий бирликлар сингари барча учун баробар ва тушунарли бўлса, улар умумхалқ фразeологиялари дейилади. Улар ҳам услубий нуқтаи назардан муайян бир услубий кўринишга хосланмаган бўлади. Бундай фразeологик бирликлар ўзбек халқ дostonлари лексик таркибининг муайян қисмини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида сўзга чечан халқ бахшиларининг ўз асарларини ширали тил билан, таъсирчан, образли ифодалашга ёрдам беради.

Ўзбек халқ шоири Ҳамид Олимжон Фозил шоир қуйлаган “Алпомиш” дostonини нашрга тайёрлар экан, ундаги луғавий ва фразeологик бирликларнинг ранго-ранг жилосига ҳайратланиб; “Алпомиш”да бутун ўзбек тилининг тил-бойлиги акс этган” , - дея тўғри башорат қилгани бежиз айтилмаган экан. Кузатишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, Фозил шоир, Ислom шоир, Пўлкан шоирлар репертуаридан жой олган дostonларидаги фразeологизмларга нисбатан Эргаш Жуманбулбул ўғли

қўйлаган дostonлар тилида учрайдиган фразеологизмлар табиати, таркиби ва миқдори жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бунинг объектив ва субъектив сабабларидан бири, бизнингча, шундаки, Эргаш шоир мадраса кўрган, саводхон шоир эди. Шу билан бирга 5-6 дostonни ўз қўли билан ўзбек фольклористикасининг жонкуяр асосчиларидан бири профессор Ходи Зарифнинг илтимосига кўра ёзиб топширганидир. Демак, у ёки бу дoston лингвистик аспектда текширилганда, ким? қачон? ва қай даражада? қўйлаганлиги ҳамда ёзиб олганлигини ҳисобга олиш ўринлидир. Акс ҳолда тадқиқот саёз ва бир томонлама тавсифланган бўлади.

Биз тадқиқот объекти сифатида ўрганган “Алпомиш”, “Холдорхон”, “Кунтуғмиш” каби ўзбек халқ дostonлари тилидаги умумистеъмолдаги фразеологизмлар семантик хусусиятларига кўра инсон ҳаётининг турли жабҳаларига тааллуқлидир. Улар, асосан, инсон психологияси билан боғлиқ жараёнларни жозибали ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилади. Фразеологизмлар дostonлардаги персонажларнинг жасорати, орзу-истаклари, мақсадлари, хурсандчилиги, қайғу, азоб-уқубати каби хусусиятларни ифодалашда ўринли қўлланган. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик:

Бийлар иккови Шоҳимардон пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб, минди бедов отти, уч кун тинмай йўл тортди. (“Алпомиш”, 6-бет) Бор, ундай бўлса, биз ҳам дунёнинг баҳридан ўтдик, - деп таппа тушиб, равзада турбатнинг остида ётди. (“Алпомиш”, 6-бет) Бу сўзни эшитиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, “тилаганимиз қабул бўлди”, деб кўнгли тўлиб, минди бедов отти. (“Алпомиш”, 7-бет) Иккови айтди: “Бизлар ҳам бир шоҳлик шавкатини қилсак, овга чиқиб кетсак, фарзандлар ер юзига тушса...”, деб бу ўйларни ўйлаб бийлар овга жўнаб кетди. Ҳамма ҳам сендаин кўзини ёшлаб, Закот деб чиқарди бир ишни бошлаб (“Алпомиш”, 18-бет).

Мисоллардан кўринадикки, дostonчиларимиз умумистеъмолдаги фразеологизмлардан оқилона, ўринли фойдаланганлар, чунки улар ҳар бир сўз ва таъбирни ёки мақол, матални яхши билганлар. Ўзбек халқ

достонларининг бадий тилида наинки умумхалқ учун тушунарли ФБлар, балки оддий, жонли сўзлашувга, фақат муайян ҳудудгагина хос бўлган диалектал ФБлар ҳам анчагина. Биз куйида мана шу диалектал ФБлар хусусида (бироз) тўхталмоқчимиз.

Ўзбек халқ достонларида диалектал фразеологизмлар

Анъанавий ўзбек халқ достонларида ўзбек халқининг асрий турмуш шароитига мос ва хос ФБлар ўз ифодасини топган. Сўзга чечан халқ бахшилари авлоддан-авлодга мерос қолдирилган достонларни ўз меҳнати ва шижоати ҳам шуури билан шода марвариддек эъзозлаб безатганлар, имкониятдан келиб чиққан ҳолда, тингловчини ўзига мафтун қиларли даражада юксак маҳорат билан, ўзига хос салоҳият ила куйлай олганлар. Бу эса, ўз навбатида, достонлар тилининг қайта-қайта ишланишига, силлиқланишига ёрдам берган, албатта. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, ҳар бир бахшичилик мактаби вакилларининг достон куйлаш усули ва анъаналари бўлган. Фозил шоир – Булунғур мактабининг, Эргаш шоир – Қўрғонча мактабининг, Бола бахши – Хоразм, Шерна бахши – Шаҳрисабз (Шеробод дейилган манбаларда) мактабининг йирик вакиллари, таниқли намоёндалари бўлади. Муболаға қилиб айтганда, буларнинг ҳар бирининг ўзи бир мактабдир.

Ўзбек халқ достонлари бадий тилидаги диалектал ФБларни тўплаш ва тавсифлаш катта илмий-амалий қиймат касб этгани ҳолда, ўзбек тилининг лексик-фразеологик фондини бойитишга ҳам баракали таъсир этади. Чунки бу орқали ўтмишдан ва ҳозирги ҳар бир сўз иборада ўзбек халқининг тарихи, урф-одати, турмуш тарзи ўз ифодасини топган. Биз таҳлил объекти тарзида ўрганган ўзбек халқ достонлари деярли қипчоқ шеваси вакилларида ёзиб олинган. Лекин у ёки бу достоннинг асрлар оша бир ҳудуддан иккинчисига турли сабаблар билан ўтиши натижасида баъзи сюжет, воқеалар тасвирида қипчоқ диалектига хос бўлмаган сўз ва иборалар ҳам учрайдики, улар,

асосан, “Гўрўғли” туркуми дostonлари тилида ҳам оз бўлса-да, бошқа ўзбек халқ дostonларида ҳам учрайди.

Ўзбек халқ дostonлари тилида учрайдиган диалектал ФБлар семантик жихатдан ранго-ранг бўлиб, асосан қуйидагилардир:

1.Халқона урф-одатлар билан боғлиқ ФБ:

бешиқрти қилмоқ // бешиқка киритмоқ/ солмоқ, яъни бешиқка ўзганинг боласини киритишдан мақсад, уларнинг келажак турмушлари ҳам бирга бўлсин, деган умидни ифодалашдир: *Ана шунда Ҳакимбекка Ойбарчинди аташтириб, бешиқрти қил...* (“Алпомиш”, 8-бет)

ника (х) қиймоқ: (ўқимоқ): мулланинг ва икки вакилнинг иштирокида никоҳ маросимини ўтказиш: *Домла вакиллардан сўрап, булар ҳам гувоҳлигига бир нима оп, мулла хутбасини ўқиб ника (х) қийип, мулланинг сўраган сўзларини вакиллари ҳам қабул қил айтти* (“Алпомиш”, 160-бет)

боши бўш (турмушга чиқмаган): *Қозонда қайнаган ширбоз гўшимиди, Шул қизингди асар боши бўшимиди? Келин қил бирор ўрама ўраин* (“Алпомиш”, 37-бет)

2.Ҳайвонларнинг турли хил характер ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ФБ:

тулкини инглатган тозидай (“чаққон”). *Бойбичага шунда тўлгоқ вақти жоқин жетти, не кампирлар келиб, бойбичани айлаиб, тулкини инглатган тозидай бўп, ангил, ўртага оп турипти* (“Алпомиш”, 7-бет)

Селдаланг отмоқ (терлаб кетмоқ): *Бедовлар селдаланг отти, Чув-ҳа, деди, қамчи торпти* (“Алпомиш”, 63-бет)

Бўйнин узатмоқ (тинмай йўл юрмоқ): *Остидаги араби отлар, Кунбакун бўйнин узатти* (“Алпомиш”, 63-бет)

Нар–мода (“ҳезалак”): *Нар-мода деб менга сўзладинг сўзлар, Нар-мода маънисин айтгин сен қизлар, Нар-мода деганда хапа бўппан, Нима эканин билмай туриппан* (“Алпомиш”, 68-бет)

Той-талаш (“хотин” талаш): *Ҳар ким ўз элида бекма, тўрама, Нар модалар сендан камроқ бўлама, Марттинг ёри той-талашда қолама?* (“Алпомиш”, 169-бет)

3. Инсон ҳаётининг турли томонларига алоқадор бўлган ФБ:

Таътил қи(л)моқ (нонушта қилмоқ): *Бу аллар, ... ҳар кунига тўқсон ширбознинг этини таътил қи(л)гон...* (“Алпомиш”, 31-бет)

Жўн ўтирмоқ (жимгина бировга ҳалақит бермай ўтирмоқ): *Ўн тўртига борип даврон сурмайма, Мاستонмисан, жўн ўтирсанг, бўйма?* (“Алпомиш”, 86-бет)

Бировни кўнглини наза қилмоқ (бировни хафа қилмоқ): *Мен биламан Бойсарининг қизисан, Қимиз бермай кўнглим наза қиласан* (“Алпомиш”, 47-бет)

Шабгир тортмоқ (кечаю кундуз йўл юрмоқ): *Мунгайип сўз айтар мендай хизматкор. Кеча-кундуз шабгир тортинг хизматкор* (“Алпомиш”, 62-бет).

4. Турли табиат ҳодисалари билан боғлиқ ФБ:

Куннинг бурниминан (куёш чиқиши вақтидаги пайт): *Куннинг бурниминан Кагатон товонинг тўқсон дарасидан тўқсон алп бўп кеп турипти* (“Алпомиш”, 57-бет)

Тўкирлини туман тутди (“атрофни чанг-тўзон босди”): *Ғайрати-ғайратга етти, Тўкирлини туман тутди* (“Алпомиш”, 368-бет)

Хуллас, ўзбек халқ достони бадиий тилида учрайдиган диалектал ФБ турли мақсадларда, яъни миллий колоритни ёки конкрет жойга тааллуқли воқеа-ҳодисалар, урф-одатларни тасвирлашда ишлатилган бўлиб, юқорида таъкидланганидек, лингвистик ва экстралингвистик фактлар таъсирида бевосита ва билвосита тарзда турли даврларда, турли куйловчилар репертуари асосида аста-секин киритилиб борилган.

Ўзбек халқ дostonлари тилига услубий хосланган фразеологик бирликлар

Ҳозирги кунга қадар ўзбек тилшунослигида, қолаверса, ўзбек иборашунослигида фольклор асарлари, аниқроғи, муайян фольклор жанрлари тилига хос фразеологизмлар алоҳида илмий объект ёки монографик планда текширилмаган. Дунё иборашунослигида (А.Т.Хроленко, Л.Райзензон) ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам айрим мезонлари ҳақида баъзи фикрлар (С.Турсунов) билдирилган, холос. Биз бундай типдаги ФБлар мезонини аниқлашда доцент С.Турсуновнинг тасниф ва тавсифига асосландик.⁷⁹

Фольклор асарлари тилига хос, аниқроғи ўзбек халқ дostonи тилида анъанага кўра асрлар оша сайқалланиб келинаётган паремиологик ёки лемоник иборалар учрайдики, улар асосан, қуйидаги хусусиятларга эга:

1.Фольклор фразаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар кўпинча бир ёки бир неча дostonлардагина учраб, функционал жиҳатдан чегараланган бўлади.

2.Уларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар оғзаки нутқда тайёр ҳолда учрамайди, улар кўпинча халқ маталлари, мақоллари фонида коллектив, иқтидорли бахшилар томонидан яратилган афористик сатрлар ҳисобланади. Бахшининг бир сюжет, воқеадан иккинчисига ўтиши учун имкон туғдиради. Устознинг шогирдига дoston ўргатишида асосий усуллардан бири бўлиб хизмат қилади. Улар кўпинча мнемотик (эсга тушириш) вазифасини бажаради. Шу боис улар бирор бир сюжет ёки воқеа билан узвий боғлиқ бўлиб қолмасдан, бутун дostonда олға сурилган ғояни бадий ифодалашда ўз вазифасини бажариб келади.

3.Бундай типдаги ФБлар ҳажман икки сўздан (эпитет) тортиб, то шеърий мисра, баъзан шеърий парчаларни ишғол эта оладиган миқдордаги ҳажмни эгаллайдилар. Ўзбек халқ ижодкорлари ҳам асрлар оша ўз репертуарларидан муносиб жой олган фольклор асарларида халқ мақолларидан ва

⁷⁹ С.Турсунов. «Алпомиш» дostonининг лексик хусусиятлари. ҚД, –Тошкент, 1990.

ибораларидан ўринли ва моҳирона, ижодий фойдаланиб келганлар. Бу борада аввало шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек халқ дostonлари асрлар мобайнида оддий меҳнаткашлар учун катта тарбиявий, маърифий бир восита сифатида хизмат қилиб келган. Шу боис улар халқимиз томонидан севилиб тингланган.

Фразеологизмларнинг муайян гуруҳи халқларнинг урф-одатлари, анъаналари ва иримлари таъсирида шаклланади. Жумладан, ўзбек халқида азалдан *қулоқтишлар* одати мавжуд. *Қулоқтишлар*, яъни бешикетди одати ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг айрим туман ва қишлоқларида сақланиб қолган. Оилада қиз бола туғилиб, чилласи чиққандан кейин бешик тўйи ўтказилади. Қариндош уруғ, дўст-оғайнилар янги фарзанд билан муборакбод этгани бу оилага келишади. Шунда ўғиллик биродарлардан бири ният қилиб, етаклаб борган 5-6 яшар ўғилчасига чақалоқ қизчани тилайди, сўратади. Қизи бор оиланинг буваси, бувиси, ота-онаси ва қариндош уруғлари розилик беришса, “қулоқтишлар” одати ўтказилган. Бояги болакай бешиқда ётган қизалоқнинг “қулоғини тишлаган”. Қадим замонларда бундай “қудачилик” маросими қабилалар ўртасидаги уруш-жанжалларга чек қўйган. Тинч қўшничиликни сақлаб қолган⁸⁰. Мазкур одатни ифодаловчи, “қиз болани гўдаклигидаёқ бўлажак қайлиғи деб белгилаб қўймоқ” маъносида *қулогини тишламоқ* ибораси қўлланилади: *қизимни тилга олаверма, тузилган кунда қулогини тишлаган куёви бор; ўғлинг келиб, куёв билан орамиз бузилай деб қолди*.

Ўзбек халқининг никоҳлаш маросими, унаштириш одати билан боғлиқ иборалари таркибида соматик сўзлар фаол қатнашади: *бошларини қовуштирмоқ, бошларини бириктирмоқ, бошларини қўшмоқ* – “келин-куёв қилмоқ”; *бошини иккита қилмоқ* – “уйлантирмоқ”; *бир ёстиққа бош қўймоқ* – “турмуш қурмоқ”; *бошини боғламоқ* – “келин қилиб олишга шартлашиб келмоқ” ва ҳ.к.

⁸⁰ Сатторов М. Ўзбек удумлари. –Тошкент, 1993. –Б. 21-22.

Халқ бахшилари мақол, матал, ҳикматли сўз ва таъбирларга, баъзан эса улар асосида ўзлари янги афористик вариантлар ҳам яратганларки, бундай иборалар даврлар оша бахшиларимиз томонидан сайқалланиб, ҳатто қайта-қайта ишланиб, афоризмлар даражасига етган. Айтилганидек, улар дostonларнинг бадий тўқимасида муҳим роль ўйнаган. Чунки улар, В.В.Радлов сўзи билан айтганда, “Эпосдаги бундай кўп такрорланадиган ҳикматомуз сатрлар”⁸¹да ҳикмат кўпдир. Бунинг яққол исботини буюк сўз устаси бобомиз Алишер Навоий ижоди орқали ҳам билиш мумкин. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиётининг ажойиб дурдоналаридан ҳисобланган анъанавий ўзбек халқ дostonларидаги фразеологик бирликлар, мақол ва афоризмлар бошқа қардош туркий халқлар (қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз) фольклор асарлари тилида учрайдиган ФБлардан фарқ қилади. Ишимизнинг мазкур қисмида ўзбек халқ дostonларида учрайдиган ва уларнинг бадий тилига анъанага кўра функционал-услубий жиҳатдан хосланган ФБлар табиати, уларнинг тематик хусусиятлари, шунингдек, уларнинг яратилишига асос бўлган халқона ибора ва таъбирига бўлган муносабатни бироз бўлса-да тавсифлашга жазм қилдик.

Фольклор асарлари тилига хос ФБлар, ҳикматли ибора, мақоллар табиати ҳақида сўз кетганда, олимларимиз уларни фақат фольклористик нуқтаи назардангина тадқиқ этиб, куйидаги атамалар билан номланганлигининг гувоҳи бўлдик: *типик жойлар, стилистик фигуралар, стилистик формулалар, қайтариқ жойлар, стилистик клише* (Л.Райзензон). Таниқли ўзбек фольклористи профессор Тўра Мирзаев “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари” монографиясида бундай “қўшма сатрлар”, “типик жойлар”нинг дoston поэтикасида тутган ўрни ҳақида тўхталгану, лекин уларнинг лингвостилистик хусусиятлари ҳақида фикр билдирмаган. Бизнингча, бундай “типик жойлар”ни фақат лингвофольклористик нуқтаи назардангина текширилганда, яхши натижаларга эришилиши мумкин.

⁸¹ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб., 1905. –С. 360

Ўзбек халқ достонидаги бундай афористик, ибратомуз сатрлар яратилиши узоқ даврларга бориб етади. Гарчи бизнинг асосий мақсадимиз уларнинг генезисини аниқлашга қаратилмаган бўлса-да, бой лингвистик фактлар асосида уларга таянган ҳолда, таъкидлаш мумкинки, уларнинг асрлар, даврлар оша ўзбек халқ достонида сақланиб келишининг сабабларидан бири шуки, улар қайси бир дostonда қўлланилмасин, ўша дostonнинг ғоявий мазмунига шу қадар усталик билан сингдириб юборилганки, борди-ю, уларсиз дoston куйланса, ҳар қандай дostonнинг бадий тилига путур етказган бўлар эди. Маълумки, ўзбек тилшунослигида ўзбек халқ мақолларининг семантик, тематик, грамматик ва услубий хусусиятлари профессор Холиқ Абдурахмонов, доцент Муяссар Садриддинова ва бошқалар томонидан бир қадар кенг планда ўрганилган. Бундан ташқари бирор бир бадий асар тилидаги ёки бир ижодкор асарлари тилидаги ФБлар ҳам кўпгина олимларимиз томонидан ўрганилган бўлишига қарамасдан, ўзбек халқ дostonлари тилига хосланган ФБларнинг мезони, таркиби ва функционал услубий хусусиятлари ҳақида кам учратамиз. У киши фақат “Алпомиш” дostonининг бир неча бахшилар куйлаган вариантлари доирасига фикр қаратган бўлса, бундан фарқли ўлароқ биз бир неча бахшилар куйлаган бир неча дostonлар мисолида ўз кузатишимизни олиб бордик.

Кузатишимиз натижаларига асосланган ҳолда ўзбек халқ дostonлари тилига хосланган ФБларни уларнинг келиб чиқишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

1. Халқ мақоллари асосида коллектив халқ ижодкорлари томонидан яратилган ўзбек халқ дostonи тилига хос ФБлар. Масалан: Халқимиз орасида кенг тарқалган “Дўст йиғлатиб гапирар, душман кулдириб” мақоли фонид бахшиларимиз асрлар оша уларга ижодий ёндашган ҳолда қуйидаги афористик сатрларни яратганларки, натижада бундай афористик сатрлар халқ

достонлари тилига мослашиб, типиклашиб кетган: Қасд айласа, билмаганин билдирар, Дўст йиғлатиб, душманинг кулдирар (“Холдорхон”, 59)

Натижада бундай типдаги афористик сатрлар бир достоннинг бир неча вариантыда ёки бир бахшининг ижодий репертуарларидаги бир неча достонлари бадий тилида доимий қўлланиб “турғун бирикмалар”, “қўшма сатрлар”, “мнематик иборалар”, “типик жойлар”, “стилистик формула” ва “стилистик фигуралар” номи билан аташга сабаб бўлди. Бундай афористик ибораларнинг кўпгинаси афоризм даражасига етган бўлиб, халқимиз тилида қўлланиладиган фразеологик бирикмалар сингари уларга хос бўлган барча белги-хусусиятларга (компонентларининг нисбий турғунлиги, экспрессивлиги, достончилар нутқида деярли бир вариантда қўлланилиши, мажозий семантик бутунлик, чуқур фалсафавийлик) эгадир. Бундай фольклорга хос фразеологизмларнинг аксарияти фақат ўзбек халқ достонларидагина қўлланиб, улар функционал-услубий жиҳатдан чегараланган бўлади.

2. Бу гуруҳга мансуб фразеологик бирликлар бевосита сўзга чечан халқ бахшилари томонидан яратилган бўлиб, муаллифлари номаълум, коллектив ижод маҳсули ҳисобланмиш фразеологик бирликлардир. Мисолларга эътибор берайлик: *От чопса гумбурлар тоғлар ораси, Ботирни ингратар найза яраси. // Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами. Майдон бўлса бедов отлар чопилур, Чопиб келса, банот жуллар ёпилур.*

Ўзбек халқ достони бадий тилига хосланган бундай ўзига хос фразеологик бирликлар достон қаҳрамонларининг характери очишда, уларнинг эпик биографиясини яратишда бир сюжетдан иккинчи бир сюжет воқелиги тасвирига ўтишда бахшилик мактаби вакиллари учун асосий бир услубий восита ҳисобланади. Шу боис халқ бахшилари бундай типдаги ФБларни такрор ва сўнгидан сўз формасини ўзгартириб, кейинги сатрлар қофиясининг прадигмасини яратишда моҳирона фойдаланадилар. Натижада улар достонлар тилида ўзига хос алгоритм вазифасини ўтайди. Айниқса,

бахшилар шогирд етиштиришда, шогирдларининг бахшилик сирларини пухта эгаллаганларини билиш учун асосий восита – усул ҳисобланади.

Бундай типдаги ФБларни ўзбек халқ мақолларига таққослаганимизда, уларнинг фарқи ва ўхшаш томонлари кўзга яққол ташланади. Бу билан бахшиларнинг импровизацион даражасини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Қуйидаги қиёсий жадвалга эътиборимизни қаратамиз:

№	Ўзбек халқ мақоллари тилига хос ФБлар	Ўзбек халқ достонлари тилига хос ФБлар
1.	Қуш бутоққа сиғинар, одам ватанга	Қуш путага сиғиндай бўп
2.	Дўст ачитиб гапирар, Душман кулдириб.	Қасд айласа билмаганин билдирар, Дўст йиғлатиб, Душманин кулдирар
3.	Бўзчи билганин тўқир, Бахши билганин ўқир. ёки: Бўзчи билганин тўқир, Мулла билганин ўқир.	Усталар ишлатар теша-табарди, Муллалар ўқийди зеру-забарди.
4.	Чечаннинг тили, Чеварнинг қўли.	Чечанлар эплайди гапнинг эпини.
5.	Ажал етмай чивин ўлмас.	Беамр чиқмайди чивиннинг жони.
6.	Сабр таги сари(қ) олтин.	Бесабрдан давлат қочар, Сабр давлат эшигини очар.

Ўзбек халқ достонлари тилига хосланган ФБлар, асосан, қуйидаги мавзуй гуруҳларни ўз ичига олади:

1.Қаҳрамонлик: *От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, Ботирларни ингратар найза яраси. Мардлар олишмайди силтаб отади, Бўш одамнинг иши кейин кетади. (“Алпомиш”, 106-бет)*

2.Ватанпарварлик: *Тоғлар азиз бўлар, туман чалмаса, Йўллар азиз бўлар, карвон юрмаса, Боглар азиз бўлар, богбон бўлмаса Мулки хароб бўлар, султон бўлмаса. (“Рустамхон”, 382-бет)*

Гул кетар бўлса, гулистон эрранар, Шаҳар вайрон бўлса, султон тебранар, Мол борида ҳамма одам дўст эди, Бошдан давлат қайтса, тувгон эрранар. (“Рустамхон”, 359-бет)

3. Сахийлик ва бахиллик: *Ёмон одам қилар мудом зовурди. Фаним тушар кам давлатнинг қасдига. (“Рустамхон”, 359-бет)*

4. Касб ва моҳирлик: *Усталар ишлатар теша-табарни, Муллалар ўқийди, зеру-забарди. Созандалар созин чертар қўл билан, Ёмон одам куйдиради тил билан. (“Рустамхон”, 359-бет)*

5. Мардлик ва дўстлик: *Мард бўлсанг, номарднинг ишини қилмагин. Дўстга зор айлама, душманларга хор. Мард йигит майдонга кирса желлидир, Тўқайда йўлбарснинг изи белгидир. (“Холдорхон”, 359-бет)*

6. Сабаб ва оқибат: *Отга солдим арпаминан ийирди, Қор ёққанда карвон солар чийирди. Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами, Қарчигай қаргага емтик бўлами. Бетайин чиқмайди марднинг довуши. Талхи бор деб эмас эдим новотти, Гарди бор деб тўшамасдим наमतти. (“Алпомиш”, 107-бет)*

7. Ҳушёрлик, зийраклик: *Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош. Эси бор билади гапнинг тузини. Ушбу дамнинг дамларини дам дема, Бошинг эсон, давлатингни кам дема. (“Алпомиш”, 110-бет)*

8.Тенглик ва нотенглик: *Хўжа келса чиқар мурид назири, Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири. Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини. Қарчигай қаргага емтик бўлами. (“Холдорхон”, 34-бет)*

Боб бўйича умумий хулосалар

Халқ оғзаки ижоди асарлари тилини ўрганиш халқ тарихи ва ҳозирги ўзбек тили учун ҳам аҳамиятлидир. Халқ оғзаки ижоди тилида умумхалқ тилининг бой ва ранг-баранг томонлари ўз ифодасини топган.

Фольклор асарлари тили ўзларининг соддалиги, бойлиги, кенг оммага тушунарли бўлиши, равллиги, мазмунга бойлиги, халқ тилига хос хилма-хил тил элементларининг ишлатилиши билан ажралиб туради.

Халқ оғзаки ижоди асарлари тилида турли услубга хос тил элементлари, яъни сўзлашув нутқи, диалектал нутқ, оддий муомалага оид тил хусусиятлари, эркалов, дағал, ҳақорат сўзлари ва бошқалар кўплаб учрайди.

Достонлар тилининг лексик-фразеологик хусусиятларини ўрганиш натижасида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Достонлар тили бошқа халқ оғзаки ижоди асарлари каби халқ тилининг бой имкониятларини ўзида акс эттиргани билан алоҳида ажралиб туради.

2. Достон тилида сўзлашув нутқида хос сўзлар, диалектизмлар, архаизмлар, историзм, вульгаризмлар катта ўрин тутди.

3. Достон тилида синоним сўзларнинг ранг-баранг хусусиятлари ўз ифодасини топган. Синоним сўзлар мазмун муносабатига кўра ҳам, адабий тил муносабатига кўра ҳам, синонимларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра ҳам алоҳида ажралиб туради.

4. Достон тилида қўлланилган антоним сўзлар ўзига хос хусусиятлари билан адабий тилдаги сўзлардан фарқланади. Бунда адабий тилдаги сўзлар билан оддий сўзлашув, эскирган диалектал сўзларнинг антонимлиги ҳодисаси муҳим ўрин тутди.

5. Халқ достонларида омоним сўзлар синоним ва антонимларга нисбатан кам қўлланилган. Демак, омоним сўзларнинг қўлланиши достонлар тили учун типик ҳолат эмас.

6. Ранг-баранг лексик хусусиятларнинг мавжудлиги, ўз навбатида, дoston тилининг бойлигини, соддалигини таъминлашга хизмат қилган.

7. Дostonлар тилининг фразеологик хусусиятлари ҳам жуда характерли бўлиб, уни таҳлил қилиш, умумий хулосалар чиқариш тилшунослик фани учун қимматли материаллар беради. Чунки халқ дostonлари бадий тилидаги фразеологик бирликларни тўплаш ва ўрганиш, нафақат ўзбек тилининг лексик-фразеологик фонддини бойитишга, балки ўзбек диалектологияси, тил тарихининг айрим муаммоли томонларини ойдинлаштиришга, қолаверса, фольклор асарлари тилига хосланган фразеологик бирликлар мезонини аниқлашга муносиб ҳисса қўшади.

Дostonлар тили таҳлили шуни кўрсатадики, халқ бахшилари томонидан яратилган, қайта ишланган фразеологик бирликлар ўзига хос ҳикматли сўз ва афоризмлар даражасига кўтарилгандир.

Дostonлар тилига хосланган фразеологик бирликларни алоҳида монографик текшириш объекти қилиб олинса, тилшунослик учун ноёб материаллар бериши шубҳасиз.

III БОБ. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1.§ Паремиологик бирликларнинг умумий тавсифи

Жаҳон тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалар, афоризмлар паремиологик бирликлар (кейинги ўринларда ПБ деб юритилади) деб қаралиб, шу ном остида ўрганилмоқда. Бизга маълумки, ҳикматли сўз ва иборалар (афоризмлар деб ҳам юритилади) маълум бир халқнинг узоқ тарихи, кузатишлари натижасида юзага келадиган тил бирликлари. Халқ мақол ва маталларида ўзи мансуб бўлган халқнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, ўзи ва ўзлиги тўлиқ намоён бўлиши. Шундай экан, паремиологик бирликлар мазмун-моҳиятига кўра инсон тафаккурининг, шу халқ маънавиятининг энг сара ижод маҳсулидан биридир.

Ота-боболаримизнинг узоқ даврлар кузатишлари натижасида юзага келган, кучли хулосага ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган матал, мақол, ҳикматли сўз ва ибораларни – маънавий меросимизни ўрганиш масаласи бугунги авлод зиммасида.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мақоллар, афористик иборалар маълум бир халқнинг кўп асрлик тажрибалари, кундалик, доимий кузатишлари хулосасини тугал фикр тарзида, қатъий қутбийликда тугал ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун мақолдаги ҳар бир сўзга, унинг қўлланиш шакли ва ўрнига алоҳида эътибор бериш керак⁸².

Ўзбек халқининг маънавий меросларидан бири бўлган халқ оғзаки ижоди асарлари энг қадимий ва битмас-тугунмас хазинадир. Халқимиз яратган оғзаки ижод намуналари шунинг учун ҳам муҳимки, бунда халқнинг

⁸² Мирзаев Т. Ўзбек халқ мақоллари. Сўздан сўзнинг фарқи бор. –Тошкент: Шарқ, 2013, 5 б.

кадим ижтимоий–маиший ҳаёти, унинг машғулоти, этнографияси, шунингдек, унинг ҳоким табақага, манфаатпарастлар, амалпарастлар, дангаса, ялқов, кўрқоқ ва таъмагирларга қарши курашлари ифода этилади. Шу билан бирга халқ оғзаки ижодида халқнинг янги, озод, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-истаклари акс этади. Шу нуқтаи назардан “Тўмарис”, “Широқ”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Маликаи Хуснобод” каби эртаклар, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув”, “Холдорхон” каби дostonлар, мақол, иборалар, топишмоқлар ижтимоий-тарихий заминга эгадир. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди жанр эътибори билан ҳам хилма-хилдир: дoston, эртак, кўшиқ, ашула, лапар, ибора, мақол, матал, топишмоқ ва ҳикматли сўзлар. Албатта, буларнинг барчаси ўз ўрнида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.⁸³

Биз бу ўринда шуни айтмоқчимизки, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ҳар бир тури аҳамиятли бўлиши билан бирга, улар алоҳида хусусиятларга ҳам эга бўлади. Масалан, турғун иборалар билан мақол ва ҳикматли иборалар тузилиши жиҳатидан, баъзан мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Лекин улар айрим томонлари билан бир-биридан фарқланади. Албатта, ҳар иккала жанр ҳам (мақол, ибора) халқнинг тарихини, маиший ҳаётини, унда мавжуд бўлган воқеа-ҳодисаларни, жамиятдаги айрим шахсларнинг феъл-атворларини акс эттиради. Ибораларда ҳам, мақолларда ҳам умумлашган хулосалар ифода этилади, яъни турмушдаги воқеаларга, айрим шахсларнинг хулқ-атвориға нисбатан муносабатлар билдирилади. Лекин улар ўртасида айрим ўзгаликлар мавжуд.

Мақолларда халқнинг ҳаётий тажрибалари, тарихий, ижтимоий воқеалар қандай ихчам, аниқ ва равшан қилиб ифода этилса, ибораларда ҳам худди шу ҳолат бўлади.

⁸³ Қайроқи сўзлар. Халқ иборалари. Нашрга тайёрловчи Д.А.Шораҳмедов. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011, 3 б.

Албатта, ибора билан мақол орасига кескин чегара қўйиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, бу икки жанр орасида айрим фарқлар мавжуд. Жумладан, мақолларнинг ҳаммаси ҳам мажозий маънода бўлавермайди (*асраган кўзга чўп тушар, бекорчидан ҳамма безор, бойликнинг калити – илм, даромадга қараб буромад, ёмон кўз тошни ёради, ит оғзидан суяк олиб бўлмас, киши берганга қуш тўймак* ва бошқалар). Аммо ибораларнинг барчаси мажозий маънода ишлатилади: *ҳалво деган билан оғиз чучимайди, илоннинг ёгини ялаган, асфала софилинга кетди, баланд охурдан сув ичган, бир кўрпада тепалашиб ўсмоқ, елкамнинг чуқури кўрсин, икки оёгини бир этикка тиқмоқ, катта оғиз* ва бошқалар. Демак, иборалар образли ифодалар бўлиб, уларда муҳокамали фикрлар акс этмайди, бир сўз ифодаланган тушунчага тенг келади. Лекин шунга қарамасдан, иборалар халқ тилида, суҳбатида, нутқида мақолга нисбатан кўпроқ қўлланади, ҳатто ёзувчилар ҳам иборалардан ўз асарларида унумли фойдаланадилар. Мақоллар қанчалик тарихий-маиший ҳаёт билан, ижтимоий муаммолар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган иборалар ҳам худди шундай ҳаётий воқеалар, тарихий, ижтимоий-маиший ҳаёт билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Мақоллар мавзу жиҳатидан жуда бой ва турфа хилда бўлиб, Ватан, меҳнат, тил ва нутқ, севги-муҳаббат, мардлик, панд-насиҳат, яхшилик ва ёмонлик, элга ва юртга содиқлик каби эзгу мавзуларда, шунингдек, салбий хислатлар хусусида ҳам бўлиб, кишиларни яхшиликка, тўғрилиқка, олижанобликка, мардликка чорлайди. Мақолларда акс этган мазмун ҳатто кичик бир асарга тенг келади. Улар асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам, лўнда ва содда поэтик шаклга тушган.

Мақоллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, туркий халқларнинг мақолларидан илк намуналар Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган. Асарда “Киши оласи ичтин, йилқи оласи таштин” каби ҳозирда ҳам қисман фонетик ўзгаришлар билан қўлланаётган мақоллар мавжуд. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида 400 дан

ортиқ халқ мақолларини келтирган ва улар қандай ўринларда қандай маъноларда қўлланилишини изоҳлаб берган. Олимларимизнинг текширишларича, девонда қўлланилган афоризмлардан 250 дан ортиқроғи ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам тилимизда фаол қўлланиб келинмоқда. Масалан, “Беш бармоқ баробар эмас”, “Кўкка тупурса, ерга тушар”, “Сув кўрмагунча этик ечмас”, “Арслон қариса, сичқон инини пойлар” ва бошқалар⁸⁴.

XIX асрнинг бошларида ўзбек масалчилигининг асосчиси Гулханий 200 га яқин ҳикматли ибораларни ўзида бирлаштирган ва унда қўлланилган ПБлар маъновий гуруҳларга ажратилган “Зарбулмасал” асарини яратади. Икки асар – “Девони луғатит турк” ва “Зарбулмасал” икки даврда (фарқ 8 аср) яратилган. Бизнингча, Гулханий Кошғарий ва унинг асари ҳақида маълумотларга эга бўлмаган. Лекин шунга қарамасдан, Гулханий асарида қўлланилган мақоллар тузилиши ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин ва ўхшаш: “Тешик инжу ерда қолмас” (Кошғарий), “Тешик мунчоқ ерда қолмас” (Гулханий). Бундай ўхшашликлар ПБларнинг жуда қадимийлигидан далолат беради.

Демак, мақоллар тарихи узоқ даврларга бориб тақалади ва улар турли номлар билан – *мақол, матал, масал, ҳикматли сўз, донолар ҳикмати, машойихлар, донишмандлар сўзи, оталар сўзи, нақл, боболар нақли, қайроқи сўзлар, ҳикмат гулдасталари* деб аталиб келган.

Ўзбек мақолларини илмий ўрганиш XIX асрлардан бошланган. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида (1863) венгриялик тарихчи, сайёҳ Ҳерман Вамбери Ўрта Осиёга ҳожи ниқобида келиб кетган. У юртига қайтишида 19 ёшлик муллаваччани ўзи билан олиб кетган. У Мулла Исоқ бўлиб, вояга етгач, Венгрия Фанлар академиясида ишлаган. 1865 йилда эса Венгрия Фанлар академиясининг филология бўлими “Тилшунослик ахбороти”да ўзбек мақолларини нашр эттирган. Ўз ичига 44 та мақол, матал,

⁸⁴ Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 13-14-бетлар.

эртақ ва топишмоқлар жамлаган ушбу тўплам Европа илмий жамоатчилигида катта шов-шув уйғотади. Чунки шу давргача ўзбек халқ мақоллари хақида Европа аҳли беҳабар эди.

Агар Мулла Исоҳ чоп эттирган мақоллар таркибига назар соладиган бўлсак, унда қадимда қўлланиб келинган, шунча даврлар ўтгандан сўнг ҳам ўз шакли, мазмуни ва аҳамиятини йўқотмай келаётган қатор афористик бирликлар ўрин топганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан: *“энасини кўриб қизини ол”*; *“асал тутган бармогин ялар”*; *“даъвогаринг подшо бўлса, арзингни Оллоҳ эшитсин”*; *“очлик нени едирмас, тўқлик нени дедирмас”*; *“арпа бугдой ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур”*; *“қорани юванг, оқ бўлмас”*; *“от ориқликда, йигит гарибликда билинар”* ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек мақолларини илмий асосда ўрганиш венгриялик олим Херман Вамбери ва Россиялик олим А.Самойловичлар томонидан XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида бошланган. Улардан сўнг рус олимлари Н.В.Остроумов, В.Даваевлар ҳам бу борада анча тадқиқотлар олиб боришган. XX асрнинг 30-йилларидан сўнг ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ва тараққий этиши натижасида қатор фольклоршунос олимлар етишиб чиқди ва халқ оғзаки ижоди асарларининг барча жанрлари бўйича қатор тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу борада Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Буюк Каримов, С.Ибрахимов, М.Саидов М.Муродов, З.Хусанова, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов ва бошқа фольклоршунос олимлар етишиб чиқди. Улар соҳанинг барча йўналишлари бўйича қатор тадқиқотларни амалга оширишди. Жумладан, ўзбек мақолларига бағишланган *“Денгиздан қатралар”*, *“Қанотли сўзлар”*, *“Қайроқи сўзлар”*, *“Ўзбек халқ мақоллари”*, *“Ўзбек тилининг паремиологик*

луғати” каби номлар билан бир неча бор нашр қилинган⁸⁵ паремалар юзасидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган⁸⁶.

Адабиётшунослик ва тилшуносликда қўйма фикрни ифодаловчи энг майда бирлик **парема** деб аталади. Парема билан шуғулланувчи соҳа эса паремиология деб юритилиб, у тилдаги мақол, матал, ҳикматли сўз ва иборалар, фразема, афоризм каби қўйма ибораларни ўрганади. Унинг ўрганиш объекти икки кўринишда бўлади:

1. Мақоллар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида адабиётшунослик фани объекти ҳисобланади. Чунки мақолларнинг кўпчилиги шеърӣй шаклда бўлиб, уларда шеърӣятга хос бадий тасвир воситалари – ўхшатиш, таққослаш (антитеза), параллелизм, қофиялаш, киноя, пичинг кабилар қўлланган бўлади.

2. Мақоллар сўзлардан ташкил топиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлганлиги учун тилшунослик фанининг ҳам ўрганиш объектидир, чунки улар сўзлардан ҳосил бўлишига кўра оддий гапларга ўхшаса ҳам, мазмуни, тузилиши, таркиби, интонация ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан гаплардан бироз фарқланиб туради.

Ўзбек тилида паремиологик бирликларни умумлаштирган ҳолда мақол деб аташади, аммо бу тушунчани ифодалаш мақсадида йигирмадан кўп атамалар қўлланади: *мақол, матал, масал, нақл, ҳикмат, танбеҳ, зарбул-масал, ҳикматли мақол, халқ ибораси, халқ сўзи, қадимгилар сўзи, донишмандлар сўзи, донолар сўзи, яхшилар сўзи, бурунгилар сўзи, оталар*

⁸⁵ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Абдурахмоно М. Фольклорная афористика и словарь. –Тошкент: Фан, 1989; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Д. Нега шундай деймиз (ўзбек мақолларининг изоҳли луғати), –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987; Яна шу муаллифлар. Ҳикматнома (ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати), ЎМЭ, 1990; Ўзбек халқ мақоллари (наршга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, А.Мусақулов, Б.Саримсоқов), –Тошкент: Шарқ, 2013; Қайроқи сўзлар (наршга тайёрловчи: Шораҳмедов Д.) –Тошкент: ЎМЭ, 2011; Ўзбек халқ мақоллари (наршга тайёрловчи М.Қутлиева) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.

⁸⁶ Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц. АКД., –Тошкент, 1964; Яна ўша автор: Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гаплар структурасининг баъзи бир хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1962, 6-сон, 32-38-бетлар; Яна ўша муаллиф: Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гапларда айрим гап бўлақларининг такрорланиши. //ЎТА, –Тошкент., 1962, 3-сон, 28-31-бетлар; Усмонов Н. Мақолларда таълимга оид атамалар. //ЎТА, –Тошкент, 1992, 8-сон, 35-бет; Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш. Ўзбек тилшунослиги масалалари. –Самарқанд, 2001, 38-42-бетлар;

сўзи, боболар нақли, халқ нақли, ҳикматли сўз, ҳикматли ибора ва бошқалар. Тилшуносликка оид адабиётларда улар *идиоматик ибора, қайроқи ибора, қайроқи сўзлар, афоризм, кўчма маъноли турғун бирикма, турғун бирикмалар, фразеологик бирликлар, фраземалар* каби атамалар билан юритилади.⁸⁷

Паремиологик бирликларнинг юзага келиши узоқ тарихга бориб тақалади ва қачон тилга кириб келганлигини аниқлаш қийин. Лекин шу нарса аёнки, улар қадим замонларда халқ турмуш фаолияти жараёнида юзага келиб, шу кунларгача қўлланиб келинмоқда, ўз ижодкори бўлмиш халқ билан бирга яшамокда. Албатта, айрим мақоллар халқнинг маълум давр босқичида қўлланилиб, кейин истеъмолдан чиқиб кетиши ҳам мумкин бўлиб, ҳаётий воқеликни акс эттирган мақоллар оммалашиб, тилдан-тилга, даврдан-даврга ўтиб, яшовчан турғун паремиологик бирликларга айланади. Чунки ҳар бир мақол ва маталда халқ ҳукми, унинг умумийлашган хулосалари акс этадики, улар барча даврлар учун тегишлидир: *“Бола – ёшидан, Хотин – бошидан”, “Одамга – либос, эшакка – тўқим”, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши”, “Обрўйни ёшликда сақла”, “Тил – ақл тарозиси”* каби. Юқоридаги мақоллар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, улар ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънодаги ҳукм ифодалашга хизмат қилмоқда.

Тилшуносликда ПБлар тузилишига (структурасига) кўра икки турга бўлиб ўрганилган: содда паремалар ва мураккаб паремалар⁸⁸

Содда паремалар. Бундай паремиологик бирликлар таркибан бир компонентдан ташкил топган бўлади. Бундай “компонент” деганда кўшма гап таркибидаги нисбий содда гаплар назарда тутилади ва “компонент” атамаси билан юритилади. Шунингдек, ҳар бир компонентни ташкил этган қисмлар (гап бўлаклари)га нисбатан, шартли равишда “элемент” атамаси

⁸⁷ Бердиёров Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 7-бет.

⁸⁸ Ўша манба. 15 б.

қўлланади⁸⁹. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бир компонентдан тузилган ПБларнинг ўзи ҳам неча элементдан тузилганлигига қараб бир неча турларга бўлинади: икки элементли, уч элементли, тўрт элементли, беш элементли. Беш ва ундан ортиқ элементлардан тузилган содда паремалар нутқда жуда камдан-кам учрайди.

Лекин улар оҳанг жиҳатдан, албатта, икки интонацион марказга эга бўлиши шарт. Масалан: *“Ахмоқники – оғизда”*. ПБда эга ҳам, кесим ҳам ифодаланган, шунга қарамасдан, ҳар бир паремада икки элемент (гап бўлаги) бўлади ва улар икки оҳанг марказга эга бўлади. Бу марказлар нутқда оҳанг билан ажралиб туради. Масалан, юқоридаги мақолни тўлиқ шакллантирадиган бўлсак, қуйидаги гап шакли ҳосил бўлади: *“Ахмоқ одамнинг ақли оғизда бўлади”*. Демак ушбу тўлиқ гапнинг шаклланишида интонация муҳим ўрин тутиб, у туширилган бўлақлар ўрнини тўлдиришга хизмат қилади. Бундан ташқари ПБларда эга ёки кесим состави ифодаланмаган тақдирда ҳам, оҳанг жиҳатдан икки қисмга ажралиш ҳодисаси рўй беради: *“Обжувоз-навбати билан”, “Таом – тузи билан, туз – ўлчов билан (яхши)”* кабилар. Бу ўринда оҳанг муҳим ўрин тутиб, парема таркибидаги *“навбати билан”* (келади), *“туз билан”, “ўлчов билан”* аниқловчи ва тўлдирувчи бўлақлари кесимлилиқ интонацияси билан талаффуз этилиши тугалланган фикрни ҳосил қилмоқда. Шу ҳолатнинг акси ҳам бўлиши мумкин. Яъни паремада эга состави қўлланмаган тақдирда ҳам юқоридагидек оҳанг икки қисмга ажралиш содир бўлади. Масалан: *“Дўст излама, дўстингнинг дўстини изла”, “Иш ёқмаса ош берма”, “Олтин излама, ҳунар изла”, “Бўлмаганга бўлишма, суймаганга суйкалма”* ва бошқалар.

ПБлар энг ками икки мантиқий марказдан ташкил топган бўлади. Пареманинг асосий мазмунини ифодаловчи сўзлар бош бўлақ вазифасида келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин. Мисолларга эътибор қаратсак, *“Дўст – жон озиғи”, “Ётган – ёвга ёқар”, “Олтин зангламас”, “Адашган ақлдан*

⁸⁹ Бердиёров Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 16-бет.

озар”, “*Барака – бирликда*”, “*Бахил бахтиёр бўлмас*” ва бошқалар. Юқоридаги паремалар икки составдан – эга ва кесимдан ташкил топган. Икки мантиқий марказни ташкил қилган ПБлар бир бош бўлақдан, яъни фақат кесим составидан ташкил топиши ҳам мумкин, аммо уларда ҳам икки мантиқий марказ борлиги сезилиб туради. “*Отингни қамчилаб қол*”, “*Тегирмондан бутун чиқар*”, “*Тўйда тўнингни қистама*”, “*Тўзрига бало йўқ*”, “*Танимасни сийламас*”. Паремаларнинг яна шундай бир тури мавжуд бўладики, уларда на эга состави, на кесим состави ифодаланган бўлади. Шунга қарамасдан ҳам икки мантиқий марказ мавжудлиги сезилиб туради. Масалан, “*ахмоққа/ тўқмоқ*”, “*донога/ ишорат*”, “*чўпга/ либос*”, “*эшимчага/ кўшимча*”. Буларда икки марказнинг шаклланишида интонация муҳим роль ўйнайди. Содда паремиологик бирликларнинг ўзи таркиби неча элементдан ташкил топганлигига кўра бир элементли содда паремалардан олти-етти элементли содда паремаларгача бўлинади.

“Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган содда паремиологик бирликлар

Достон тилининг таҳлили унда қўлланилган паремиологик бирликлар содда ва мураккабга бўлинганлигини тасдиқлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир компонентдан ташкил топган паремалар содда ПБлар деб юритилади. Достон тилида қўлланилган содда ПБларнинг таркибида мавжуд бўлган элементларнинг (бўлақларнинг) миқдорига қараб куйидаги турларга ажратдик:

1) уч элементли ПБлар: “*Омонатга қилмайсан хиёнат*” (“*Кунтуғмиш*”, 185-бет)

2) тўрт элементли ПБлар: “*Қочган ёвда қорув йўқ*” (“*Кунтуғмиш*”, 250); “*Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб*” (“*Кунтуғмиш*”, 137) “*Хон ғзаби - худо ғзаби*” (“*Кунтуғмиш*”, 255); “*Ўлганнинг несин қиласизлар томоша*” (“*Ўлганнинг устига тепмоқ*) (“*Кунтуғмиш*”, 261); “*Тушни кўрсанг яхшиликка йўрагин*” (“*Кунтуғмиш*”, 240)

3) беш элементли ПБлар: *“Булбул ошно бўлар бознинг гулига”* (“Кунтуғмиш”, 137); *“Дўст-душманга бу сўз шоён бўлмасин”* (“Кунтуғмиш”, 156); *“Мусофирчиликда ё зар ярар, ё зўр ярар”* (“Кунтуғмиш”, 139)

“Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган содда ПБларнинг олти ва ундан ортиқ элементлилари учрамади.

Мураккаб паремалар. Паремиологик бирликларнинг бу тури икки ёки ундан ортиқ кмпонентлардан ташкил топган бўлади. Ўзбек тилида истеъмолда бўлган ПБларнинг асосий қисми иккитадан тўрт компонентгача бўлади. Беш ва ундан ортиқ компонентлардан тузилган паремалар тилда жуда кам учрайди. Шуниси характерлики, мураккаб ПБларнинг ҳар бир компоненти тузилиши ва семантик томонига кўра содда гапларга ўхшайди. Бу қўшма ва мураккаб қўшма гап таркибидаги содда гаплар характерига жуда ўхшашдир. Шунингдек, мураккаб ПБлар таркибидаги компонентларнинг ҳар бири ҳам бир неча элементлар иштирокида тузилади. Лекин элементларнинг сони кўпроқ: икки, уч, тўрттадан иборат бўлади. Бешта ва ундан ортиқ элементлардан ташкил топгани жуда кам учрайди. Мураккаб ПБлар неча компонентдан тузилишига кўра ҳам олти турга эга бўлади.

“Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган мураккаб паремиологик бирликлар

Достон тилида қўлланилган мураккаб ПБлар икки, уч ва тўрт компонентдан иборатлиги кузатилди. Достонда беш, олти ва ундан ортиқ компонентдан иборат паремалар учрамади. Достон тилида қўлланилган мураккаб ПБларни компонентлар миқдорига қараб қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1) икки компонентдан тузилган ПБлар: *“Гавҳарни не билсин ушалган сопол, Зарнинг қадрин заргар билар ҳар ерда”* (“Кунтуғмиш”, 170); *“Бефарзанднинг кўрган куни зояма, Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма?”*

(“Кунтуғмиш”, 170); “Мард ўғлонга давлат икки келмасди, Мард ўлмай ҳақини душман емасди” (“Кунтуғмиш”, 154); “Камликнинг камоли бордир, Манманнинг заволи бордир” (“Кунтуғмиш”, 190); “Омонат, санамжон, одамнинг жони, Қиличдан сесканмас ботирнинг тани” (“Кунтуғмиш”, 160); “Доно эдим, соман бўлдим, Олтин эдим, чўян” (“Кунтуғмиш”, 186); “Ўлимдан кўрқмоқлик номарднинг иши, Ўламан, деб мард қайтармас тилини” (“Кунтуғмиш”, 256); “Яхшиларнинг юзин кўрсанг – жаннатдир”, “Ёмон одам юзин кўрсанг – миннатдир” (“Кунтуғмиш”, 219); “Давлат ҳам эгиз, Меҳнат ҳам эгиз” (“Кунтуғмиш”, 205); “Қайтган хотин, Тўйган тўқол” (“Кунтуғмиш”, 246); “Душман билан бўлма бирор дам йўлдош, Уйқуда қоп, сирим бўлди элга фош” (“Кунтуғмиш”, 252); “Барчани яратган Холиқ, Луқманинг ҳалоли балиқ” (“Кунтуғмиш”, 232); “Савдогар юк ортар моями, норми, Шакаман ўқ тортар садоғи парми” (“Кунтуғмиш”, 193);

2) уч компонентдан тузилган ПБлар: Душман билан бўлма бирор дам йўлдош, Уйқуда қоп, сирим бўлди элга фош, Майдонга мард излаб танҳо кирмадим” (“Кунтуғмиш”, 252); “Яхшиларнинг юзин кўрсанг – жаннатдир, Ёмон одам қилган иши – миннатдир, От сўрамоқ, зот сўрамоқ суннатдир” (“Кунтуғмиш”, 219); “Пўлат найза қор остида ётарми, Темир найзанг эговласанг ўтарми, Мард ўғлон севдигин ташлаб кетарми” (“Кунтуғмиш”, 177);

3) тўрт ва ундан ортиқ компонентлардан тузилган ПБлар: “Савдо тушар мард ўғлоннинг бошига, Дўсти душман келар марднинг қошига, Гоҳи туш шайтоний, гоҳи раҳмоний, Гап чиқар сипойи бўлган кишига” (“Кунтуғмиш”, 193); “Яхши етсин муродга, Ёмон қолсин уятга, Ёмон фақир не қипти, У ҳам етсин муродга” (“Кунтуғмиш”, 262); “Айтмасанг, ким билади, очмасанг, ким кўради” (“Кунтуғмиш”, 187); “Ҳақ сақласа, бало йўқ, Ҳақ қаргаса, даво йўқ” (“Кунтуғмиш”, 168); “Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма, Болам, айтган насиҳатим унутма, Олдингдан ким ўтса, саломсиз ўтма, Бир гарибни кўрсанг зинҳор оғиртма” (“Кунтуғмиш”, 240); “Савдо тушар мард

ўғлоннинг бошига, Дўсти-душман келар марднинг қошига, Гоҳи туш шайтоний, гоҳи раҳмоний, Чап чиқар сипойи бўлган кишига” (“Кунтуғмиш”, 193); “Доно эдим, сомон бўлдим, Олтин эдим, чўян бўлдим” (“Кунтуғмиш”, 170) ва бошқалар.

Паремиологик бирликлар маълум бир даврнинг ҳаётий хулосалари натижаси сифатида юзага келади ва тилдан-тилга ўтиб сайқаллашиб боради. Маълум бир ўткинчи давр учун хос бўлган айрим мақол ва маталлар эскириши ва истеъмолдан чиқиб кетиши мумкин. Лекин мақол ва маталларнинг кўпчилиги даврлар ўтиши билан маълум қолипга тушиб, қуйма ҳолатда қўлланадиган бўлади, яъни тайёр ҳолдаги тил бирлигига айланади. Шу сабабли ПБлар ҳам тилнинг бошқа бирликлари сингари тилдаги маълум унсурлари каби сўзлардан ташкил топади ва маълум фикр ифодалашга (кўчма ёки тўғри) хизмат қилади. Мисол учун, “Алпомиш” достонида: “Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси, Шундоқ қалмоқ айланади майдонда” жумлалари мавжуд. Ушбу ўхшатиш анча бўрттиришлар орқали амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Миллий қаҳрамонларнинг куч-қудратини бўрттириш асносида аслида, этник стереотиплар вужудга келади. *Стереотиплар* –муайян гуруҳ ёки жамоанинг соддалашган, схемалашган, эмоционал бўёқдор ва фавқулотда барқарор бўлган образи, турли маданият вакилларининг тили ва тафаккурининг ўзига хослигидир. Улар у ёки бу халқнинг миллий характери ҳақида объектив маълумот беради. М.Кордуэлнинг фикрига кўра, *стереотип* – кишилар ҳақидаги кескин, кўпинча, юзаки тасаввур. Биз умумиятда юзакиликка мойил бўлганимиз учун ҳам бошқа инсонларнинг хулқ-атворини олдиндан кўриш⁹⁰ учун стереотипларни шакллантирамиз. Юқоридаги мисолда эса Алпомишнинг биргина қиссаси ҳақидаги тасаввуримиз орқали унинг нечоғлик улкан кўринишга эгаллигини билишимиз учун бадий тўқима зарурат бўлган. В.Хинцнинг “Мусульманские меры веса с переводом в митрическую

⁹⁰ М.Кордуэлл. Психология А-Я.Словарь-справочник.-Москва: Фаир-пресс.2000.С.-448.

систему” асарига таяниб, *қари* сўзига берган маълумоти куйидагича: *қари* – узунлик ўлчови бирлиги, ўтмишда турли ерларда турлича бўлиб, XIX асрда Хоразмда бир қари 148 сантиметрга, Бухорода 320 сантиметрга, Тошкентда бозор “қари”си 177 сантиметрга, хон “қари”си 213 сантиметрга, Фарғонада “қулоч қари” ёхуд “узун қари” 164 сантиметрга, “калта қари” 57 сантиметрга, Ўрта Осиёнинг энг узун “қари”си 365 сантиметрга тенг бўлган⁹¹ бўлса, ушбу сўзнинг ЎТИЛ (ўзбек тилининг изоҳли луғати)даги маъносига кўра эса унда бу узунлик ўлчов бирлиги, асосан, ип, ипакдан тайёрланган газламаларни, баъзан эса масофа ўлчов бирлиги ҳисобланиб, ҳудудларга нисбатан ҳисоби бирмунча бошқачароқ тарзда келтирилган, яъни Хоразмда 149 см, Тошкентда 189 смга тенг. Умуман олганда, турли хил адабиётларда қадимги ўлчов birlikлари турлича фаразларга кўра нисбатлаб берилган. Бу эса тадқиқотчиларни *қари* ўлчов бирлиги ҳақидаги фикрини бирмунча чалғитади ва иккиланишларга сабаб бўлади деб ўйлаймиз.

Паремиялогия тилда турли характердаги қатор ибораларни ўрганади. Фразеология ҳам паремалар таркибига киради. Лекин улар ўртасида маълум фарқ мавжуд. Фразеология кўчма маънодаги турғун бирикмаларни ўрганиш билан чегараланади. Паремиялогия эса кўйма бирикмаларни ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода ўрганиши билан фразеологиядан фарқланади.

ПБларнинг ўрганиш объектлари жуда кенг бўлганлиги сабабли, уларнинг кўринишлари ҳам турли-тумандир. Нутқимизда энг кўп қўлланиладиган турлари мақол-матал типидагилари бўлиб, улар куйидаги уч турга бўлиб ўрганилмоқда.

1. Мақоллар – грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, кичик, ихчам, ўткир мазмунли, кўчма маънода ёки ҳам кўчма маънода, ҳам ўз маъносида қўлланиладиган ҳикматли паремиялогик birlikлар: “*Дарахт мевасидан, одам сўзидан билинур*”, “*Қизим, сенга айтаман, келиним, сен*

⁹¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б.63.

эшит”, “Олтин ўтда билинар, одам меҳнатда”, “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин”, “Болта тушгунча, кунда дам олар”, “Омонатга хиёнат қилма”, “Олтин чиримас (зангламас)”.

2. Маталлар – тарбиявий, панд-насиҳат мазмунини ифодаловчи, грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклида бўлган, фақат ўз маъносида (кўчма эмас) қисқа, ихчам халқ ибораларидир Масалан: *“Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт”, “Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади”, “Одам оласи ичида, мол оласи ташида”, “Арслон оғзидан ов олинмас”, “Хунари йўқ кишидан, бигизи бор ямоқчи яхши”* ва бошқалар.

3. Афоризмлар – умумлаштирувчи фикрни ифодаловчи қисқа, лўнда ҳикматли иборалар. Афоризмлар икки кўринишда бўлади: нутқий ва лисоний (тилга оид). Нутқ афоризмлари маълум шахсга тегишли бўлиб, унинг асарларида қўлланилган ҳикматли иборалардир. Тилга оид афоризмлар эса халқ томонидан яратилган бўлиб, барча учун тенг ва тушунарли бўлади, яъни бутун оммага тегишлидир. Навоийнинг қуйидаги афоризми нутқий афоризм ҳисобланади: *“Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ гамидин гами”*. Лекин мутафаккир асарларида қўлланган шундай ҳикматли иборалар борки, улар даврлар ўтиши билан, қайта-қайта қўлланилиши натижасида бутун оммага етиб бориб, умумлашиб, тил афоризмига ўтиб кетган: *“Билмаганни сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган ўзига – золим”, “Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема”* ва бошқалар.

ПБларда грамматик замон, майл, нисбат, шахс-сон категориялари ва уларнинг интонацияси ҳам одатдаги гаплардан фарқланади. Чунки улар қайси замонни англатишига қарамасдан, мазмун жиҳатидан доимо умумий замонни ифодалайди, яъни иборанинг кесими қайси шахсни кўрсатишига қарамай, мазмун умумга қаратилган бўлади. Демак, улар мазмунан шахси умумлашган гапларни ҳосил қилади. Масалан: *“Номарддан ёрдам сўрама, юзингга солар”, “Эгри иш қилиб сой билан юргунча, Тўғри иш қилиб қир билан юр”, “Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма”, “Туғмас товуқ кўп*

қақиллар”, “Бефойда кундадан ўтин яхиши”, “Бош омон бўлса, дўппи топилар”, “Кўп отган билан мерган бўлмас, Кўп айтган билан чечан бўлмас” ва бошқалар.

Паремаларнинг тил бирлиги эканлигининг бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Биринчидан, ПБлар маълум сўзлар (камида иккита) ёрдамида тузилади ва тугалланган мазмун ифодалайди. Уларнинг таркиби, тузилиши ҳам ҳар хил бўлади: содда, кўшма ёки мураккаб. ПБ ёки гап структурасини ўрганиш бевосита тилга оиддир. Шунингдек, мақоллар орқали шаклланган бирликлар, албатта, маълум мазмун ёки фикр ифодалайди. Шундай экан, улар семантик нуқтаи назардан ҳам таҳлилга тортилади.

ПБлар қайси маънони билдиришига қарамасдан, яъни ўз маъносидами ёки кўчма маънодами, албатта, уларнинг мазмуни изоҳни талаб қилади. Чунки уларда чуқур маъно ифодаланган бўлиб, қисқа ва ихчам кўринишларда шаклланган бўлади. Шу сабабли паремаларда ифодаланаётган фикр кенгайтирилган гаплар орқали очиб берилиши лозим. Масалан, кўйидаги мақол мазмунини изоҳлашга ҳаракат қилайлик: *“Гап келганда отангни аяма”*. Ушбу мақол мазмуни кўчма маънода иш, масала туғиладиган бўлса, ўз вақтида айтиш ўринли бўлади деган фикр ифодаланган. Лекин *“отангни аяма”* жумласи кўчма маънода қўлланилган бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри гапни айтиш ўринли бўлади деган фикр мужассамлашган. Бунда отага, катталарга нисбатан ҳурматсизлик қил, гап қайтар деган маъно ифодаланмаган. Фақат бунда тўғри сўзлашга бўлган мазмун акс этган. Мақолларни мазмуний таҳлил қилганда ана шу тағмаънога эътибор қаратиш лозим бўлади.

Тилшунос ва адабиётшунослар ПБлар юзасидан фикр юритишганда, уларга ўз нуқтаи назарлари билан ёндашади. Адабиётшунослар ПБларни мавзуй жиҳатдангина тасниф қилишади. Шу сабабли адабиётшунослар томонидан тузилган *“Ўзбек халқ мақоллари”* тўпламида ПБлар 31 мавзуга,

Р.Жуманиёзов тўпламида 22 мавзуга, А.Холмухамедов тўпламида 56 мавзуга, Т.Мирзаев ва бошқалар томонидан тузилган “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида (2013) мақоллар 70 мавзуга, М.Қутлиева томонидан тузилган тўпламда (2013) 65 мавзуга ажратилганини кўрамиз. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мақол типига афоризмларни тасниф қилишда ягона қонуният мавжуд эмас. Уларни яна қўшимча мавзуларга ажратиш ҳам мумкин. Бу эса ПБларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Паремиологик бирликлар, айниқса, матал-масал типига афористик бирликлар тилшунослик нуқтаи-назаридан ҳам таҳлил қилинади. Тилшуносликда ПБлар таркибига, яъни тузилишига кўра семантик хусусиятларига кўра таҳлилга тортилади. Биз ушбу масалани шу бобнинг иккинчи фаслида “Кунтуғмиш” достонида қўлланилган ПБлар орқали таҳлилга тортишга ҳаракат қиламиз.

3.2. § Достонлар тилида паремиологик бирликларнинг лингвомаданий хусусияти

Тилнинг паремиологик фондини халқ дурдоналаридан тузилган ва унинг маданиятидан мустақкам ўрин олган жавоҳир сандиғи дейиш мумкин. Уларни тилшуносликда, лингвокультурологияда ўрганиш энди бошланмоқда. Прагматик нуқтаи назардан мақоллар турли мақсадларда, жумладан, айти мақол кесатиш, юпатиш, ўғит бериш, маслаҳат бериш, сабоқ бериш, татбиқ қилиш ва ҳ.к. қўлланиши мумкин. Бироқ ҳар қандай мақол ва матал ҳам лингвокультурологик тадқиқотнинг предмети бўлавермайди. Бу ўринда фақат муайян халқ ёки этноснинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти ва ҳ.к. билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақол ва маталлар ўрганилиши⁹² лозим бўлади. Масалан, қадимда ўзбек хонадонларида қўшнилар ўртадаги деворнинг бирор еридан тешик очиб қўйишган. Бу тешик орқали бири-биридан ҳол-аҳвол сўрашган, тансиқ овқат қилишганида бирон идишда шу

⁹² Усмонова Ш. Лингвокультурология. Дарслик Тошкент.2019.Б.-29.

овқатдан узатишади. “*Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан*” мақоли ана шу одатнинг таъсири туфайли юзага келган. Баъзан муайян бир тилга тегишли реалиялар ана шу тилнинг мақолларида ҳам ўз аксини топади ва мажозий маъно касб этади. *Реалиялар* қайси маданият ва тилда пайдо бўлган бўлса, ўша халқнинг кадр-қиммати ҳисобланади. *Реалия* – ўрганилаётган тилдаги предмет ва ҳодисалар тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва турмуш тарзини англаувчи сўзлардир, улар қийсланаётган тилдаги сўзлардан бутунлай ёки қисман фарқ қиладиган тушунча.⁹³

Эргаш Жуманбулбул ўғли поэтик ижодининг дурдоналаридан бири ҳисобланган “Кунтуғмиш” достони ўзининг бадиийлиги ва лингвистик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Чунки достон матни 1926 йилда улкан фольклоршунос Ходи Зариф томонидан ёзиб олинган ва нашрга тайёрланган илк ёзма кўринишидир. Шу томондан у характерли бўлиб, ўз аслини йўқотмаган. Достонда халқимизнинг ўтмишдаги орзу-истаклари, адолат-адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, умуман, эзгу-тилаклари ўз ифодасини топган. Достонда халқимизнинг тарихидаги ўтмиш воқеалари акс этиши билан бирга, халқ тили ва шеваларига хос муҳим манбалар ҳам ўз изини қолдирган. Шундай экан, достон тилини тилшунослик нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлилга тортиш муҳим хулосалар чиқаришга имкон яратиши мумкин. Достон тилида қўлланилган тарихий сўзлар, диалектизмлар, касб-хунар ва чорвачиликка оид атамалар, ҳикматли сўз ва иборалар турли луғатларнинг тузилишига материал қўшиши мумкин. Достон бевосита халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлганлиги сабабли унда халқ мақол, матал, ҳикматли ибораларининг достон тилига хос кўринишларда ифодаланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Биз текшириш объекти қилиб олган “Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган паремиологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили алоҳида ўрганилмаган. Ваҳоланки, ушбу мавзунини тадқиқ этиш тилшунослик учун

⁹³ Алимжанова, Г.М. Сопоставительная фразеология. – Алма-Ата. Мир языка, 1999. – С.175.

айрим хулосалар чиқаришга имкон яратиши мумкин. Достон тилида қўлланилган ПБлар тузилиши жиҳатдан, англатаётган маънолари, яъни семантикаси билан, адабий тил, сўзлашув нутқи, диалект ва шеваларда қўлланилиши билан бир-биридан фарқланади. Биз ушбу фаслда “Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган ПБларнинг тузилиши, англатаётган мазмуни, адабий тил ва шеваларга муносабати, уларнинг таркибий қисмлари юзасидан фикр юритишни режалаштирдик. Чунки достон тилида қўлланилган ПБлар шеърий шаклда бўлганлиги сабабли уларда бадиий восита сифатида хизмат қилган ва шаклий жиҳатдан турли ўзгаришларга учраган. Уларнинг асосий таркибига турли сўзлар қўшилган ёки айрим ўринларда сўзлар тушириб қолдирилган. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, уларда халқ мақолларига хос мантиқий, умумлашма хулосалар сақланиб қолган. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

Яхши етсин муродга,

Ёмон қолсин уятга,

Ёмон фақир не қилсин,

У ҳам етсин муродга (“Кунтуғмиш”, 363).

Яхшиларнинг юзинг кўрсанг – жаннатдир,

Ёмон одам қилган иши – миннатдир (“Кунтуғмиш”, 219).

Достон тилидан келтирилган мисраларда халқ мақолларидаги мантиқ тўғри акс этирилган. Ушбу мақоллар мазмуни паремиологик луғатларда қуйидаги шаклдаги мақоллар орқали акс этган: *“Яхши етар муродга, ёмон қолар уятга”, “Яхши билан юрдим етдим муродга, ёмон билан юрдим, қолдим уятга”, “Яхши билан йўлдош бўлсанг, ишинг битар, ёмон билан йўлдош бўлсанг, бошинг кетар”, “Яхши билан юрсанг, етарсан йироққа, ёмон билан йўлдош бўлсанг, тушарсан тузоққа”* ва бошқалар.

Достон тилида қўлланилган ПБлар луғатларда акс этган вариантларидан қисман фарқ қилса-да, улар англатаётган мазмун меҳр-оқибат, оқибатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик ва душманлик каби мантиқий хулосаларни

ифодалашга хизмат қилган. Достон матнида қўлланилган ПБлар кўпроқ панд-насиҳат, одоб-ахлоқ, инсоф ва диёнат, камтарлик ва худбинлик, тарбия ва одоб каби мазмун муносабатларни ифодалаб, асосан персонажларга қаратилганлигини кўрамиз: *Эшитиб ол бу отанинг сўзини, Дўст-душманга тубан қилма юзини* (“Кунтуғмиш”, 138).

Достон тилида шундай мақоллар мавжудки, уларни бахшининг индивидуал ижодининг маҳсули деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, бундай мақолларда ифодаланган мазмун халқ истеъмолидаги мақолларда акс этган. Лекин уларнинг тузилиши, таркибидаги сўзлар иштироки ва бошқа хусусиятлари яққол фарқланиб туради. Масалан:

Пўлат найза қор остида ётарми,

Темир найза эговласанг ўтарми,

Сенинг тўранг номардлардан эмасдир,

Мард ўғлон севдигин ташлаб кетарми (“Кунтуғмиш”, 127).

Бу халқ мақоллари сирасидаги “*Пўлат пичоқ қинсиз қолмас*”, “*Тешик мунчоқ ерда қолмас*”, “*Олтин зангламас*” каби мақоллар мазмунига тенг келмоқда. Бунда яхши нарса қадрланиши, эъзозланиши, ташлаб кўйилмаслиги таъкидланмоқда. Шу мазмун-муносабат шоир томонидан шеърӣ йўл билан ифодаланмоқда. Демак, бу ҳолатни шоир поэтик ижодига хос индивидуал белгилардан бири деб ҳисоблаш ўринлидир. Бу мақол тилимизда “*Яхшидан ёмон чиқди деб куюнма, у ҳам наслига тортади, ёмондан яхши чиқди деб суюнма, у ҳам наслига тортади*” ҳикматли иборалари орқали ифодаланади. Достон тилидан юқорида келтирилган сатрларда ҳам шу мазмун ифодаланганлигини кўрамиз: пўлатнинг зангламаслиги, мард ўз сўзидан қайтмаслиги, асли тоза нарса бузилмаслиги, мард ўз сўзидан қайтмаслиги, ватанидан, севгисидан воз кечмаслиги, ўз юртидан воз кечмаслиги, йўқчилик ва қийинчиликдан тушқунликка тушмаслиги каби доно фикрлар бадий ифодасини топган.

Достон тилида халқ тилида, шеваларда қўлланилиб, истеъмолда бўлиб келган қатор мақоллар билан бирга бахши томонидан яратилган ҳикматли иборалар, мақол даражасидаги бирликлар жуда кўп учрайди. Улар ўзининг тузилиши жиҳатидан, англатаётган мазмуни жиҳатидан ҳам алоҳида хусусиятларга эга.

Достон тилида қўлланилган ПБларнинг таркибий тузилишига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда катта ва умумий мантиқий хулосалар жамланганига қарамасдан содда кўринишда ҳам, мураккаб кўринишда ҳам ифодаланганини кўрамиз. Шуниси характерлики, достоннинг кўпчилик қисми назмда ифодаланганлиги учун унда қўлланилган ПБлар икки ва ундан ортиқ қисмлардан (компонент) ташкил топганлиги кўзга ташланади. Масалан: *“Айтмасанг, ким билади, очмасанг, ким кўради”* (тўрт компонентдан), *“Гавҳарни не билсин, ушлаган сопол”*, *“Зарнинг қадрин заргар билар ҳар ерда”* (уч компонент, *“Кунтуғмиш”*, 170-бет), *“Эшитиб ол бу отанинг сўзини, Дўст-душманга тубан қилма юзини”* (икки компонент, *“Кунтуғмиш”*, 138-бет). Албатта, достон тилида қуйидагича шаклланган бир компонентли бирликлар ҳам мавжуд: *“Душман билан бўлма бирор дам йўлдош”* (*“Кунтуғмиш”*, 252-бет), *“Дўст-душманга бу сўз шоён бўлмасин”* (*“Кунтуғмиш”*, 156-бет). Ушбу мақол ҳозирги кунда қўлланилиб келаётган *“Дўст-душманга сиринг айтма”* (билдирма) деган парема мазмунига тенг келмоқда.

Паремиологик бирликлар халқ томонидан яратилиб, оғиздан-оғизга, даврдан-даврга ўтиб келган оғзаки ижод маҳсули бўлганлиги туфайли халқ оғзаки ижоди ҳисобланади. Шу сабабли ҳам улар оғзаки ижод тури ҳисобланмиш халқ достонларида кўплаб учрайди. Бу борада ҳам ўзбек тилшунослигида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган⁹⁴ Масалан, А.Холиқов

⁹⁴ Халиқов А.А. Гўруғлининг туғилиши” достонида мақолларнинг ўрни // Ўзбек тил ва адабиёти. –Тошкент, 2002, 4-сон, 76-77-бет; Жўраева Б. Мақол-матал типидagi паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005, 5-сон, 88-89-бетлар; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент, ЎМК нашриёти, 2012, 150-169-бетлар.

“Тўрўғлининг туғилиши” достонида қўлланилган мақолларни уч гуруҳга ажратган: 1) адабий тилда, ўзбек халқ шеваларининг аксариятида ишлатиладиган мақоллар; 2) мақолларнинг дoston тилидаги вариантлари ва маъновий хусусиятлари; 3) дostonнинг ўзидагина учрайдиган, оғзаки нутққа хос мақоллар тартибда тасниф қилган. Биз ҳам юқоридагиларга суянган ҳолда “Кунтуғмиш” дostonи тилида қўлланилган ПБларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишни лозим топдик:

1. Адабий тил доирасида ва шеваларда фаол ишлатиладиган ПБлар. ПБларнинг ушбу тури халқ томонидан қадимда яратилиб, ҳозирги кунда адабий тилда ҳам, шеваларда ҳам (қисман ўзгаришлар билан) ишлатилмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзи намуналари дoston тилида қўлланилган. Дoston қуйловчиси маълум бир шева вакили бўлганлиги сабабли баъзилари шеваларга мослаштирилган ҳолда, баъзилари эса айнан, халқ тилидагидек ишлатганлигини кўрамиз. Бундай ПБларга дoston тилида қўлланилган қуйидаги афористик бирликларни киритишимиз мумкин: “*Зарнинг қадрин заргар билар*” (“Кунтуғмиш”, 170); “*Қочган ёвга қорув йўқ*” (“Кунтуғмиш”, 250); “*Давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз*” (“Кунтуғмиш”, 205); “*Омонатга қилмагайсан хиёнат*” (“Кунтуғмиш”, 185); “*Камтарга-камол, Манманга-завол*” (“Кунтуғмиш”, 190); “*Камликнинг камоли бордир, Манманнинг заволи бордир*” (“Кунтуғмиш”, 190); “*Мусофирчиликда ё зар ярар, ё зўр ярар*” (“Кунтуғмиш”, 139); “*Қайтган хотин, тўйган тўқол*” (“Кунтуғмиш”, 246); “*Айтмасанг, ким билади, Очмасанг, ким кўради*” (“Кунтуғмиш”, 187);

“*Зарнинг қадрин заргар билар*” мақоли тилимизда халқ орасида кенг истеъмолдадир. Бу пареманинг бир қанча вариантлари бўлиб, шу соҳага оид луғатлар ва тўпламларда акс этгандир: “*Зар қадрини заргар билар*”, “*Зар қадрини заргар билар, олтин қадрини-моҳак*”, “*Зар қадрини заргар билар, чилангар нени билар?*”, “*Ер қадрини эр билар, зар қадрини заргар*”, “*Забаржад қадрини савдогар билар, зар қадрини - заргар*” ва бошқалар. Ушбу мақолларнинг барчасида умумий бир мантиқ ифодаланган, яъни “ҳар

бир нарсанинг кадр-қимматини, оғир-енгилини, паст-баландини, яхши-ёмонлигини ўша нарсага бевосита алоқадор бўлган одамларгина биладилар, бевосита алоқадор бўлмаган, кўрмаган, билмаган, иши тушмаган одамлар унинг қадрини ҳам, яхши-ёмонлигини ҳам, оғир-енгиллигини ҳам билмайдилар, фаҳмлари ҳам етмайди” дейилмоқда⁹⁵. “Кунтуғмиш” достони тилида қуйидаги мақол айти маънода қўлланмоқда: *“Гавҳарни не билсин ушалган сопол, зарнинг қадрин заргар билар ҳар ерда”* (“Кунтуғмиш”, 170).

Мисолнинг биринчи мисрасидаги *“Гавҳарни не билсин ушлаган сопол”* мақолига эътибор қаратсангиз, қуйидаги мазмун-муносабатлар келиб чиқади: “Баъзи шахслар ўзгаларнинг касби, ҳунарини осон деб ҳисоблаб, ўзгалар касбларини пастга уриб менсимайдилар, ўз касбларидан мағрурланиб, бошқалар касбини ерга уришга, камситишга уринадилар, ҳар бир касбнинг оғир-енгиллиги устасига аён эканликларини билмайдилар. Мақол шундай шахслар учун қаратилгандир. Худди шундай *“Заргар ишини мискор ўнгай санайди”* мақоли ҳам мавжуд.

“Давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз” (“Кунтуғмиш”, 205). Ушбу ПБда “давлат – ҳам бойлик, ҳам омад, ҳам муваффақият, бахту иқбол” маъносида, “меҳнат” эса “машаққат, ғурбат, омадсизлик, бахти қаролик” маъноларини ифодаланган. Одамлар “агар одамга бир омад келса, устма-уст (яъни эгиз-эгиз, кўшалок-кўшалок бўлиб) келаверади, агар одам машаққат ва омадсизликка йўлиқса, кетма-кет йўлиқаверади” деган тушунчада бўлганларки, мазкур мақол ана шу ҳолат маҳсулидир. Аслида эса, баъзи одамларда бўлиб турадиган бу ҳолат ҳаётий қонуният эмас, балки тасодифий ҳолатдир.

“Камтарга – камол, манманга – завол”. Маълумки, камтарлик инсоннинг энг буюк ахлоқий фазилятларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам жуда кўплаб мақолларда ушбу фазилят кадрланганлигини кўраимиз.

⁹⁵ Шомақсудов Ш., Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. ЎМЭ, –Тошкент, 1990, 145-бет.

Уларда камтарликка юксак баҳо берилади, кишилар жамиятда ўзини камтар, сипо тутиши, манманликка берилмаслиги уқтирилади. Қуйидаги мақолларга эътибор беринг: *“Камтарлик-жасорат тожи”, “Камтарлик одамга хусн беради”, “Камтар бўлсанг, ош кўп. Манман бўлсанг, тош кўп”, “Камтарлик кўкка кўтарар, Манманлик ерга киритар”, “Камтар керилмайди, Мол-дунёга берилмайди”, “Камтар бўлсанг, обрў ортар”, “Манман бўлсанг, энса қотар”*. Демак, бу мақоллар ва афористик иборалар халқимизнинг узок даврлар мобайнида кузатишлари маҳсули сифатида юзага келгандир. Эргаш шоир ушбу мақолни усталик билан сатрларга сингдирган. –Шаҳзода хотини ва болаларини топгач, хотинига қарата қуйидагиларни айтади:

*Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Шукур қилгин давлатингни кам дема,
Бу меҳнатга хафа бўлма, бўйингдан,
Тўранг эсон, сарвинозим, гам ема.*
(“Кунтуғмиш”, 190)

“Айтмасанг, ким билади, очмасанг, ким кўради”. Одамлар орасида одам бирор гапни айтишдан олдин уни роса ўйлаб, мулоҳаза қилиб олиш уқтирилмоқда. Чунки айтилган сўзни қайтариб бўлмайди, айтилдими, у ҳаммага маълум бўлади. Худди, шунингдек, бирор яширинган нарсани очиб кўрсатмасангиз, бошқалар қаёқдан кўради деган маънолар акс эттирилмоқда. Бу мазмун халқ тилидаги бир қанча мақолларда ҳам ўз ифодасини топган: *“Оғиздан чиққан сўз қайтмас”, “Айтмасдан бурун сўзга сен эга, Айтилгандан сўнг сўз сенга эга”*. Кишилар томонидан айтилган ҳар бир сўз – хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ тўғри, хоҳ ёлғон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин уни қайтариб бўлмайди, барчага аён бўлади. Шу мазмунни ифодаловчи қатор мақоллар мавжуд: *“Айтган сўзни ютмоқ бўлмас”, “Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт”, “Оғиздан чиққан сўз қайтмас”* ва бошқалар. Достонда шундай мақол келади: *Азбархўжа айтди: ... Э қаландар, бурунгилар*

айтибди: *“Айтмасанг, ким билади, очмасанг ким кўради”* (“Кунтузмиш”, 187).

“Қочган ёвда қорув йўқ” мақоли бирликка, жамликка чақириш мазмунини ифодаламақда. Кишилар узоқ вақтлар мобайнида кузатишлари натижасида шундай хулосага келганларки, бирлашган, бир ёқадан бош чиқарган жамоа, қўшин, албатта, муваффақиятга эришади. Бирлашмаган эса инкирозга йўл тутаяди, мақсадга эриша олмайди. Юқорида келтирилган мақол ҳам шу маънода қўлланилган. Ваҳоланки, қочаётган ёвда бирикишлик, қоришувлик ўз-ўзидан йўқолади. Бириккан қўшин, яъни рақиб томон осонгина у қўшинни мағлуб қилади. Ўзбек халқ мақоллари сирасида унинг мазмунига тенг келадиган қатор ПБлар мавжуд: *“Куч бирликда”, “Тарқоқлик йўқ бўлса, Душманга ўқ бўлар”, “Тарқоқлик – душманга ўқ”, “Бирлашган куч енгар”, “Бирлашган ёвни қайтарар”, “Бирлашган куч енгилмас”, “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”* ва бошқалар. Достон тилидаги бир жанг тасвирида у қуйидаги мисраларда жуда ўрнида қўлланилган; яъни Моҳибой билан Гуркибойнинг жанг тафсилоти берилган ўринларда:

Юлдуз учгандай бўлди, Қундуз қучгандай бўлди,

Баччаларнинг отлари, Парқин сочгандай бўлди.

Остидаги бедовлар, Қонни кечгандай бўлди,

Арвоқ урди қулларни, Тура қочгандай бўлди.

Оғиздан кўпик сочди, Туриб бузила қочди,

“Қочган ёвда қорув йўқ”, Улканин сайлаб санчди (“Кунтузмиш”, 250).

Юқорида достон тилида қўлланилган мақоллар таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли халқ мақолларини жуда яхши билган, унинг мағзини чаққан ва ўз тилида маҳорат билан қўллай олган. Албатта, шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, шоир халқ мақолларини асар воқеаларига, айрим шахслар характериға мослаб қўллаганда унга ижодий ёндашади. Айрим ўринларда уларнинг асосий мазмунини сақлаган ҳолда шу

мақол мазмунига мос сўзлар қўшади. Айрим ўринларда эса шеърят талабидан келиб чиқиб, мақоллар шаклини биров ўзгартиради.

2. Шаклан достонлар тилида учрайдиган, мантиқан эса ҳозирги ПБларга тенг келадиган ҳикматли иборалар.

“Кунтуғмиш” достони матнининг лингвистик таҳлили шуни кўрсатадики, достон тилида шундай ПБлар қўлланганки, улар тўлиқ оммалашган бўлмаса-да, мақолга тенг мантиқ ифодаланган. Шоир бундай тил бирликларини достончиликка хос услубда усталик билан сингдира олган. Уларни достон тилига, бахши услубига хос лисоний бирликлар деб ҳисоблаш ўринлидир. Масалан: *“Қулоқ сонлар (солинг) бу тўрамнинг тилига, Булбул ошно бўлар богнинг гулига”* (“Кунтуғмиш”, 137), *“Яхши етсин муродга, Ёмон қолсин уятга”* (манба 204), *“Ўлимдан қўрқмоқлик номарднинг иши, Ўламан, деб мард қайтармас тилини”* (“Кунтуғмиш”, 256), *“Яхшиларнинг юзин кўрсанг – жаннатдир, Ёмон одам қилган иши – миннатдир”* (“Кунтуғмиш”, 219), *“Ўлганнинг несин қиласизлар томоша”* (“Кунтуғмиш”, 261), *“Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма, Болам, айтган насиҳатим унутма”* (“Кунтуғмиш”, 240), *“Тушни кўрсанг яхшиликка йўрагин”* (“Кунтуғмиш”, 240) каби.

“Булбул ошно бўлар богнинг гулига”. Бу ПБ шаклан достон тилига хос бўлиб, мантиқан ҳозирги кунда қўлланадиган ва уларнинг мазмунига тенг келадиган тил бирлигидир. Унда ифодаланган мантиқ қуйидаги ўзбек халқ мақолларига тенгдир. Булбул мумтоз адабиётда ҳам, ҳозирги адабиётда ҳам гул шайдоси сифатида қўлланади. Шунингдек, булбул инсонларнинг ҳам энг севимли қушларидан биридир. Шу сабабли ҳам унинг таърифи қатор мақолларда ўз аксини топган: *“Булбулнинг суйгани қизил гул”, “Булбулнинг ишиқи гулда”, “Булбул гулга ошиқ, гул санамга”, “Булбулнинг жойи – бог”, “Булбул гулзорда гўзал”, “Булбул чаманин севар, одам ватанин”* ва бошқалар. Охирги паремада булбулнинг гулга бўлган муҳаббати, инсоннинг ватанига бўлган муҳаббатига ўхшатишмоқда. Достон тилида қўлланилган

ушбу парема булбулнинг гулга шайдолигини ошиқнинг ёрига, маҳбубига бўлган севгиси, муҳаббати рамзи сифатида қўлланмоқда. Кунтуғмиш дарёдан олинган сандиқ ичидан Холбеканинг сурати чиқади. Суратни кўриб, у тушида кўрган қиз, яъни Холбека эканлигини билиб хушидан кетади. “Қушноч қирқ йигитни ҳозир қилиб, бир-икки-уч пиёла шаробни тўрага ичиради. Тўра кўзини очиб қараса, қирқ йигити йиғлаб, ўртага олиб ўтирибди. Тўра ишқ дардини пинҳон тутолмай, йигитларга қараб бир сўз айтиб турибди:

*Бекларим, қилманглар бағримни кабоб,
Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб,
Эртароқ подшодан олинглар жавоб,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.
Қулоқ сонглар бу тўранинг тилига,
Булбул ошно бўлар бознинг гулига,
Ўзларинг чоғланглар зангор йўлига,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир (“Кунтуғмиш”, 137).*

Бу ўринда Кунтуғмишнинг Холбекага бўлган муҳаббати, севгиси булбулнинг гулга бўлган муҳаббати рамзи сифатида қўлланилмоқда.

“Яхши етсин муродга, ёмон қолсин уятга”. Ушбу ПБ ҳам шаклан дoston тилига, мантиқан халқ тилида қўлланувчи тил бирликлари намунаси дир. Ушбу ПБ қўлланилиши жиҳатидан жуда қадимий бўлган халқ мақоллари мазмунига тенг келади. Чунки қадимдан инсоният яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги хусусиятларни фарқлаган, уларга ўз муносабатини билдириб келишган. Бу мантиқий хулосани ифодалаш учун қуйидаги мақоллар халқ орасида доимо қўлланган ва бугун ҳам кенг истеъмолда: “Яхши билан юрдим, етдим муродга; ёмон билан юрдим қолдим уятга”, “Яхши билан юрсанг, етарсан узоққа; ёмон билан юрсанг, тушарсан тузоққа”, “Яхши билан йўлдош бўлсанг, ишинг битар; ёмон билан йўлдош

бўлсанг, бошинг кетар”, “Яхши битирар, ёмон йитирар”, “Яхшилик тўрға элтар, ёмонлик гўрға”, “Яхшидан – вафо, Ёмондан – жафо” каби.

Бу мақоллар халқимизнинг узоқ кузатишлари хулосаси, натижаси сифатида юзага келганлиги кўриниб турибди. Бу мақоллар мазмуни кишиларнинг жамиятда ўзларини қандай тутиши юзасидан таълим берар экан, одамларга яхшилик қилиш зарурлигини қайта-қайта уқтиради, чунки яхшилик яхши истак, муродлар амалга ошишининг гарови эканлиги, ёмонлик эса кишиларни ёмон оқибатларга олиб келишини, ёмонлар истаган ният амалга ошмаслигини, ёмонларнинг муроди ҳосил бўлмаслигини таъкидлаш орқали кишиларни ёмонликдан қайтаришни ният қилади. Бахши дostonни яқунланганлигини, Кунтуғмиш ва Холбекалар мурод-мақсадига етганлигини билдириш мақсадида, яхшилик ҳамиша яхши натижалар билан яқунланишига хайрихоҳлик билдириш ниятида дostonни қўйидаги мисралар билан яқунлайди:

“Яхши етсин муродга, Ёмон қолсин уятга,

Ёмон фақир не қипти, У ҳам етсин муродга” (“Кунтуғмиш”, 264).

“Ўлганнинг несин қиласизлар томоша”. Дoston тилида қўлланилган, айнан дoston тилига хосланган ПБларни кўриб, шоирнинг ҳаёт тажрибаси нақадар катталиги, кишилар турмуш тарзи ва хулқ-атворини нақадар яхши билишининг гувоҳи бўламиз. Шу сабабли дoston воқеаларини куйлар экан, беихтиёр равишда ўз ҳаётий тажрибалари ва кузатишларидан келиб чиқиб, бутун оммага тегишли, мақол даражасидаги лисоний бирликларни ижодий қўллай олган. Албатта, шоир ижодида қўлланилган ушбу мақол даражасидаги ҳикматли ибора мазмуни халқ мақолларида ҳам ўз ифодасини топган. Мақоллар тўпламларидаги шоир қўллаган мақол мазмунини ифодаловчи қўйидаги мақолларга эътибор беринг: *“Ўлганнинг устига чиқиб тепган”, “Ўлганнинг устига кўмган”, “Ўлганнинг устига ўн таёқ”, “Ўлган отнинг тақасини қидиради”, “Ўлдиргани – бир сари, Тепгани – бир сари”* ва бошқалар.

Ушбу мақолларнинг барчаси ҳаётий тажрибалари, турмуш билан боғлиқ ходисалар натижаси сифатида юзага келгандир. Кишилар ҳаётида баъзан шундай ҳоллар бўладики, киши ўлгудай қийналиб, қариб-чарчаб, аҳволи танг бўлиб турган бир пайтда бошқа бир одам келиб, уни баттар бир қийинроқ аҳволга солиб қўяди. Уни юпатиш, тинчлантириш, ҳамдард бўлиш, кўнглини овлаш, ёрдам қўлини чўзиш ўрнига, дилига озор беради, ҳақоратлайди, сўқади, асабини бузади. Шундай ҳолларда унинг аҳволига ачинган баъзи кимсалар юқоридаги мақолни эслатадилар.

Биз ўрганаётган дoston матнида ҳам юқоридаги мақол жуда ўринли ва таъсирли қўлланилганини кўрамиз. Жаллодлар Гуркибойни дорга осаётган эпизодда боласи анча йиллардан буён етимликда сарсон-саргардон бўлганлиги, энди эса ўз отаси томонидан осилаётганини сезиб қолади: “Анда Кунтуғмиш тўра тахтидан тушиб, ақлидан адашиб, нима қиларини билмай шошиб, чошиб дорнинг остига келса, томошабин зич-тўп бўлиб турибди, йўл бермайди. Шунда тўра зор йиғлаб, томошабинларга қараб, қоч, деб бир сўз деди:

*Болам кепти неча тоғлардан оша,
Икки зулфи гардонига яраша,
Пўшт-а, пўшт, томошабин жонларим,
Ўлганнинг несин қиласизлар томоша.
Қўлдан кетиб давр илан давронларим,
Вайрон бўлиб кўшк ила айвонларим,
Ўлганнинг несин қиласизлар томоша,
Йўл беринглар томошабин жонларим
Боламнинг олдида мен дод айлайин,
Ўз ҳолима неча фарёд айлайин,
Ўлганнинг несин қиласизлар томоша,
Қочинглар боламни озод айлайин” (“Кунтуғмиш”, 261).*

“Яхшиларнинг юзин кўрсанг – жаннатдир, Ёмон одам қилган иши – миннатдир”. Халқимизда яхшилик ва эзгулик, ёмонлик ва унинг оқибатлари акс этган ўнлаб мақоллар мавжуд. Достон тилидан келтирилган мақол шаклан халқимиз тилида қўлланадиган мақоллардан фарқ қилса-да, мантиқан жуда кўп мақоллар мазмунига мос келади. Масалан: *“Яхшини кўрмоқ-жаннат”, “Яхшининг қалби қуёш”, “Яхшининг шарофати тегар ҳар ерда, Ёмоннинг касофати тегар тор ерда”, “Яхши – ой билан кундай, Оламга бирдай”, “Яхшининг сўзи кафил, ёмоннинг ўзи кафил”, “Яхшининг сўзи – қаймоқ, Ёмоннинг сўзи – тўқмоқ”, “Яхшига айтсанг – уқар, ёмонга айтсанг – кулар”, “Яхши топиб сўзлар, ёмон қошиб”, “Яхшилик – нур келтирур, ёмонлик – зулмат”* ва бошқалар.

Бахши, юқорида таъкидлаганимиздек, яхшилик ва ёмонлик акс этган истеъмолдаги паремалардан эмас, балки “яхшилик ва ёмонлик” мавзусига ижодий ёндашади ва ўзига хос мақол вариантини яратади, уларни матнга маҳорат билан олиб киради. Достондан олинган қуйидаги парчага эътибор қаратсак: “Анда Гуркибой меҳри тоблаб, укасига қараб, яхши гапириб, аччиқланмай жавоб бергин деб турибди:

*Яхшиларнинг юзин кўрсанг – жаннатдир,
Ёмон одам қилган иши – миннатдир,
Аччиқланмай жавоб бергин, чирогим,
От сўрамоқ, зот сўрамоқ – суннатдир.
Жавоб бер, сўрайман, укам, отингни,
Баён бергин ўсган мамлакатингни,
От сўрамоқ, зот сўрамоқ – суннатдир,
Отанг ким, энанг ким, айтгин отингни”* (“Кунтуғмиш”, 219-220).

“Тушни кўрсанг, яхшиликка йўрагин” (“Кунтуғмиш”, 240). Ушбу ҳикматли ибора ҳам шаклан достон тилига хос бўлса ҳам, мантиқан халқ мақолларига тенгдир. Бахши бу мантиқни қуйидаги шеърӣ мисраларга

маҳорат билан сингдира олган: *“Моҳибой жангга отланаётган пайтда онаси Холбека ойим унга қараб қуйидагиларни айтади:*

Заррин рўмолингни бошига ўрагин,

Тушни кўрсанг яхшиликка йўрагин,

Лашкар қилиб мен келарман олтойда (олти ойда),

Олти ойдан кай (кейин) кунда йўлга қарагин” (*“Кунтуғмиш”*, 240).

Ўзбек тили паремиологияларига оид адабиёт ва луғатларда ибора мазмунини акс эттирувчи қуйидаги мақолларни кўришимиз мумкин: *“Туши ўнгининг иши ўнг”*, *“Тушни ҳазилкаш кишига айтма”*, *“Тушга нималар кирмайди, кўнгилга нималар келмайди”*, *“Ақлли ишига ишонади, ахлоқ тушига”*. Туш ҳақида халқимизда кўплаб ривоят ва афсоналар мавжуд. Мақолларда ҳам шу нарса акс этган. Лекин кўпгина мақоллар мазмуни тушга ишонмасликка, туш кўрган тақдирда ҳам уни яхшиликка йўйиш лозимлиги таъкидланади.

Достон тилида Холбеканинг ўғли Моҳибойга қаратилган сўзлари уни эҳтиёт бўлишга, ҳар нарсага ҳам ишонавермасликка, огоҳликка чақирмоқда.

“Ўзингдан настларман ҳар йўлга кетма, Болам, айтган насиҳатим унутма” (240). Ушбу парема ҳам шаклан достон тилига хос бўлиб, ундаги мазмун луғатлардаги паремалар мазмунига тенгдир: *“Тенг-тенги билан, бугдой қопи билан, “Тенг этмай дуч этмас, ўхшатмай учратмас”*. Ушбу мақоллар мазмуни орқали *“сен ўзингга тенг бўлган, сенининг дунёқарашинг ва обрўйингга мос бўлган, сени тушунадиган, ҳар қандай ҳолатда сени ташлаб ёки сотиб кетмайдиган, умуман, ишонса бўладиган дўстлар билан юр, адашиб ёмон аҳволга тушиб қолма”* деган панд-насиҳат ифодаланмоқда. Ўзингга тенг, ўзингга муносиб кишилар билан мулоқотда бўлиш лозимлиги уқтирилмоқда. Бу мақол кўпгина ҳолларда кексалар, тажрибали шахслар томонидан фарзандларига, ёшларга қарата айтилади. Достон тилида ҳам шундай мақсадда қўлланганлигини кўраимиз.

Холбека фарзандларини жангга жўнатар экан, фарзандлари ундан йўлга чиқишга оқ фотиҳа беришини сўрайди: “Анда Холбека бечора болаларига қараб бир сўз деди:

*Фалакнинг ишидан минг дод айлайин,
Ёлбориб Ҳаққа муножат айлайин,
Бир фаслга отни сақла, Моҳижон
Тўхта болам, бир насиҳат айлайин.
Эшитиб ил энанг шўрнинг арзини,
Сарғайтмасин қизил гулдай тарзини,
Ҳар нафасда гофил бўлма Худодан,
Зинҳор қўйма суннатини, фарзини.
Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма,
Болам, айтган насиҳатим унутма,
Олдингдан ким чиқса, саломсиз ўтма,
Бир ғарибни кўрсанг зинҳор оғритма,
Насиҳатим қабул қилгин, Моҳижон,
Зинҳор манманликнинг йўлини тутма” (“Кунтуғмиш”,
240).*

Юқорида келтирилган матнларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда мақоллар мазмунига тенг келадиган бир неча фикрларни илғаш мумкин. Мақолларнинг асосий қисми ўғит, панд-насиҳат, огоҳлик ва эҳтиёткорлик, яхшилик, камтарлик каби хислатларни улуғлаш ва унинг зиди бўлган хислатлардан қочишликни таъкидлайди. Достондан келтирилган парчада худди шундай ижобий хислатларни тарғиб қиладиган мақол даражасидаги тил бирликларининг мавжудлигини кўрамыз: “Ҳар нафасда гофил бўлманг Худодан, Зинҳор қўйма суннатини, фарзини”, “Бир ғарибни кўрсанг зинҳор оғритма”, “Зинҳор манманликнинг йўлини тутма” каби.

“Ўлимдан кўрқмоқлик номарднинг иши, Ўламан деб мард қайтармас тилини” (“Кунтуғмиш”, 256). Бу паремиологик бирлик ҳам халқ тилида

турли шаклларда фойдаланиб келинмоқда. Халқимиз мардлик-номардлик мавзусида юзлаб мақол ва ҳикматли ибораларни қўллаб келмоқда. Достондаги тил бирлиги англатаётган мазмун тилимиздаги қуйидаги мақолларга мантиқан тўғри келади: *“Мард бир сўзлайди, номард минг”*, *“Мард айтмас, айтса қайтмас”*, *“Мард оро билан сўзлар, Номард – пора билан”*, *“Ўламан деб мард қавлидан тоярми?!”, “Мард айтмас, айтса қайтмас”*.

Юқоридаги мақол ва афоризмларга эътибор қаратадиган бўлсак, мард берган ваъдасини, яъни элга, халққа, қавмига, ёрга берган ваъдаси ва сўзидан бошига мушкул савдо тушганда ҳам, ўлим хавфи бўлганда ҳам қайтмаслиги каби фазилятлар акс этган.

Достон тилидаги ушбу паремиологик бирликларни бахшининг ижодий репертуарига тегишли ҳикматли иборалар деб ҳисоблаш мумкин. Бу табиий ҳол. Чунки достонларни халқ яратар экан, унда халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ хулосалари умумлашган ҳолда қуйма бирликларга айланиб боради. Лекин бу жараёнда уларга ижодий ёндашувчи бахшиларнинг хизмати каттадир. Шу сабабли ҳам достонлар тилига хосланган, бахши тилига хосланган паремиологик бирликларни тўплаш, уларни мавзуй гуруҳларга ажратиб, паремиологик бирликларнинг изоҳли луғатларини тузиш тилшунослигимизга катта ҳисса қўшиши мумкин. Бу жараёнда, Эргаш Жуманбулбул каби саводли бахшиларнинг асарлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Достон тилига индивидуал хосланган ПБлар

Достон тилида шундай қуйма иборалар учрайдики, уларни шоирнинг ўз кузатишлари ва ижодий изланишлари натижаси сифатида яратилган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бундай тил бирликларида чуқур мазмун ва мантиқий хулосаларни илғаш мумкин. Уларнинг баъзилари диний эътиқодларга қаратилганини ҳам кўраемиз. *“Хон газаби – худо газаби”* (*“Кунтуғмиш”*, 256), *“Барчани яратган Холиқ, Луқманинг ҳалоли балиқ”*

(“Кунтуғмиш”, 232), “*Ҳақ сақласа бало йўқ, Ҳақ қарғаса даво йўқ*” (“Кунтуғмиш”, 168), “*Гоҳ туш шайтоний, гоҳи Раҳмоний, Чап чиқар сипойи бўлган кишига*” (“Кунтуғмиш”, 193), “*Савдо тушар мард ўғлоннинг бошига, Дўсту-душман келар марднинг қошига*” (“Кунтуғмиш”, 193), “*Омонат, санамжон, одамнинг жони, Қиличдан сесканмас ботирнинг тани*” (“Кунтуғмиш”, 160), “*Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб*” (“Кунтуғмиш”, 137) ва бошқалар.

“*Ҳақ сақласа бало йўқ, Ҳақ қарғаса даво йўқ*”. Бу ўринда “Ҳақ” Оллоҳ рамзида берилмоқда. Чунки яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам Оллоҳнинг кароматидан деб биламиз. Лекин бу ўринда инсоннинг бошига тушадиган яхшилиғу ёмонлиқлар унинг ўзига боғлиқлиги таъкидланмоқда. Яъни кишиларга яхшилиқ қилган, уларнинг яхши-ёмон кунларидан хабардор бўлиб турган шахсни халқ ҳимоя қилади, офату балолардан сақлайди, халқ қарғишига қолган киши эса иши ўнгидан келмай турли балоларга дучор бўлиши таъкидланмоқда. Чунки халқимизда “*Халқ сўзи – денгиз тўлқини*”, “*Халқ сўзи – ҳақ сўзи*”, “*Халққа суянсанг – бўласан, халқдан чиқсанг – сўласан*” деган мақоллар мавжуд бўлиб, дoston тилида қўлланилган ПБга мантқан тўғри келмоқда. “*Халқ тинчлигини бузган омон қолмас, халқ тинчлигин тузган – яшаб толмас*” мақоли эса юқоридаги мақол тасдиғидир.

Дoston тилидаги ҳикматли тил бирликларида катта, хулосавий мантқиқ яширинган. Ушбу тил бирликлари сабаб, баҳона ва натижа мазмунлари ифодаланмоқда. Ўзбек халқ мақоллари луғат ва тўпламларида шу ва шунга яқин мазмун ифодаловчи қатор мақолларни кўришимиз мумкин: “*Девор йиқилмай, хандақ тўлмас*”, “*Бола йиғламаса, она сут бермас*”, “*Сув эриса, сув бўлар, сув совиса, муз бўлар*”, “*Какиллаган товуқ туғмай қўймас, Гувиллаган олов ёнмай қўймас*”, “*Йиғлаган билан ўлик тирилмас, Ямаган билан чирик тикилмас*”, “*Кўп отган билан мерган бўлмас, Кўп айтган билан чечан бўлмас*”, “*Ер товсиз (тоғ) бўлмас, эл довсиз*”, “*Кўп огиз бир бўлса, Бир огиз энгилар*”.

Достон тилидаги куйма бирликларда халқ мақолларида ифодаланган мантиқий хулосалар жамланган. Достон куйловчиси яшаган ҳудуд, элининг шуғулланадиган соҳаси (чорвадорлик) узок даврлар давомидаги кузатишлар шоир тилида шеърӣй ҳикматли ибораларнинг шаклланишига олиб келган. Масалан, даштда ҳамма томон ўт-ўлан билан қопланган қир-адирларда йўл топиш қийин бўлган. Чорва моллари ўтган ҳудудлар эса ишончли ўтадиган йўлларга айланган. Демак, чорвадорлар ўтдими, у ердан инсонлар ўтишига ҳам имкон яратилади. Айрим сабаб, баҳоналар яхши ёки ёмон ҳодисаларни юзага келтиради. Албатта, бу ҳаётӣй ҳақиқат, масалан, “Бола йиғламаса, она сут бермас” мақоли бунинг исботидир. Шунингдек, ҳар қандай кўл атрофида сўна, сўқир ва бошқа пашшаларнинг бўлиши табиӣй.

Достон тилида ҳам ушбу ҳикматли ибора бўлаётган воқеаларни аниқ ифодалашга хизмат қилмоқда. Масалан, Кунтуғмиш тўра Холбекани ўйинда ютади ва унга эга бўлади. Холбекани уч кундан буён ўз кўшида кўрмаган подшо ундан хабар олиш учун навкарларини юборади. Ширин уйқуда ётган тўра ва Холбека бундан огоҳ бўлишади: “Алқисса, тўра ҳам уйғониб қараса, тўрт юз мирғазаб, икки юз жаллод, Ҳайбат болтаси кўлида, кескир ханжари белида келиб қолибди. Тўра айтди: – Э, Холбекажон, дунёга келмоқдан мурод – ўлмоқ; боғана (боя) сени олмай ўлиб кетганимда, юрагимда от бошидай армон кетар эди, алҳол бир кун ҳам бўлса, бир йил ҳам бўлса, минг йил ҳам бўлса, олдим, мақсадимга етдим, дунёдан армоним йўқ. Энди, шу ёмоннинг кўлида ўлгунча, худонинг йўлида ўлсам бўлмасми? Холбека: – Мен ҳам қабул қилдим, – деб иккови бир-бировини қўлма-қўл ушлаб, кучоқлашиб, кўшқдан ўзини ташлаб юборди. “Ҳақ сақласа бало йўқ, ҳақ қарғаса даво йўқ”, ўтнинг ичида пахтани сақлайди. Икковининг ҳам кўйлагига шамол кириб, мисли қанотдай бўлиб, беозор, сихат ва саломат ерга тушди” (“*Кунтуғмиш*”, 164-165). Демак бу ўринда яхшилар ҳамиша Оллоҳ назарида, эл, халқ назарида деган маънолар ифодаланмоқда. Шу ўринда “ўтнинг ичида пахтани сақлайди” жумласи ҳам мавжудки, бу яхшилик ҳеч

качон унутилмаслиги, эъозланиши, улар инсонлар қалбида ўчмас из қолдириши бадий ифодаланмоқда.

Достон тилидаги бир ҳолатда ушбу мақол ўринли қўлланганини кўрамиз. Кунтуғмиш аввал Азбархўжа билан дўст бўлади. Кейин эса унинг феъли айниб, Кунтуғмишни ўлдириб. Холбекани олиб кетиб, подшога тортиқ қилишни режалаштиради. Буни сезиб қолган Холбека “дўсти” (Азбархўжа)нинг олдига шошилаётган бир пайтда Холбека “тўхта”, деб бир сўз дейди:

Шу карвоннинг дўстликлари гумондир,

Асли душман, сенга ҳасми ёмондир,

Эртароқ отлангин, йўлинг хатарли,

Сенинг йўлинг очиқ эмас, тумандир” (“Кунтуғмиш”, 192).

“Омонат Санамжон, одамнинг жони, Қиличдан сесканмас ботирнинг тани”. Ушбу тил бирлиги ҳам индивидуал ижод маҳсули сифатида юзага келган. Ботирлик, мардлик, жўмардлик, эрлик каби инсоний хусусиятлар азалдан халқимиз томонидан улуғланиб келинган. Бу мавзуга бағишланган юзлаб афористик иборалар майдонга келган. Шоир шулардан хулоса чиқарган ҳолда, ўз тилида шу ғояни достон услубига мос жумлаларда акс эттиришга жазм қилган. Холбеканинг шарти – ким у билан нард ўйнаб ютса, ўшанга тегиш, уттирса (ютқазса) ўлимга ҳукм қилиш эди. “Кунтуғмиш тўра Холбеканинг жамолини кўриб, юз шавқи-завқи билан кўнгил бериб, Холбеканинг бу вазоҳатига ҳайрон қилиб, ҳуснига мойил бўлиб, одамни ўлдирадиган жаллод қизларинг қайси? – деб, баҳодирлик томирлари ҳаракатга келиб, аёл деган кишининг кўлидан нима келади, – деб Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Санинг дунёнг барча қўлдан ўтарми,

Кўйсин ўлим, барчани йиғлатарми,

Уч ойчалик йўлдан бир ёр излаб келиб,

Ўламан, деб ёрин кўрмай кетарми.

*Оҳ уриб тўкканман кўздан ёшимни,
 Мард ўғлонман, Ҳақ ўнгарсин ишимни,
 Нўғайдан от миниб сенга чиққанда,
 Йўлингга дов деган ёлғиз бошимни.
 Омонат, санамжон, одамнинг жони,
 Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,
 Жондан кечмай бу ерларга келмайди,
 Ўлимдан кўрқади, деб айтмагин мани...
 Ўзим ёлғиз, ҳеч кимим йўқ қошима,
 Ким раҳм этар кўздан оққан ёшима,
 Ўламан, деб мард талабдан қайтмайди,
 Сеникидай лачагим (бош ўрови) йўқ бошимда” (“Кунтуғмиш”,
 160)*

Кунтуғмишнинг сўзларидан ўлимдан кўркмаслиги, ўз сўздан қайтмаслиги, ўлимдан кўркиб ўз аҳдида қаттиқ туриши каби ижобий хусусиятлар акс этмоқда. Бу эса халқимиз тилида қўлланувчи қатор мақоллар мазмунида ҳам акс этгандир: “Мард сўздан қайтмас, йўлбарс – изидан”, “Ботирдан яхши иш қолади, донодан – яхши сўз”, “Ботир жангда билинар, доно – мажлисда”, “Олтин ўтда билинади, ботир – майдонда”, “Мерган овда билинар, ботир – ёвда”, “Ботирлик шаҳар олар”, “Мард йўлида гов бўлмас”, “Ёвни чопмоқ – марднинг иши, Ўлимдан кўркмоқ номарднинг иши” ва бошқалар.

Юқорида дoston тилидан келтирилган парчада ҳам худди шундай мазмунлар ўз ифодасини топган, яъни ўламан деб ўз сўздан қайтмаслиги, севгисидан воз кечмаслиги, қиличдан сесканмаслиги, юрти деб, ватани деб ўлимга ҳам тик бориши каби ижобий хислатлар сингдирилган.

“Ўзбекнинг булбули” деб тан олинган Эргаш Жуманбулбул ўғли ўзининг бой ва мазмунли дostonлари билан халқ оғзаки ижоди меросимизни бойитишга улкан ҳисса қўшган шоир, бахшидир. Унинг дostonлари орқали

Ўтмиш ота-боболаримизнинг бутун турмуш тарзи, орзу-умидлари, қаҳрамонликлари, урф-одатлари бизгача етиб келган бўлса, улар кенг оммага ёйилиши халқимиз дилига жо бўлишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Шоирнинг дostonлари орқали тилимизнинг улкан имкониятлари намоён бўлди, халқ тилининг сайқалланишига сабаб бўлувчи грамматик ўзгаришлар юзага келди. Шунингдек, халқимиз томонидан минг йиллар давомида яратилиб, қўлланиб келинаётган тил бирликлари, жумладан, халқ мақолларининг юксак намуналари бизгача етиб келди. Бундан ташқари, Эргаш шоир ўз ҳаётий кузатишлари натижаси сифатида қатор ҳикматли иборалар яратди ва бу билан ўзбек тили паремиологик бирликлари миқдорининг ошишига улкан ҳисса қўшди.

Боб бўйича хулосалар

1. Паремиологик бирликлар (мақоллар, афористик иборалар) маълум бир халқнинг кўп асрлик тажрибалари, кундалик, доимий кузатишлари хулосасини тугал фикр тарзида, қатъий қутбийликда тугал ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади.

2. Паремиологик бирликлар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида адабиётшунослик фани объекти ҳисобланади. Чунки мақолларнинг кўпчилиги шеърӣ шаклда бўлиб, уларда шеърӣятга хос бадий тасвир воситалари – ўхшатиш, таққослаш (антитеза), параллелизм, қофиялаш, киноя, пичинг кабилар қўлланган бўлади

3. Паремиологик бирликлар сўзлардан ташкил топиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлганлиги учун тилшунослик фанининг ҳам ўрганиш объектидир, чунки улар сўзлардан ҳосил бўлишига кўра оддий гапларга ўхшаса ҳам, мазмуни, тузилиши, таркиби, интонация ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан гаплардан бироз фарқланиб туради.

4. Паремнологик бирликлар маълум бир даврнинг ҳаётӣ хулосалари натижаси сифатида юзага келади ва тилдан-тилга ўтиб сайқаллашиб боради. Маълум бир ўткинчи давр учун хос бўлган айрим мақол ва маталлар эскириши ва истеъмолдан чиқиб кетиши мумкин.

5. Маълумки, мақол ва маталлар фольклоршуносликда жанр матнлари сифатида кенг ўрганилган. Уларни тилшуносликда, хусусан, лингвокультурологияда ўрганиш энди бошланмоқда.

6. Биз текшириш объекти қилиб олган “Кунтуғмиш” достони тилида қўлланилган паремнологик бирликларнинг лингвомаданий таҳлили алоҳида ўрганилмаган. Ваҳоланки, ушбу мавзунини тадқиқ этиш тилшунослик учун айрим хулосалар чиқаришга имкон яратиши мумкин.

7. Достонлар тилига хосланган, баҳши тилига хосланган паремнологик бирликларни тўплаш, уларни мавзуй гуруҳларга ажратиб, паремнологик бирликларнинг изоҳли луғатларини тузиш тилшунослигимизга катта ҳисса қўшади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари тилининг структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатларини ўрганиш юзасидан муайян ютуқларга эришилди. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида халқ достонлари тилини лингвомаданиятшунослик, когнитив ва прагмалингвистик жиҳатдан ўрганишга кенг йул очиб берилди.

2. Халқ достонлари тилида миллатнинг лингвомаданий белгиси акс этади. Достонлар тилида қўлланилган лексик ва фразеологик birlikлар маданият кодлари ҳисобланади. Халқ достонлари тилида халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари ва қаҳрамонликларини, урф-одатларини ифодалайдиган лингвокультуремалар яшайди ва улар авлоддан-авлодга маданий код сифатида хизмат қилади.

3. Достонларнинг лексик-фразеологик бойлиги бевосита халқнинг ижтимоий ҳаёти ва тарихий воқеалари билан боғлиқ. Этник маросим, урф одат ва анъаналарни акс эттиради, шунингдек, шахс ёки нарса, ҳодиса тавсифида қўлланилганда, шу шахс ёки нарсанинг ташқи кўриниши, белги хусусиятини, миллий ва этник белгилари ифодаланади.

4. Халқ достонлари тилининг лингвомаданий хусусиятларини ўрганишда лингвомаданий ва этнолингвомаданий кодларга эътибор қаратилиб, тил бирлигининг муайян миллатга этник тегишлилиги аниқланади. Шу маънода достонлар тилидаги лингвокультуремаларни: 1) менталитетни ифодаловчи; 2) маданий хусусиятни акс эттирувчи; 3) диний эътиқод билан боғлиқ; 4) ирим-сиримларга оид; 5) географик ҳудудни англатувчи; 6) тараққиётни акс эттирувчи лексик-фразеологик birlikларни тасвирлаш имконини беради.

5. Достонлар тилидаги лексик ва фразеологик birlikлар ўзбек халқининг табиати, тафаккури, дунёқараши, руҳияти ва менталитетининг лисоний акси, бу миллатнинг нарса-ҳодиса, белги-хусусият ва ҳаракат-ҳолат

хақидаги тушунчаларни образли аташ маҳсули ўлароқ ҳосил бўлган. Рамз эса ташқи дунёнинг турли маданият вакиллари ички дунёси, онги, тафаккури ва руҳиятдаги ифодаси бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида кенг очиб берилади.

6. Халқ оғзаки ижоди тилида умумхалқ тилнинг бой ва ранг-баранг томонлари ўз ифодасини топган. Фольклор асарлари тили ўзларининг соддалиги, бойлиги, кенг оммага тушунарли бўлиши, равонлиги, мазмундорлиги халқ тилига хос хилма-хил тил элементларининг ишлатилиши илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

7. Халқ оғзаки асарлари тилида турли услубга хос тил элементлари ва тафаккур даражасини белгилаб берувчи тушунчалар, яъни стереотиплар кўплаб учрайди. Стереотип-кишилар ҳақидаги кескин, кўпинча, юзаки тасаввур. Биз умумиятда юзакиликка мойил бўлганимиз учун ҳам бошқа инсонларнинг хулқ-атворини олдиндан кўриш мақсадида стереотипларни шакллантиришга асос бўлган.

8. Достонлар тилининг лексик-фразеологик хусусиятларини ўрганиш натижасида достонлар тили бошқа халқ оғзаки ижоди асарлари каби халқ тилининг бой имкониятларини ўзида акс эттиргани билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар бир лингвомаданиятда шу халқнинг менталитетини, унинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини акс эттирувчи турғун ўхшатишлар мавжуд бўлади ва уларнинг ўзига хослигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

9. Достон тилида синоним, антоним, омоним сўзларнинг ранг-баранг хусусиятлари ўз ифодасини топган. Бундай сўзлар халқ оғзаки ижодида мазмун муносабати ўрганилганда адабий тил муносабатига кўра ҳам ифода этишга хизмат қилади.

10. Достон тилида кўлланилган антоним сўзлар ўзига хос хусусиятлари билан адабий тилдаги сўзлардан фарқланади. Бунда адабий тилдаги сўзлар билан оддий сўзлашув, эскирган диалектал сўзларнинг антонимлиги ҳодисаси муҳим ўрин тутади. Халқ достонларида омоним

сўзлар синоним ва антонимларга нисбатан кам қўлланилган. Демак, омоним сўзларнинг қўлланиши дostonлар тили учун типик ҳолат эмас.

11. Dostonлар тилини лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилиш, умумий хулосалар чиқариш тилшунослик фани учун қимматли материаллар беради ҳамда лисоний ва маданий маъно бирикувидан таркиб топган бирлик, яъни лингвокультуремани ташкил этади. Лингвомаданий бирликларга фразеологизмлар, рамзлар, метафоралар, турғун ўхшатишлар, урф-одат ва маросимга доир сўзлар, миллий реалиялар, архетиплар, мифологемалар ва ҳ.к. мисол бўла олади. Улар нафақат ўзбек тилининг лексик ва фразеологик фондини бойитишга, балки ўзбек диалектологияси, тил тарихининг айрим муаммоли томонларини ойдинлаштиришга, қолаверса, фольклор асарлари тилига хосланган паремиологик ва фразеологик бирликлар мезонини аниқлашга муносиб хизмат қилади.

12. Реалиялар қайси маданият ва тилда пайдо бўлган бўлса, ўша халқнинг кадр-қиммати ҳисобланади. Реалия – ўрганилаётган тилдаги предмет ва ҳодисалар тарихи, маданияти, иқтисодиёти ва турмуш тарзини англатувчи сўзлардир. Dostonлар тилига хосланган паремеологик бирликларларда учрайдиган бундай тушунчаларни алоҳида тадқиқот сифатида текшириш тилшунослик учун ноёб материаллар бериши шубҳасиз.

13. Ўзбек халқ достони тилида анъанага кўра асрлар оша сайқалланиб келинаётган паремиологик бирликлар бир ёки бир неча дostonлардагина учраб, функционал жиҳатдан чегараланган бўлади ҳамда халқ маталлари, мақоллари силсиласи бир неча иқтидорли бахшилар томонидан яратилган афористик сатрлар, ҳикматлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.// –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон Фармони // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармони // www.lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019. 7 апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон Фармони // www.lex.uz

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон Фармони // www.lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги Фармони // www.xabar.uz.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576 сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни // www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишланган анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, 2021. 1 сентябрь.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.// –Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Махсус адабиётлар

12. Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари: Монография. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 118 б.

13. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. –Тошкент: Фан, 1971. – 184 б.

14. Абдурахмонов Ғ. Атамаология муаммолари // Ўзбек тили атамаологияси ва унинг таракқиёт перспективалари. –Тошкент: Фан, 1984.– 160 б.

15. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –Москва: Флинта.Наука, 2010. – 288 с.

16. Алимжанова. Г.М.Сопоставительная фразеология. –Алма-Ата: Мир языка, 1999. – 465 с.

17. Ашуров Т. Ўзбек халқ дostonларида сатира ва юмор. –Тошкент: Фан, 1974. 56-б.

18. Бектемиров Х. Чорвачилик атамаологияси ва ундаги ҳар хилликлар // Ўзбек тили атамаологияси. Бюллетень 1 Чиқарув. –Тошкент: Фан, 1987.– 122 б.

19. Бозорова Д. Ўзбек тилида от рангларини ифодаловчи атамалар // Ўзбек атамаологияси ва унинг таракқиёт перспективалари. –Тошкент: Фан, 1986.– 165 б.
20. Дониёров Х. Қипчоқ шеваларини ўрганишда халқ дostonларининг роли // Ўзбек халқ ижоди. –Тошкент: Фан, 1967.– 178 б.
21. Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. –Воронеж: ВГУ, 1996. – 330 с.
22. Байбурун А.К. Семиотические аспекты функционирования вещей// Этнографическое изучение знаков средств культуры. –Ленинград: Наука, 1989. –С.72.
23. Болтаева И. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати — Тошкент: Мерос, 2002. – 108 б.
24. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари.Т.:- Фан,1974.-148 б.
25. Воҳидов Э. Сўз латофати. Тошкент: “Ozbekiston”, 2018–216 б.
26. Uluqov N. “Tilshunoslik nazariyasi” Toshkent-2016. – 190 b
27. Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. – Москва: Изд. РУДН, 1997. –С. 332.
28. Дадабоев Х. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. –Тошкент: 2007.– 22 б.
29. Дониёров Х. Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стил. –Тошкент: Фан, 1988.– 268 б.
30. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. –Тошкент: Фан, 1968.– 98 б.
31. Дониёров Х. Халқ дostonлари тили ва қипчоқ шеваларининг адабий тилимизга муносабати // СамДУ профессор-ўқитувчиларининг XXIV илмий-назарий конференцияси материаллари. Филология серияси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1969. – Б. 14-19.

32. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти. – Тошкент: 1994. – 188 б.
33. Ёрматов И. Ўзбек халқ эпоси бадиияти (“Алпомиш” достони асосида). Филология фанлари доктори илмий даража учун ёзилган дисс. –Тошкент: 1993. – 250 б.
34. Жаббор Эшонқул. “Алпомиш” достони ва “Дада Қўрқут китоби” даги тутқунлик мотивининг қиёсий таҳлили” (“Алпомиш” –ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” тўплами). –Тошкент: “Фан”, 1999. – 167 б.
35. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский героический эпос. – Москва: Пос-Политиздат, 1947. 520 с.
36. Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” достонидаги Топонимлар ва уларнинг таркибий қисмлари // Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш омиллари (илмий мақолалар тўплам). – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 34-36.
37. Жуманазарова Г.У. Достон лексикасидаги фразеологизмлар ва афоризмларнинг ўзаро муносабати // Илм шарчашмалари. – Урганч, 2007. 4-сон. – Б.61-63.
38. Жуманазарова Г.У. Фозил шоир достонлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. –Тошкент: Тафаккур, 2012. –Б. 109.
39. Жуманазаров У., Жуманазарова Г. Халқ достонлари тилидаги лингвомаданий бирликлар. Монография. –Тошкент: 2019. –Б. 277.
40. Жўраев А. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. –Тошкент: Фан, 1969. – Б. 168.
41. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – 25-26 б.

42. Зарифов Х.Т. От асбоблари // Булкан шоир. –Тошкент: Фан, 1976. 83-88-бетлар.
43. Зарифов Х.Т. Лексикага эътибор бериш // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Тошкент: Фан, 1978. 133-136-бетлар.
44. Имомов К. “Алпомиш” достонининг айрим хусусиятлари (“Алпомиш”-ўзбек халқ қахрамонлик эпоси тўплами). –Тошкент: “Фан”, 1999. – 102 б.
45. Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» достонларининг қиёсий-типологик таҳлили. Д Д. –Тошкент: 2014.- 254 б.
46. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс майдони). Д ДА. –Тошкент: 1999. – 61 б.
47. Ишаев А. Халқ достонлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. 167-176 б.
48. Ишаев А. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. –Тошкент: Фан, 1971.–180 б.
49. Йўлдошев Б.Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. –Самарқанд: Сам.ДУ нашри, 2002. –Б. 37.
50. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. – Тошкент: Фан, 2006. –Б. 53.
51. Йўлдошева С. “Алпомиш” достонидаги ўхшатишларнинг ғоявий-эстетик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент:1986. №1.–Б. 47.
- 52 . Кошғарий М. Девону луғатит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов.І. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. –Б. 83.
53. Мадаев О. Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Шарқ, 2010. –Б. 20.
54. Мадаев О. “Алпомиш” билан суҳбат. –Тошкент: Маънавият”, 1999. – 20-43 б.

55. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Наврўз, 2019. –Б. 260.
56. Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. –Тошкент: Наврўз, 1996. –Б. 54.
57. Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва: Академия, 2004. –С. 205.
58. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик. –Тошкент: Тафаккур қаноти, 2011. –Б. 148.
59. Маҳмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. –350 б.
60. Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 2012 № 5. –Б 6-7.
61. Мирзаев Т. Достонлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. 1-жилд, – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.28.
62. Неъматов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995.–126 б.
63. Нурмонов А., Собиров.А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Шарқ, 2002. –Б. 103.
64. Омонтурдиев А. Чорвадор нутқида уй-рўзғор буюмлари номи ва мақоллар эвфемикаси. –Термиз, 2007. –Б. 3.
65. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том III. –СПб., 1905. – С. 1360-1361.
66. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане “Алпамиш” АКД, –Ташкент, 1975. – 24 с.
67. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент: Фан, 1970. –Б. 60.
68. Раҳматуллаев Ш.Ўзбек тилида феъл фразеологизмларнинг боғлашуви. –Тошкент, 1992. –Б.6.
69. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. –Тошкент: Университет, 2006. – 351 б.

70. Раҳмон.Н. Турк ҳоқонлиги. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. – 61 б.
71. Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шаҳриёр” ва “Маликаи Завриё” дostonлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
72. Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг кўлёзма вариантлари. НДА, –Тошкент: 2007. –Б. 23.
73. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат масалалари. – Тошкент: “Фан”, 1969.– 173 б.
74. Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамиш”, АКД, – Ташкент: 1990. 19 с.
75. Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б. 160.
76. Тюркская лексикология и лексикография. –Москва: Наука,1971. –С. 311.
77. Урунов Т. Узбекская овцеводческая атамология (на материале Кашкадарьинской области) АКД, –Самарканд, 1964, 19 стр.
78. Усманова. Ш. Лингвокультурология. Дарслик. –Тошкент, 2019. – 246 б.
79. Файзуллаев Б. “Алпомиш” дostonининг айрим хусусиятлари ҳақида// Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва функционал аспекти масалалари. –Тошкент, 1984. 58-63-б.
80. Хаджимусаева Н. Ислом шоирнинг “Орзигул” дostonининг лисоний тадқиқи. –Тошкент: “Innovatsiya-ziyo”, 2019. 112-б.
81. Холмонова З. Лингвокультурологияга оид тушунчалар тадқиқи. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 45 б.
82. Худойберганаева Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. –Тошкент: Фан, 3013. – 286 б.
83. Хўжамбердиев Т. Животноводческая лексика узбекского языка. АКД, Ташкент, 1975. – 38 с.

84. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.– Тошкент: ЎзРФА нашриёти, 1962. – 371 б.
85. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонининг тили ҳақида // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни, тадқиқотлар китоб, –Тошкент: Фан, 1971. 146 б.
86. Шомақсудов А., ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, 1974.– Б.70.
87. Ўзбек халқ достонлари. Икки томлик иккинчи наشري. –Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1957. 1 том, 506-б 2-том, 562-б.
88. Ўзбек халқ ижоди. Холдорхон. –Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1981. –Б. 438
89. Ўринбоева Д. Ўзбек фольклор матнларининг лингвостатистик тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2010. –Б. 125.
90. Uorf В. Отношение норм мышления к языку//Новое в лингвистике. Вып.1. –Москва: Наука, 1960. –С. 190.

3. Диссертация ва диссертация автореферати

91. Аллаёров Қ. Хоразм халқ достонлари ономастикаси: Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. –Самарқанд., 2018. – 54 б.
92. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили.10.02.02–ўзбек тили. Филол. фанлари номзоди...дисс. –Тошкент, 2008. – 61 б.
93. Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол.фан.фалсафа док(PhD)дисс. ...автореф. –Самарқанд, 2019. – 48 б.

94. Бурунов М. Атамаи жiwотноводства в узбекских говорах Каракалпакии // Автореферат диссертация кандидат филол.наук. – Тошкент, 1972, –С. 31.
95. Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик тахлили. Филол.фан.ном...дисс. –Тошкент, 2009. – 127 б.
96. Ёрматов И. Ўзбек халқ эпоси бадиияти (“Алпомиш” достони асосида). Филология фанлари доктори илмий даража учун ёзилган дисс. – Тошкент: 1993. – 250 б.
97. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик тахлил). Докторлик диссертацияси. –Тошкент, 2017. – 268 б.
98. Жумаева З.Ш. Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи. Филол.фан.фалсафа док (PhD)дис. ...автореф. –Жиззах, 2021. – 58 б.
99. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф...дисс.канд.филол.наук. –Ташкент, 1976. – 21 с.
100. Йўлдошев. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услугий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1993. – 47 б.
101. Курбаназарова Н. Ш. Сурхондарё воҳаси тўй маросими этнографизмларининг семантик табиати ва лингвомаданий тадқиқи. Филол. фан. фалсафа док (PhD)дис. ...автореф. –Термиз, 2021. – 54 б.
102. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри.дис. ...автореф. –Тошкент, 2000. – 56 б.
103. Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2007.–126 б.

104. Маҳмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. д-ра филол. наук.– Ташкент, 1984. – 259 с.
105. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси: Филол. фанлари д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2004.–165 б.
106. Мязишева Е.В. Эстетическая оценка челоовека в современном русском языке: лингвистический и лингвокультуроологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Омск, 2009. – 50 с.
107. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик тахлили (кўз, кўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. фалсафа док (PhD)дис. ...автореф. – Самарқанд, 2018. – 51 б.
108. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан. докт.дис. ...автореф. –Тошкент, 1966. – 46 б.
109. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук... – Ташкент, 1981. – 23 с.
110. Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий тахлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2002.– 25 б.
111. Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2008. – 42 с.
112. Саидова Ҳ.А. Ўзбек тилида ҳайвон номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланилиши: Филол. фан. номз. ...дисс. –Бухоро, 1995. –Б. 178.
113. Сапарбоев Н. Метафоры в эпосе «Манас»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук.– Фрунзе, 1975. – с. 22.
114. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини систем сифатида тадқиқ этиш: Филол. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2005. – 48 б.

115. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.
116. Тошматов Х.Қ. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўчимлар: Филол. фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 25 б.
117. Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан ном.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1998. – 24 б.
118. Холиқов А.А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ..дис. –Тошкент, 2009. – 152 б.
119. Холмонова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фанлари номз. ... дисс. Автореф. –Тошкент, 1998. –24 б.
120. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ...дис. – Тошкент, 2000. – 160 б.
121. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 126 б.
122. Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари. Филология фанлари доктори (DSe) диссертацияси. –Самарқанд; 2019. – 73 б.
123. Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном.дисс. ...автореф. –Тошкент, 1994. – 27 б.
124. Ҳожиев Ю.Н. “Алпомиш” дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва

лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD)...
дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 56 б.

125. Berlin B., Kay P. Basic colour terms: their universality and evolution. –
Berkeley: University of California Press, 1969.

126. Judith Martin Thomas Nakayama. Intercultural communication in
contexts. –5th ed. –New York: McGrew-Hill, 2010. –P.85.

4. Мақолалар

127. Абдиев З. Халқ достонларида киши исмлари // Совет мактаби. –
Тошкент, 1990. № 1. – Б.15-16.

128. Абдурахмонов Д. Бектемиров Х.-Ўзбек достонларининг
аномастикаси // Ўзбек халқ ижоди. –Тошкент: Фан, 1967. – Б.177-197.

129. Нурмонов А. Тил тизими ва ўзбек тилшунослигининг долзарб
масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. 1-сон.–Б.27-33.

130. Турсунов С. «Алпомиш» достони лексикасини ўрганишга доир //
Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1985. –№ 3. – Б. 36-38

131. Холмуротова Ж. «Қирқ минглар» достони лексикасининг адабий
тилга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1996. - № 4. –Б.
64-66.

132. Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонида бадий фонетика
элементлари // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 23-30.

133. Шоабдурахмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул достонларида ифода ва
тасвирийлик // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент, 1970.- № 5.– Б. 43-50.

134. Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг тили ҳақида // «Эргаш
шоир ва унинг достончиликдаги ўрни» тўплами. – Тошкент, 1971. 2-
китоб. – Б. 146-172.

135. Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб.
–Тошкент: Фан, 1971. –Б. 124; 233.

136. Ўраева Д. “Авазхон” достонининг лексик қатламини ўрганиш // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси, 3-китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 45-46.

137. Қўчқортоев И. Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 3-сон.–Б.27-33.

5. Луғатлар

138. Абдурахимов М. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –184 б.

139. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.

140. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент, ЎЗМЭ, 2007. – 434 б.

141. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 319 б.

142. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. Уч жилдлик. –Тошкент: Фан, 1963. 3-жилд. –287 б.

143. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. Уч жилдлик. –Тошкент: Фан, 1963. 2-жилд. – 390 б.

144. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 406 б.

145. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2003. – 600 б.

146. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III (форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар).–Тошкент: Университет, 2009.–Б. 284.

147. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. – Тошкент: Университет, 2006. –Б. 351.

148. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Икки жилдлик. – Тошкент: Университет, 2000. 1– жилд. – Б. 250,572.

149. Холмонова З., Тошева Д. Зооним компонентли паремаларнинг изоҳли луғати (ўзбек, инглиз ва рус тили материаллари асосида). Луғат. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. –260 б.
150. Хаджимусаева Н. “Орзигул” достони тилининг луғати (сўзлик, алфавитли луғат, частотали луғат, терс луғат). – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012.–387 б.
151. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т. Turon zamin ziyo, 2015. – 44 б.
152. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. –Б. 448.
153. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 679 б.
154. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.2. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 688 б.
155. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.3. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. - 688 б.
156. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.4. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2008 – 606 б.
157. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.5. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2008 – 592 б.
158. Ўзбек халқ мақоллари. – 2 томлик. – Т. 1. –Тошкент: Фан, 1987. – 366 б.
159. Ўзбек халқ мақоллари. – 2 томлик. – Т.2. – Тошкент: Фан, 1988.- 371б.
160. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2002. – 168 б.
161. Ҳожиёв А. Ўзбек синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 252.

162. Yo`ldoshev B., O`rinboeva D. O`zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug`ati. – Toshkent: O`ME, 2008. – 98 b.

163. O`rinboyeva D. O`zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug`ati.– Toshkent, 2006. – 244 b.

164. O`rinboyeva D., Umurzoqov U. O`zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug`ati. – Toshkent, 2006. – 395 b.

165. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – 124 б.

166. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2002. – 124 б.

6. Интернет манбалари

167. <http://www/tsu.tmn.ru/Шмелёва Т.М.> Существительные полиэталонны в английских устойчивых сравнениях. Актуальные проблемы психолингвистики. –Тверь, 1996.

168. <https://hozir.org/buxoro-davlat-universiteti-v10.html?page=4>

169. <https://www.advantour.com>> culture

170. WWW.urbandictionary.com/define.php?term=kilts+on+stilts